

منبهات
على الإستعداد ليوم المعاد

МУНАББИҲОТ

(Охират куни учун тайёргарликка оғоҳ этиш)

Араб тилидан
Анвар Аҳмад
таржимаси

Тошкент
2013 йил

Муқаддима

Ҳар бир иши айни ҳикмат бўлган ва ҳар бир ишга қодир бўлган Ҳакийму Қодир таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Ўз умматларига Роббиси амри ила ҳикматни ўргатган Пайғамбаримиз алайҳиссаломга мукамал ва батамом салавоту саломлар бўлсин!

У кишининг ҳадисларини Ислом умматига етказган оли байтлари ва саҳобаларига Аллоҳнинг розилиги бўлсин!

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларини бизларга етказиш ва англантишда беқиёс хизматлар қилган уламоларимизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Азиз ва мухтарам ўқувчиларимиз!

Аллоҳ таолонинг инояти ила сиз азизларга “Мунаббихот” (охират кунига тайёргарлик) китобини арабий матни ва таржимаси ва бироз изоҳи билан тақдим қилмоқдамиз.

Қолаверса, бу китоблар юртимизда асрлар оша мадрасаларда дарслик қилиб ўқитиб келинган.

Бу китоб бир неча бор нашр қилинган ва Ибн Ҳажар Асқалонийга нисбат берилган.

Биринчи: Ибн Ҳажар Асқалоний, “Мунаббихот” номи билан Ҳиндистонда тахминан 95 йил аввал 1312-ҳижрий йил нашрдан чиқди. Унинг 96 саҳифадан иборат форс тилига таржимаси ҳам мавжуд.

Иккинчи: Ибн Ҳажар Асқалоний, “Мунаббихот” номи остида тахминан 92 йил аввал 1315-ҳижрий йили Истанбулда нашрдан чиқди.

Учинчи: “Мунаббихот (Охират кунига тайёргарлик)” номи остида тахминан 82 йил аввал 1904 милодий йили Қозонда “Мактаба Шарика”да нашрдан чиқди.

Аммо Ҳожи Халифа “Кашф аз-Зунун”да эса ушбу “Мунаббихот (Охират кунига тайёргарлик)” китобини муаллифи Ибн Ҳажар Асқалоний эмас балки Зайнул Кузот Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳижийга нисбат берди. Сўнг айтдики: *“Унда бирдан ўнталиккача, иккилик, учлик, тўртликдан иборат ҳадис ва насиҳатлар жамланган. Аввали: Барча мақтовлар оламларнинг Рабби Аллоҳга хосдир... Айтдики: ушбу “Мунаббихот (Охират кунига тайёргарлик)дир”.* Иқтибос тугади.

Биз ўзбек тилига ўгирилган ушбу китоб учун, Татаристоннинг Қозон ва Уфа шаҳарларидаги “Сабоҳ ширкати” нашриётида тайёрланиб, 1915-мелодий санада “Электро типография Умид” босмахонасида чоп этилган нашрни асос қилиб олдик.

www.arabic.uz сайтида бобга ажратиб, қисм-қисм қилиб бериб бордик. Шу аснода ҳадис илмидан хабардор баъзи кишилар томонидан ушбу Мунаббихот китоби Ибн Ҳажар Асқалонийга алоқаси йўқ, деб эътирозлар билдириб, сўзларига бир неча далиллар ҳам келтиришган. Ушбу китоб Ибн Ҳажар Асқалоний ҳазратларига ёки Зайнул Кузот Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳижийга ёки икковларидан бошқа бир олим зотга тегишли бўлиши мумкин.

Аммо қайси бирлари бўлишганида ҳам аксари саҳоба ва тобеъинлар ҳамда қалб табиблари бўлмиш муршидларнинг ҳикматли сўзлари бўлгани учун араб тили ўрганувчиларга манфаат бўлиши умидида, ўзбекчасини арабий матни билан бериб, китобни охирига етказишни маъқул топдик. Ҳамда оз сонда келган ҳадисларни ровийларини аниқлашга ҳам ҳаракат қилдик.

Қадрли ўқувчилар! Ушбу китобни ўқиш жараёнида ўзингиз учун бирор фойдали нарса топсангиз Аллоҳ таолодан деб, нуқсон ва камчиликлар учратсангиз камина ходимингиздан деб билгайсиз.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ فِي كُلِّ حِينٍ وَأَوْقَاتٍ، وَالصَّلَاةُ عَلَى رَسُولِهِ أَشْرَفَ الْخَلْقِ وَالْبَرِيَّاتِ، (هَذِهِ مُنْبَهَاتٌ) مِمَّا صَنَّفَهُ الشَّيْخُ شَهَابُ الْمَلَّةِ وَالْحَقُّ وَالِدَيْنِ أَحْمَدُ بْنُ عَلِيِّ بْنِ مُحَمَّدٍ بْنِ أَحْمَدَ الْعَسْقَلَانِيَّ الْأَصْلَ ثُمَّ الْمِصْرِيَّ، الشَّافِعِيَّ، الشَّهِيرُ بِابْنِ الْحَجَرِ "عَلَى الْإِسْتِعْذَادِ لِيَوْمِ الْمَعَادِ". فَإِنَّ مِنْهَا مَا يَكُونُ مُثَنَّى وَمِنْهَا مَا يَكُونُ ثَلَاثِيًّا إِلَى تَمَامِ الْعَشْرَةِ.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Аллоҳга ҳамиша ва ҳар вақтларда мақтов бўлсин. Яратилган махлуқотларининг энг шарафлиси бўлмиш Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга салавотлар бўлсин.

Шайх, миллат ва ҳақиқат ҳамда дин учқуни бўлмиш Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад (асли Асқалонлик, кейин мисрлик, Шофеевий мазҳабидаги шайх, Ибн Ҳажар номи билан машҳур бўлган зот) “**Охират кунига тайёргарлик**” номли ушбу китобни таълиф этганлар.

Бу китобда иккилик боби, учлик боби... давом этиб, охирида ўнлик бобида тамом бўлади.

بَابُ الثَّنَائِيِّ

١- قِيلَ: خَصَلَتَانِ لَا شَيْءَ أَفْضَلُ مِنْهُمَا، الْإِيمَانُ بِاللَّهِ، وَالنَّفْعُ لِلْمُسْلِمِينَ. وَخَصَلَتَانِ لَا شَيْءَ أَخْبَثُ مِنْهُمَا، الشَّرْكُ بِاللَّهِ وَالضُّرُّ بِالْمُسْلِمِينَ.

ИККИЛИК БОБ

1. Айтиладики:

“Икки хислат борки, улардан бирор нарса афзал эмас:

Биринчи - Аллоҳга иймон келтириш;

Иккинчиси - мусулмонларга фойда келтириш.

Яна икки хислат борки, улардан ёмонроқ нарса йўқдир:
Бири - Аллоҳга ширк келтириш;
Иккинчиси - мусулмонларга зарар етказишдир”, дедилар.

۲- وَقَالَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: عَلَيْكُمْ بِمَجَالِسَةِ الْعُلَمَاءِ، وَاسْتِمَاعِ كَلَامِ الْحُكَمَاءِ، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحْيِي الْقَلْبَ الْمَيِّتَ بِنُورِ الْحِكْمَةِ كَمَا يُحْيِي الْأَرْضَ الْمَيِّتَةَ بِمَاءِ الْمَطَرِ.

(رواه الطبراني في الكبير عن أبي أمامة قال قال صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إن لقمان قال لابنه: يا بني عليك بمجالسة العلماء وسماع كلام الحكماء فإن الله ليحيي القلب الميت بنور الحكمة كما يحيي الأرض الميتة بوابل المطر. قال المنذري: سنده حسن به الترمذي غير هذا الحديث ولعله موقوف).

2. Узот алайҳиссалом:

“Сизлар уламолар билан бирга ўтиришни ва ҳаким (донишманд) зотлар ҳикматларини эшитишни лозим тутинглар. Чунки Аллоҳ таоло ўлик ерни ёмғир суви билан тирилтиргани каби ўлик қалбни ҳикмат нури билан тирилтиради”, дедилар.

۳- وَعَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: مَنْ دَخَلَ الْقَبْرَ بِلَا زَادٍ، فَكَأَنَّمَا رَكِبَ الْبَحْرَ بِلَا سَفِينَةٍ.

3. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Ким қабрга тайёргарликсиз кирса, гўёки у денгизни кемасиз минишга тушган кабидир”.

۴- وَعَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: عِزُّ الدُّنْيَا بِالْمَالِ، وَعِزُّ الْآخِرَةِ بِصَالِحِ الْأَعْمَالِ.

4. Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Дунёнинг азизлиги мол-дунё биландир, охиратнинг азизлиги эса солиҳ амаллар билан”.

۵- وَعَنْ عَثْمَانَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: هَمُّ الدُّنْيَا ظُلْمَةٌ فِي الْقَلْبِ، وَهَمُّ الْآخِرَةِ نُورٌ فِي الْقَلْبِ.

5. Усмон (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Дунё ғами қалбда зулматдир, охират ғами эса қалбда нурдир”.

۶- وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: مَنْ كَانَ فِي طَلَبِ الْعِلْمِ كَأَنَّ الْجَنَّةَ فِي طَلْبِهِ، وَمَنْ كَانَ فِي طَلَبِ الْمَعْصِيَةِ كَأَنَّ النَّارَ فِي طَلْبِهِ.

6. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Ким илм талабида бўлса, жаннат унинг талабида бўлади. Ким гуноҳ талабида бўлса, дўзах унинг талабида бўлади”.

۷- وَعَنْ يَحْيَى بْنِ مُعَاذٍ رَحِمَهُ اللَّهُ عَنْهُ: مَا عَصَى اللَّهُ كَرِيمًا، وَمَا آثَرَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ حَكِيمًا.

7. Яхё ибн Муоз (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Олийжаноб киши Аллоҳга осий бўлмайди. Ҳақим донишманд эса бу дунёни охиратдан устун қўймайди”.

۸- وَعَنِ الْأَعْمَشِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ كَانَ رَأْسُ مَالِهِ التَّقْوَى كَلَّتِ الْأَلْسُنُ عَنْ وَصْفِ رِيحِ دِينِهِ، وَمَنْ كَانَ رَأْسُ مَالِهِ الدُّنْيَا كَلَّتِ الْأَلْسُنُ عَنْ وَصْفِ خُسْرَانِ دِينِهِ.

8. Аъмаш (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Кимнинг сармоясини тақво бўлса, тиллар унинг динининг фойдасини васф қилишдан чарчабди. Кимнинг сармоясини мол-дунё бўлса, тиллар унинг динининг зарарини васф қилишдан чарчабди”.

(Изоҳ: Ким тақвони асос қилиб, маҳкам ушласа демак динида кўп манфаат олар экан. Ким мол-дунёни асос қилиб, унга суянса демак динида кўплаб зарар топар экан.)

۹- وَعَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ: كُلُّ مَعْصِيَةٍ عَنْ شَهْوَةٍ فَإِنَّهُ يُرْجَى غُفْرَانُهَا. وَكُلُّ مَعْصِيَةٍ عَنِ الْكِبَرِ فَإِنَّهُ لَا يُرْجَى غُفْرَانُهَا، لِأَنَّ مَعْصِيَةَ إِبْلِيسَ كَانَ أَصْلُهَا مِنَ الْكِبَرِ وَزَلَّةُ آدَمَ كَانَ أَصْلُهَا مِنَ الشَّهْوَةِ.

9. Суфёни Саврийдан ривоят қилинади:

“Ҳар бир гуноҳки шаҳват орқали содир бўлса, унинг кечирилиши умид қилинади. Ҳар бир гуноҳки кибру ҳаводан содир бўлса, мағфират қилинишига умид қилинмайди. Чунки Иблисининг гуноҳи аслида кибру ҳаводан бўлган эди. Одам (а.с.)нинг тойилишлари эса аслида шаҳват (яъни, нафсга тобеълик)дан содир бўлган эди”.

۱۰- وَعَنْ بَعْضِ الزُّهَّادِ: مَنْ أَذْنَبَ ذَنْبًا وَهُوَ يَضْحَكُ فَإِنَّ اللَّهَ يُدْخِلُهُ النَّارَ وَهُوَ يَبْكِي، وَمَنْ أَطَاعَ اللَّهَ وَهُوَ يَبْكِي، فَإِنَّ اللَّهَ يُدْخِلُهُ الْجَنَّةَ وَهُوَ يَضْحَكُ.

10. Баъзи зоҳидлардан ривоят қилинади:

“Ким бирор гуноҳни кулган ҳолда қилса, Аллоҳ уни дўзахга йиғлаган ҳолда киритади. Кимки Аллоҳга йиғлаган ҳолда итоат қилса, Аллоҳ уни жаннатга кулган ҳолда киритади”.

۱۱- وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: لَا تَحْفَرُوا الدُّنُوبَ الصَّغَارَ، فَإِنَّهَا تَنْشَعِبُ مِنْهَا الدُّنُوبُ الْكِبَارُ.

11. Баъзи ҳақим зотлардан ривоят қилинади:

“Кичик гуноҳларни ҳақир ва паст санаманглар, чунки ундан катта гуноҳлар етилиб чиқади”.

١٢ - وَعَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا صَغِيرَةَ مَعَ الْإِصْرَارِ، وَلَا كَبِيرَةَ مَعَ الْإِسْتِغْفَارِ.

(رواه أبو الشيخ والديلمي عن ابن عباس رفعه وكذا العسكري عنه في الأمثال بسند ضعيف لا سيما ورواه ابن المنذر في تفسيره عن ابن عباس من قوله، والبيهقي عن ابن عباس موقوفا، وله شاهد عند البيهقي، ومن جهة الديلمي عن أنس مرفوعا)

12. Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

“Доимий (бажариш билан бирор амал) кичиклигича қолмайди, истиғфор билан эса (гуноҳ) катталигича қолмайди”.

١٣ - قِيلَ: هُمُ الْعَارِفِ النَّتَاءِ، وَهُمْ الزَّاهِدِ الدُّعَاءِ، لِأَنَّ هَمَّ الْعَارِفِ رَبُّهُ، وَهُمْ الزَّاهِدِ نَفْسُهُ.

13. Айтиладики:

“Аллоҳни яхши таниган орифнинг ғами Аллоҳни мақташдир. Зоҳиднинг ғами эса дуодир. Чунки Аллоҳни яхши таниган кишининг ғами Роббисидир, зоҳиднинг ғами эса фақат ўзидир”.

(Изоҳ: Ориф сўзи лугатда «ирфон соҳиби» маъносини билдиради. Истилоҳда Аллоҳни том маънода таниган, ирфон ва маърифат соҳиби бўлмиш инсон «ориф» дейилади. Маърифати бутунлай Аллоҳга боғланган ориф «валий» ёки «орифи биллоҳ» дейилади.

Зоҳид сўзи «зуҳд» сўзидан олинган бўлиб, лугатда «юз ўғирувчи, тарк этувчи» маъноларини билдиради. Истилоҳда эса Аллоҳ розилиги йўлида риёзатга берилган, нафс васвасаларидан, дунё ҳою ҳавасларидан юз ўгирган киши «зоҳид» дейилади. Зоҳидлар Аллоҳнинг зикрига халал берувчи ҳамма нарсани тарк этиб, дунёга ҳавас қўйишмайди.

Бу сўзда ориф билан зоҳид киши орасини таққослаб, ориф бўлган киши кучли экани айтилмоқда).

١٤ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: مَنْ تَوَهَّمَ أَنَّ لَهُ وَلِيًّا أَوْلَى مِنَ اللَّهِ قَلَّتْ مَعْرِفَتُهُ بِاللَّهِ، وَمَنْ تَوَهَّمَ أَنَّ لَهُ عَدُوًّا أَعْدَى مِنْ نَفْسِهِ

قَلَّتْ مَعْرِفَتُهُ بِنَفْسِهِ.

14. Баъзи ҳаким зотлардан ривоят қилинади:

“Ким Аллоҳдан аълороқ, яқин дўст бор, деб гумон қилса, унинг Аллоҳни таниши оз экан. Ва кимдир нафсидан ҳам ашаддйроқ душмани бор, деб гумон қилса, у ўз нафсини таниши оз экан”.

١٥ - وَعَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي قَوْلِهِ تَعَالَى: {ظَهَرَ الْفَسَادُ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ} (سورة الروم، الآية - ٤١).

قَالَ: الْبَرُّ هُوَ اللِّسَانُ، وَالْبَحْرُ هُوَ الْقَلْبُ. فَإِذَا فَسَدَ اللِّسَانُ بَكَتْ عَلَيْهِ النُّفُوسُ، وَإِذَا فَسَدَ الْقَلْبُ بَكَتْ عَلَيْهِ الْمَلَائِكَةُ.

15. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади.

У киши Аллоҳ таолонинг: “Гуноҳлар қуруқликда ва денгизда ошкор бўлди”, деган сўзи ҳақида гапириб: “Қуруқлик - бу тилдир, денгиз эса - бу қалбдир. Қачон тил фасод бўлса, унга нафслар йиғлайди. Қачон қалб фасод бўлса, унга фаришталар йиғлайди”, дедилар.

۱۶ - قِيلَ: أَنَّ الشَّهْوَةَ تُصَيِّرُ الْمُلُوكَ عِبِيدًا، وَالصَّبْرَ يُصَيِّرُ الْعَبِيدَ مُلُوكًا، أَلَا تَرَى إِلَى قِصَّةِ يُوسُفَ وَزُلَيْخَا.

16. Айтиладики:

«Албатта, шаҳват подшоҳни қулга айлантиради. Сабр эса қулни подшоҳга айлантиради. Сиз «Юсуф ва Зулайхо» қиссасига қарамайсизми!?»

۱۷ - قِيلَ: طُوبَى لِمَنْ كَانَ عَقْلُهُ أَمِيرًا، وَهَوَاهُ أَسِيرًا، وَوَيْلٌ لِمَنْ كَانَ هَوَاهُ أَمِيرًا وَعَقْلُهُ أَسِيرًا.

17. Айтиладики:

“Яхшилик бўлсин! Кимнинг ақли амир бўлиб, ҳавои нафси унга асир бўлса.

Вой бўлсин! Кимнинг ҳавои нафси амир бўлиб, ақли унга асир бўлса”.

۱۸ - قِيلَ: مَنْ تَرَكَ الذُّنُوبَ رَقَّ قَلْبُهُ، وَمَنْ تَرَكَ الْحَرَامَ وَأَكَلَ الْحَلَالَ صَفَتْ فِكْرُهُ.

18. Айтиладики:

“Ким гуноҳларни тарк этса, унинг қалби юмшоқ бўлади. Яна кимки ҳаромни тарк қилиб, ҳалолни еса, унинг фикри мусаффо бўлади”.

۱۹ - أَوْحَى اللَّهُ إِلَى بَعْضِ الْأَنْبِيَاءِ: أَطِيعِي فِيمَا أَمَرْتُكَ، وَلَا تَعْصِنِي فِيمَا نَهَيْتُكَ.

19. Аллоҳ баъзи набийларга:

“Мен сизларга амр қилган нарсада Менга итоат қилинглар. Ва Мен сизларга қилган насиҳатимда Менга осий бўлманглар”, деб ваҳий қилди.

۲۰ - قِيلَ: كَمَالُ الْعَقْلِ اتِّبَاعُ رِضْوَانِ اللَّهِ تَعَالَى وَاجْتِنَابُ سَخَطِهِ.

20. Айтиладики:

“Аллоҳнинг розилигига эргашиб, Унинг ғазабидан йироқда бўлиш ҳақиқий комилликдир”.

۲۱ - قِيلَ: لَا غُرْبَةَ لِلْفَاضِلِ، وَلَا وَطْنَ لِلْجَاهِلِ.

21. Айтиладики:

“Фозил кишига ғариблик йўқдир. Жоҳилга ватан йўқдир”.

۲۲ - قِيلَ: مَنْ كَانَ بِالطَّاعَةِ عِنْدَ اللَّهِ قَرِيْبًا، كَانَ بَيْنَ النَّاسِ غَرِيْبًا.

22. Айтиладики:

“Ким тоат-ибодат билан Аллоҳга яқин бўлса, одамлар орасида ғариб бўлади”.

٢٣ - قِيلَ: حَرَكَةُ الطَّاعَةِ دَلِيلُ الْمَعْرِفَةِ كَمَا أَنَّ حَرَكَةَ الْجِسْمِ دَلِيلُ الْحَيَاةِ.

23. Айтиладики:

“Жисм ҳаракат қилиши ҳаёт борлигининг исботи бўлгани каби тоатга ҳаракат қилиш маърифатнинг исботидир”.

(Изоҳ: яъни, жасад ҳаракат қилса, инсоннинг яшаётганидан дарак беради ва инсон доимо тоат-ибодат учун ҳаракат қилса, бу унинг Аллоҳнинг маърифати - Яратганни танишидан дарак беради.)

٢٤ - قِيلَ: أَصْلُ جَمِيعِ الْخَطَايَا حُبُّ الدُّنْيَا، وَأَصْلُ جَمِيعِ الْفِتَنِ مَنَعُ الْعَشْرِ وَالزَّكَاةِ.

24. Айтиладики:

Жамики хатоларнинг асли дунёни яхши кўришдир. Ва жамики фитналарнинг асли ушр ва закотни манъ қилишдир.

٢٥ - قِيلَ: الْمُقَرُّ بِالتَّقْصِيرِ أَبَدًا مَحْمُودٌ، وَالْإِقْرَارُ بِالتَّقْصِيرِ عَلَامَةُ الْقَبُولِ.

25. Айтиладики:

“Камчиликка иқроп бўлиш ҳамиша мақталгандир. Камчиликка иқроп бўлиш қабулнинг аломатидир”.

٢٦ - قِيلَ: كُفْرَانُ النِّعْمَةِ لَوْمٌ، وَصُحْبَةُ الْأَحْمَقِ سُؤْمٌ.

26. Айтиладики:

“Неъматларга кўрнамак бўлиш пасткашлиқдир, аҳмоқнинг суҳбатида бўлиш бадбахтликдир”.

قال الشاعر اشعارا

ШОИР ШЕЪРЛАРИДА АЙТДИ

يَا مَنْ بَدُنِّيَاهُ اشْتَعَلَ * قَدْ غَرَّهُ طُولُ الْأَمَلِ
أَوْلَمْ يَزَلْ فِي غَفْلَةٍ * حَتَّى دَنَا مِنْهُ الْأَجَلُ
الْمَوْتُ يَأْتِي بَعْتَهُ * وَالْقَبْرُ صُنْدُوقُ الْعَمَلِ
إِصْبِرْ عَلَى أَهْوَالِهَا * لَا مَوْتَ إِلَّا بِالْأَجَلِ

Эй дунёсига машғул бўлган киши,
 Уни узун орзулар ғурурга кетказди.
 У ғафлатида бардавом бўлганида,
 Ҳаттоки унга ажали яқинлашиб қолди.
 Ўлим тўсатдан келар,
 Қабр амаллар сандиғидир.
 Сен унинг кўрқинчларига сабр қилгин,
 Ўлим йўқдир, фақат ажал биландир!

بَابُ الثَّلَاثِيَّةِ

УЧЛИК БОБ

۲۷ - قِيلَ: مَنْ أَصْبَحَ وَهُوَ يَشْكُو ضَيْقَ الْمَعَاشِ فَكَأَنَّمَا يَشْكُو رَبَّهُ. وَمَنْ أَصْبَحَ لِأُمُورِ الدُّنْيَا حَزِينًا فَقَدْ أَصْبَحَ سَاحِطًا عَلَى اللَّهِ. وَمَنْ تَوَاضَعَ لِعَنِي لِيُغْنَاهُ فَقَدْ ذَهَبَ ثُلَاثًا دِينَهُ.

27. Айтиладики:

Ким яшаш қийинчилигидан шикоят қилган ҳолда тонг оттирса гўёки роббисига шикоят қилибди. Ким дунё ишлари учун хафа бўлган ҳолда тонг оттирса батаҳқиқ Аллоҳга ғазаб қилган ҳолда тонг оттирибди. Ким бойнинг бойлиги учун тавозуълик қилса батаҳқиқ динини учдан иккиси кетибди.

۲۸ - وَعَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ثَلَاثٌ لَا يُدْرِكُ بِثَلَاثٍ، الْغِنَى بِالْمَتَى، وَالشَّبَابُ بِالْخِصَابِ، وَالصِّحَّةُ بِالْأَدْوِيَةِ.

28. Абу Бакр (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Уч нарсани уч нарса билан топиб бўлмайди: бойликни орзу билан, ёшликни бўяниш, яъни пардоз билан, соғликни дори-дармон билан”.

۲۹ - وَعَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: حُسْنُ التَّوَدُّدِ إِلَى النَّاسِ نِصْفُ الْعَقْلِ، وَحُسْنُ السُّؤَالِ نِصْفُ الْعِلْمِ، وَحُسْنُ التَّدْبِيرِ نِصْفُ الْمَعِيشَةِ.

29. Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Инсонларга муносабатда чиройли бўлиш ақлнинг ярмидир. Саволнинг чиройли бўлиши илмнинг ярмидир. Чиройли тадбир бўлиши эса (бахтиёр) яшашнинг ярмидир”.

٣٠ - وَعَنْ عَثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ تَرَكَ الدُّنْيَا أَحَبَّهُ اللَّهُ تَعَالَى، وَمَنْ تَرَكَ الدُّنْيَا أَحَبَّهُ الْمَلَائِكَةُ، وَمَنْ حَسَمَ الطَّمَعَ عَنِ الْمُسْلِمِينَ أَحَبَّهُ الْمُسْلِمُونَ.

30. Усмон (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Ким мол-дунёни тарк этса, Аллоҳ таоло уни севади. Ким гуноҳларни тарк этса, фаришталар уни севади. Ким мусулмонлардан таъмагирликни тарк этса, одамлар уни севади”.

٣١ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنْ مِنْ نَعِيمِ الدُّنْيَا يَكْفِيكَ الْإِسْلَامُ نِعْمَةً، وَأَنْ مِنَ الشُّغْلِ يَكْفِيكَ الطَّاعَةُ شُغْلًا، وَأَنْ مِنَ الْعِبْرَةِ يَكْفِيكَ الْمَوْتُ عِبْرَةً.

31. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Дунё неъматларидан сизларга Ислом неъмат ўлароқ кифоя қилади. Машғулотлардан тоат-ибодат машғулот ўлароқ кифоя қилади. Ибрат олишингиз учун эса ўлим ибрат ўлароқ кифоя қилади”.

٣٢ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ: كَمْ مِنْ مُسْتَدْرَجٍ بِالنِّعْمَةِ عَلَيْهِ، وَكَمْ مِنْ مَفْتُونٍ بِالنِّقْمَةِ عَلَيْهِ، وَكَمْ مِنْ مَغْرُورٍ بِالسُّرْرِ عَلَيْهِ.

32. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Қанчалар неъмат билан истидрож қилинганлар бор (яъни, улар бу неъматларни ўзларининг ҳақ бўлганлари учун Аллоҳ томонидан ато этилган, деб ўйлашади, ҳолбуки, Аллоҳ уларга арқонни узун ташлаб кўйган бўлади).

Қанчалар мақтов билан фитнага учраганлар бор.

Қанчалар гуноҳлари яширилишидан мағрур бўлганлар бор (ҳолбуки, Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳини ошкор қилмасдан, яшириб турибди, холос)”.

٣٣ - وَعَنْ دَاوُدَ النَّبِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ، قَالَ: أُوحِيَ فِي الرُّبُورِ، حَقٌّ عَلَى الْعَاقِلِ أَنْ لَا يَشْتَغَلَ إِلَّا بِثَلَاثٍ، تَزُودُ لِمَعَادٍ، وَمَوْتُهُ لِمَعَاشٍ، وَطَلَبُ لَذَّةٍ بِحَلَالٍ.

33. Пайгамбар Довуд (а.с.)дан ривоят қилинади:

“Забурда ваҳий қилинганки, оқилнинг ҳаққи фақат уч нарса билан машғул бўлишидадир: охиратга захира йиғиш, яшаш учун таъминот, лаззатни ҳалоллик билан талаб қилиш”.

٣٤ - قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ثَلَاثٌ مُنْجِيَاتٌ، وَثَلَاثٌ مُهْلِكَاتٌ، وَثَلَاثٌ دَرَجَاتٌ وَثَلَاثٌ كَفَّارَاتٌ. أَمَّا الْمُنْجِيَاتُ فَخَشْيَةُ اللَّهِ تَعَالَى فِي السَّرِّ وَالْعَلَانِيَةِ، وَالْقَصْدُ فِي الْفَقْرِ وَالْغِنَى، وَالْعَدْلُ فِي الرِّضَاءِ وَالْغَضَبِ. وَأَمَّا الْمُهْلِكَاتُ فَشَحُّ شَدِيدٌ وَهَوَى مُتَّبِعٌ وَإِعْجَابُ الْمَرْءِ بِنَفْسِهِ. وَأَمَّا الدَّرَجَاتُ فإِفْشَاءُ السَّلَامِ، وَإِطْعَامُ الطَّعَامِ، وَالصَّلَاةُ بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامًا. وَأَمَّا الْكَفَّارَاتُ فإِسْبَاغُ الْوُضُوءِ فِي السَّبْرَاتِ، وَنَقْلُ الْأَقْدَامِ إِلَى الْجَمَاعَاتِ، وَانْتِظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ.

(الطبرانی فی الأوسط عن ابن عمر، البزار، والعسکری فی الأمثال عن أنس)

34. *Набий соллаллоху алайҳи васаллам:*

“Учта нажот берувчи амаллар, учта ҳалок этувчи амаллар, учта даража бўлувчи амаллар ва учта каффорат бўлувчи амаллар бордир.

Қутқарувчи амаллар: Аллоҳ таолодан яширинча ва ошқора кўрқиш, бойликда ҳам, камбағалликда ҳам мўътадил бўлиш, розилик (ғазаб келмаган) ва ғазаб келганида ҳам адолатли бўлиш.

Ҳалок этувчи амаллар: қаттиқ бахиллик, ҳавои нафсга эргашиш, кишининг ўзидан ажабланиши (яъни, ғурурланиш).

Даража бўлувчи амаллар: саломни ошқора қилиш, таом билан (камбағалларни) таомлантириш, одамлар ухлаётган кечаларда намоз ўқиш.

Каффорат бўлувчи амаллар: қийинчиликда таҳоратни мукамал қилиш, жамоат намозларига қадамларда (пиёда) юриб бориш ва намоздан кейин намозни интизорлик билан кутиш”, дедилар.

۳۵ – وَقَالَ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ: يَا مُحَمَّدُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ! عَشْرٌ مَا شِئْتَ فَأَنْتَ مَيِّتٌ، وَأَحَبُّ مَنْ شِئْتَ فَأَنْتَ مُفَارِقُهُ، وَأَعْمَلُ مَا شِئْتَ مَجْزِيٌّ بِهِ.

(الشيرازى فى الألقاب، والحاكم وتعب، والبيهقى فى شعب الإيمان، والخطيب، وابن عساكر عن سهل بن سعد. وأورده ابن

الجوزى فى الموضوعات، وخطأه ابن حجر فى أماليه. البيهقى فى شعب الإيمان عن جابر. وأبو نعيم فى الحلية عن علي)

35. *Жаброил (а.с.) айтдилар:*

“Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам хоҳлаганингизча яшанг, барибир ўласиз. Хоҳлаган кишингизни яхши кўринг, барибир ундан ажраласиз. Хоҳлаган ишингизни қилинг, барибир сиз унинг жазо ёки мукофотини оласиз”.

۳۶ – قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ثَلَاثٌ نَفَرٌ يُظَلُّهُمُ اللَّهُ تَحْتَ ظِلِّ عَرْشِهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ. الْمُتَوَصَّيُّ فِي الْمَكَارِهِ، وَالْمَأْمِيُّ إِلَى الْمَسَاجِدِ فِي الظُّلْمِ، وَمُطْعِمُ الْجَائِعِ.

(رواه أبو الشيخ فى كتاب الثواب، وأبو القاسم الأصبهاني)

36. *Набий соллаллоху алайҳи васаллам:*

“Уч нафар кишини Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда Арши соясида соялантиради:

- қийин ҳолатларда таҳорат олувчини;
- зулумат қоронғуда масжидларга пиёда чиқувчиларни;
- очларни таомлантирувчиларни”, дедилар.

۳۷ – قِيلَ لِإِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: لَأَيِّ شَيْءٍ آتَيْتَ اللَّهَ خَلِيلًا؟ قَالَ: بِثَلَاثَةِ أَشْيَاءَ، اخْتَرْتُ أَمْرَ اللَّهِ تَعَالَى عَلَى أَمْرِ غَيْرِهِ، وَمَا اهْتَمَمْتُ بِمَا تَكْفَلُ اللَّهُ لِي بِهِ، وَمَا تَعَشَّيْتُ وَمَا تَعَدَّيْتُ إِلَّا مَعَ الضُّيُوفِ.

37. Иброҳим Ҳалилуллоҳ (а.с.)га:

“Сизни нима учун Аллоҳ таоло ўзига халил (дўст) қилиб олди?” дейишди.

Иброҳим (а.с.):

“Уч нарса учун: Аллоҳ таолонинг амрини бошқа ишлардан устун қўйдим, Аллоҳ таоло менга кафолат берган нарсалари ҳақида қайғурмадим, кечки овқатни ҳам, тушликни ҳам фақат меҳмон билан тановул қилдим”, дедилар.

۳۸ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: ثَلَاثَةٌ أَشْيَاءُ تُفَرِّجُ الْغُصَصَ، ذِكْرُ اللَّهِ تَعَالَى، وَلِقَاءِ أَوْلِيَائِهِ، وَكَلَامِ الْحُكَمَاءِ.

38. Баъзи ҳаким зотларлардан ривоят қилинади:

“Уч нарса ғам-ғуссаларни кетказди: Аллоҳ таолони зикр қилиш; Аллоҳга яқин, валий зотлар билан учрашиб, мулоқотда бўлиш; ҳаким (донишманд)ларнинг сўзлари”.

۳۹ - وَعَنْ الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ: مَنْ لَا أَدَبَ لَهُ لَا عِلْمَ لَهُ، وَمَنْ لَا صَبْرَ لَهُ لَا دِينَ لَهُ، وَمَنْ لَا وَرَعَ لَهُ لَا زُفَى لَهُ.

39. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади:

“Кимнинг одоби бўлмаса, унинг илми йўқдир. Кимнинг сабри йўқ бўлса, унинг дини йўқдир. Кимнинг тақвоси бўлмаса, унда Аллоҳга яқинлик йўқдир”.

۴۰ - وَرَوَى، أَنَّ رَجُلًا خَرَجَ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ إِلَى طَلَبِ الْعِلْمِ، فَبَلَغَ ذَلِكَ نَبِيَّهُمْ، فَبَعَثَ إِلَيْهِ، فَأَتَاهُ، فَقَالَ لَهُ: يَا فَتَى! إِنِّي أَعْظَمُكَ بِثَلَاثِ حِصَالٍ، فِيهَا عِلْمُ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ، خَفَّ اللَّهُ فِي السَّرِّ وَالْعَلَانِيَةِ، وَأَمْسَكَ لِسَانَكَ عَنِ الْخُلُقِ لَا تَذْكُرْهُمْ إِلَّا بِخَيْرٍ، وَأَنْظُرْ خُبْرَكَ الَّذِي تَأْكُلُهُ حَتَّى يَكُونَ مِنَ الْحَلَالِ، فَاَمْتَنِعَ الْفَتَى عَنِ الْخُرُوجِ.

40. Ривоят қилинадики:

«Бани Исроилдан бир киши илм талабида йўлга чиқди. Унинг хабари пайғамбарига етиб келди. У йигитлардан бирини жўнатган эди, уни келтирди. Бас, пайғамбар унга:

“Эй йигит! Мен сенга аввалги-ю охиргилар илмининг уч хислатини ваъз қилиб айтаман: Аллоҳдан ошқора ва пинҳона кўрқкин; тилингни халойиқдан тийгин, фақат яхшиликка бўлса, сўзлагин; еяётган нонингга қарагин, токи у ҳалоллик ортидан бўлсин!” деди. Бу сўзларни эшитган йигит сафарга чиқишдан ўзини тийди».

۴۱ - وَعَنْ أَبِي سُلَيْمَانَ الدَّارَانِيِّ، أَنَّهُ قَالَ فِي الْمُنَاجَاةِ: إِلَهِي، لَيْنَ طَالَبْتِي بِذَنْبِي، لِأَطْلُبَنَّكَ بِعَفْوِكَ، وَلَيْنَ طَالَبْتِي بِخُلُقِي، لِأَطْلُبَنَّكَ بِسَخَائِكَ، وَلَيْنَ أَدْخَلْتَنِي النَّارَ، لِأَخْبِرْتُ أَهْلَ النَّارِ بِأَنِّي أُحِبُّكَ.

41. Абу Сулаймон Доронийдан ривоят қилинади:

У зот муножатларида:

“Аллоҳим, Сен мени гуноҳларим билан талаб қилсанг, мен Сени авфинг билан талаб қиламан. Сен мени бахиллигим билан талаб қилсанг, мен Сени

сахийлигинг билан талаб қиламан. Агар Сен мени дўзахга киритсанг, мен дўзах аҳлига Сени севишим хабарини бераман”, дер эдилар.

٤٢ - وَقِيلَ: أَسْعَدُ النَّاسِ مَنْ لَهُ قَلْبٌ عَالِمٌ، وَبَدَنٌ صَابِرٌ، وَقَنَاعَةٌ بِمَا فِي الْيَدِ.

42. Айтиладики:

“Инсонларнинг бахтлиси қалби олим, бадани сабрли ва қўлида бор нарсага қаноат қиладиганларидир”.

٤٣ - وَعَنْ إِبْرَاهِيمَ التَّخَعِي: إِذَا هَلَكَ مَنْ هَلَكَ قَبْلَكُمْ بِثَلَاثِ حِصَالٍ، بِفُضُولِ الْكَلَامِ، وَفُضُولِ الطَّعَامِ، وَفُضُولِ الْمَنَامِ.

43. Иброҳим Нахайдан ривоят қилинади:

“Сизлардан олдинги ҳалок бўлган кишилар уч хислат туфайли ҳалок бўлишди: сўзларнинг ортиқчаси, овқатнинг ортиқчаси ва уйқунинг ортиқчаси билан”.

٤٤ - وَعَنْ يَحْيَى بْنِ مُعَاذِ الرَّازِيِّ: طُوبَى لِمَنْ تَرَكَ الدُّنْيَا قَبْلَ أَنْ تَتْرُكَهُ، وَبَنَى قَبْرَهُ قَبْلَ أَنْ يَدْخُلَهُ، وَأَرْضَى رَبَّهُ قَبْلَ أَنْ يَلْقَاهُ.

44. Яхё Ибн Муоз Розийдан ривоят қилинади:

“Яхшилик бўлсинки, ким дунё уни тарк этишидан олдин дунёни тарк қилса; қабрни унга киришидан олдин бунёд этса; Роббисига йўлиқишдан олдин Уни рози қилса”.

٤٥ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ لَمْ يَكُنْ عِنْدَهُ سُنَّةُ اللَّهِ، وَسُنَّةُ رَسُولِهِ، وَسُنَّةُ أَوْلِيَائِهِ، فَلَيْسَ فِي يَدِهِ شَيْءٌ، قِيلَ لَهُ: مَا سُنَّةُ اللَّهِ؟ قَالَ: كِتْمَانُ السِّرِّ، وَقِيلَ: مَا سُنَّةُ الرَّسُولِ؟ قَالَ: الْمُدَارَاةُ بَيْنَ النَّاسِ، وَقِيلَ: مَا سُنَّةُ أَوْلِيَائِهِ؟ قَالَ: إِحْتِمَالُ الْأَذَى عَنِ النَّاسِ.

45. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Кимда Аллоҳнинг йўли, Расулининг суннати ва валийларнинг йўналиши бўлмаса, у кишининг қўлида ҳеч нарса йўқдир”, деганларида у кишидан:

“Аллоҳнинг йўли нима?” деб сўралди.

У киши: “Сирни яшириш”, дедилар.

“Расули соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари нима?” дейилганида у киши:

“Одамлар орасида муросада бўлиш”, дедилар.

Ва яна: “Валийларнинг йўналиши нима?” дейилганида у киши:

“Одамлардан зарар берувчи нарсани кўтариб ташлаш”, дедилар.

٤٦ - وَكَانُوا مِنْ قَبْلَنَا يَتَوَاصُونَ بِثَلَاثِ حِصَالٍ، وَيَتَكَتُبُونَ بِهَا: مَنْ عَمِلَ لِآخِرَتِهِ، كَفَاهُ اللَّهُ أَمْرَ دِينِهِ وَدُنْيَاهُ، وَمَنْ أَحْسَنَ

سِرِّيَّتَهُ، أَحْسَنَ اللَّهُ عَلَانِيَتَهُ، وَمَنْ أَصْلَحَ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ اللَّهِ، أَصْلَحَ اللَّهُ مَا بَيْنَهُ وَبَيْنَ النَّاسِ.

46. “Бизлардан аввалгилар уч нарсани тавсия қилиб, ўзаро ёзишар ҳам эди:

«Ким охирати учун амал қилса, Аллоҳ унинг дини ва дунё ишларида Ўзи кифоя қилади. Ким ички томонини (қалбини) яхши қилса, Аллоҳ унинг устини яхши қилади. Ким Аллоҳ билан орасини ислоҳ қилса, Аллоҳ уни одамлар билан орасини ислоҳ қилиб қўяди», деб ёзиб қолдиришган”.

٤٧ - وَعَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: كُنْ عِنْدَ اللَّهِ خَيْرَ النَّاسِ، وَكُنْ عِنْدَ النَّفْسِ شَرَّ النَّاسِ، وَكُنْ عِنْدَ النَّاسِ رَجُلًا مِنَ النَّاسِ.

47. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Сен Аллоҳнинг наздида инсонларнинг яхшиси бўл. Нафсингнинг олдида одамларнинг ёмони бўл. Одамлар орасида одамлардан бир одам бўл!”

٤٨ - قِيلَ: أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى عَزِيرِ النَّبِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ، فَقَالَ: يَا عَزِيرُ! إِذَا أَذْنِبْتَ ذَنْبًا صَغِيرًا، فَلَا تَنْظُرْ إِلَى صِغَرِهِ، وَانظُرْ إِلَى مَنْ الذِّي أَذْنِبْتَ لَهُ، وَإِذَا أَصَابَكَ خَيْرٌ يَسِيرٌ، فَلَا تَنْظُرْ إِلَى صِغَرِهِ، وَانظُرْ إِلَى مَنْ الذِّي رَزَقَكَ، وَإِذَا أَصَابَكَ بَلِيَّةٌ، فَلَا تَشْكُرْني إِلَى خَلْقِي، كَمَا لَا أَشْكُوكَ إِلَى مَلَائِكَتِي إِذَا صَعِدْتَ إِلَيَّ مَسَاوِيكَ.

48. Айтиладики:

«Аллоҳ таоло пайғамбар Узайр (а.с.)га:

“Эй Узайр! Агар сен кичик гуноҳ қилсанг, унинг кичиклигига қарама, сен уни кимга нисбатан қилганинга қара. Қачон сенга бирор кичик яхшилик етса, унинг кичиклигига қарама, ким ризқ қилиб берганига қара. Қачон сенга бирор бало етса, халқ қилганларим махлуқотга шикоят қилмагин, Мен ҳам фаришталарга ёмонликларингни кўтариб чиқишганида сенинг гуноҳларингдан шикоят қилмаганим каби”, деб вахий қилди».

٤٩ - وَعَنْ خَاتَمِ الْأَصَمِّ: مَا مِنْ صَبَاحٍ إِلَّا وَيَقُولُ الشَّيْطَانُ لِي: مَا تَأْكُلُ؟ وَمَا تَلْبَسُ؟ وَأَيْنَ تَسْكُنُ؟ فَأَقُولُ لَهُ: أَكُلُ الْمَوْتَ، وَأَلْبَسُ الْكَفْنَ، وَأَسْكُنُ الْقَبْرَ.

49. Хотамул Асомдан ривоят қилинади:

“У киши:

“Мен бирор тонгни оттирмадимки, унда менга шайтон учта савол бермасдан қўймас эди:

«Нима ейсан? Нима киясан? Қаерда яшайсан?»

Мен унга:

“Ўлимни ейман, кафанни кияман ва қабрда яшайман”, дер эдим”.

٥٠ - قَالَ جَعْفَرُ بْنُ مُحَمَّدٍ: "مَنْ أَخْرَجَهُ اللَّهُ مِنْ ذُلِّ الْمَعْصِيَةِ إِلَى عِزِّ التَّقْوَى أَغْنَاهُ اللَّهُ بِمَا يَلِيهِ، وَأَعَزَّهُ بِمَا عَشِيرَةٍ، وَأَنْسَهُ بِمَا أَنْسَى، وَمَنْ خَافَ اللَّهَ أَخَافَ مِنْهُ كُلَّ شَيْءٍ، وَمَنْ لَمْ يَخَفِ اللَّهَ أَخَافَهُ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ"

50. Жаъфар ибн Муҳаммад айтдилар:

“Аллоҳ кимни маъсият хорлигидан тақво азизлигига чиқарса, Аллоҳ уни мол-дунёсиз бадавлат, қариндош-уруғсиз азиз ва суҳбатдошсиз кўнглини шод қилиб қўяди. Ким Аллоҳдан кўрқса, ундан барча нарса кўрқади. Ким Аллоҳдан кўрқмаса, у ҳар бир нарсадан кўрқади”.

٥١ - وَرَوِي: أَنَّهُ عَلَيْهِ السَّلَامُ خَرَجَ ذَاتَ يَوْمٍ عَلَى أَصْحَابِهِ، فَقَالَ: كَيْفَ أَصَبَحْتُمْ؟ فَقَالُوا: أَصَبَحْنَا مُؤْمِنِينَ بِاللَّهِ، فَقَالَ: مَا عَلَامَةُ إِيمَانِكُمْ؟ قَالُوا: نَصَبِرُ عَلَى الْبَلَاءِ، وَنَشْكُرُ عَلَى الرَّخَاءِ، وَنَرُضَى بِالْقَضَاءِ، فَقَالَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: أَنْتُمْ مُؤْمِنُونَ حَقًّا، وَرَبُّ الْكَعْبَةِ!

(أخرجه الطبراني في الأوسط من رواية يوسف بن ميمون وهو منكر الحديث عن عطاء)

51. Ривоят қилинадик:

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига:

“Қандай тонг оттирдингиз?” дедилар. Шунда улар:

“Аллоҳга иймон келтирган ҳолда тонг оттирдик”, дейишди.

У зот:

“Иймонингизнинг аломати нима?” дедилар.

Улар:

“Балога сабр қиламиз. Мўл-кўлчиликка шукр қиламиз. Қазои қадарга рози бўламиз”, дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Қаъбанинг Роббисига қасамки, сизлар ҳақиқий мўминсизлар”, дедилар.

٥٢ - أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى بَعْضِ الْأَنْبِيَاءِ: مَنْ لَقِينِي وَهُوَ يُحِبُّنِي، أَدْخَلْتُهُ جَنَّتِي. وَمَنْ لَقِينِي وَهُوَ يَخَافُنِي جَبَّتُهُ نَارِي. وَمَنْ لَقِينِي وَهُوَ يَسْتَحْيِي مِنِّي، أَنْسَيْتُ الْحَفِظَةَ ذُنُوبَهُ.

52. Аллоҳ таоло баъзи пайгамбарларига ваҳий қилиб:

“Ким Мени яхши кўрган ҳолда Менга йўлиқса, уни жаннатимга киргизаман. Ким Мендан кўрққан ҳолда Менга йўлиқса, уни дўзахдан узоқлаштираман. Ким менга ҳаё қилган ҳолида йўлиқса, Мен унинг гуноҳларини фаришталарга унуттираман”, деди.

٥٣ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ: أَدَّ مَا افْتَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكَ، تَكُنْ عَبْدَ النَّاسِ، وَاجْتَنِبْ مَحَارِمَ اللَّهِ تَكُنْ أَرْهَدَ النَّاسِ، وَارْضَ بِمَا قَسَمَ اللَّهُ لَكَ، تَكُنْ أَعْنَى النَّاسِ.

53. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади:

“Аллоҳ сенга фарз қилган нарсани адо эт, бандаларнинг ибодатлироғи бўласан. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан сақлан, одамларнинг зоҳидроғи бўласан. Аллоҳ сенга тақсимлаб қўйган нарсага рози бўл, одамларнинг бадавлати бўласан”.

٥٤ - وَعَنْ صَالِحِ الْمَرْقَدِيِّ: أَنَّهُ مَرَّ بِبَعْضِ الدِّيَارِ، فَقَالَ: يَا دِيَارُ! أَيْنَ أَهْلِكَ الْأَوْلُونَ؟ وَأَيْنَ عَمَّاكَ الْمَاضُونَ؟ وَأَيْنَ سُكَّانِكَ الْأَقْدَمُونَ؟ فَهَتَفَ بِهِ هَاتِفٌ: انْقَطَعَتْ آثَارُهُمْ، وَبَلَّيْتَ تَحْتَ التُّرَابِ أَجْسَامَهُمْ، وَبَقِيَتْ أَعْمَالُهُمْ فَلَانِدَ فِي أَعْنَاقِهِمْ.

54. Солиҳ Марқадийдан ривоят қилинади:

У киши бир юртдан ўтаётди: “Эй юрт (диёр)! Сенинг аввалги аҳллари қерда? Қадимги иморатлари қерда? Аввалда яшаб ўтган аҳоли қерда?” деди. Шунда у ердан бир нидо қилувчи:

“Уларнинг излари кесилди. Жисмлари тупроқ остида чириди. Уларнинг амаллари эса маржон ҳолида бўйниларида қолди”, деб нидо қилди.

٥٥ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: "تَفَضَّلْ عَلَيَّ مَنْ شِئْتَ، فَأَنْتَ أَمِيرُهُ، وَاسْأَلْ عَمَّنْ شِئْتَ، فَأَنْتَ أَسِيرُهُ، وَاسْتَعْنِ عَمَّنْ شِئْتَ فَإِنَّكَ نَظِيرُهُ".

55. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Хоҳлаган кишинга муруват қил! Сен унинг амисан. Хоҳлаган кишиндан сўра! Сен унинг асирсан. Хоҳлаган кишиндан беҳожат бўл! Сен унинг тенгқурсан”.

٥٦ - وَعَنْ يَحْيَى بْنِ مُعَاذٍ رَحِمَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ: تَرَكَ الدُّنْيَا كُلَّهَا، أَخَذَهَا كُلَّهَا، فَمَنْ تَرَكَهَا كُلَّهَا، أَخَذَهَا كُلَّهَا، وَمَنْ أَخَذَهَا كُلَّهَا، تَرَكَهَا كُلَّهَا، فَأَخَذَهَا فِي تَرَكَهَا، وَتَرَكَهَا فِي أَخَذَهَا.

56. Яхё ибн Муоз (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Мол-дунёнинг барчасини тарк қилиш - барчасига эга бўлишдир. Ким барчасини тарк қилса, барчасига эга бўлибди. Ким барчасига эга бўлса, барчасини тарк этибди. Унга эга бўлиш уни тарк қилишдадир. Уни тарк қилиш унга эга бўлишдадир”.

٥٧ - وَعَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ الْأَدْهِمِ رَحِمَهُ اللَّهُ، أَنَّهُ قِيلَ لَهُ: بِمَا وَجَدْتَ الزُّهْدَ؟ قَالَ بِثَلَاثَةِ أَشْيَاءَ: رَأَيْتُ الْقَبْرَ مُوحِشًا، وَلَيْسَ مَعِيَ مُونِسٌ. وَرَأَيْتُ طَرِيقًا طَوِيلًا، وَلَيْسَ مَعِيَ زَادٌ. وَرَأَيْتُ الْجَبَّارَ قَاصِيًا، وَلَيْسَ مَعِيَ حُجَّةٌ.

57. Иброҳим ибн Адҳам (р.а.)дан ривоят қилинади:

У кишига «Зоҳидликка қандай эришдингиз?» деб айтилганида, у зот:

“Уч нарса билан: мен қабрни кимсасиз жой ва у ерда менга бирор ҳамроҳ йўқ деб билдим; йўлни узоқ ва менинг бирор захирам йўқ деб билдим; Жаббор бўлган Зотни ҳукм қилгучи Зот ва менда бирор ҳужжат йўқ деб билдим”, дедилар.

٥٨ - وَعَنْ الشَّيْبَانِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، وَهُوَ مِنْ عُظَمَاءِ الْعَرَفِينَ، قَالَ: إِلَهِي، إِنِّي أَحِبُّ أَنْ أَهْبَ لَكَ جَمِيعَ حَسَنَاتِي مَعَ فَقْرِي وَضَعْفِي، فَكَيْفَ لَا تُحِبُّ يَا سَيِّدِي أَنْ تَهَبَ لِي جَمِيعَ سَيِّئَاتِي مَعَ غِنَاكَ، يَا مَوْلَايَ عَنِّي. وَقَالَ: إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَسْتَأْنِسَ بِاللَّهِ فَاسْتَوْحِشْ مِنْ نَفْسِكَ.

وَقَالَ: لَوْ دُفِنْتُمْ حَلَاوَةَ الْوُصْلَةِ لَعَرَفْتُمْ مَرَارَةَ الْقَطِيعَةِ.

58. Шиблий (р.а.)дан ривоят қилинади:

(У киши орифларнинг энг улуғи эдилар.)

У киши:

“Аллоҳим, мен фақир ва заиф бўлишимга қарамасдан Сенга барча яхшиликларимни беришни яхши кўраман. Эй Саййидим! Сен қандай қилиб бой бўлишингга қарамасдан барча гуноҳларимни кечириб юборишни яхши кўрмайсан? Эй мавлоим!” дер эдилар.

Яна:

“Агар сен Аллоҳ билан дўст бўлишни хоҳласанг, ўз нафсингдан нафрат қил!” дердилар.

Яна:

“Агар сизлар Аллоҳга яқин боғланиш ҳаловатини билганингизда эди, Ундан узилиб қолиш аччиқлигини билар эдингиз”, дердилар.

٥٩ - وَعَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، أَنَّهُ سُئِلَ عَنِ الْأُنْسِ بِاللَّهِ تَعَالَى، مَا هُوَ؟ فَقَالَ: أَنْ لَا تَسْتَأْنِسَ بِكُلِّ وَجْهِ صَبِيحٍ، وَلَا بِصَوْتِ طَيْبٍ، وَلَا بِلِسَانٍ فَصِيحٍ.

59. Суфёни Саврий (р.а.)дан ривоят қилинади:

У кишидан Аллоҳ билан дўстлашиш нима экани сўралганида:

“Сиз гўзал юз, чиройли овоз ва фасоҳатли тил билан дўст бўлмайсиз”, дедилар.

٦٠ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ: الزُّهْدُ ثَلَاثَةٌ أَحْرُفٍ زَايٍ، وَهَاءٌ، وَدَالٌ. فَالزَّاءُ زَادٌ لِلْمَعَادِ، وَالْهَاءُ هُدًى لِلدِّينِ، وَالدَّالُ دَوَامٌ عَلَى الطَّاعَةِ. وَقَالَ فِي مَوْضِعٍ آخَرَ: الزُّهْدُ ثَلَاثَةٌ أَحْرُفٍ، الزَّاءُ تَرْكُ الرِّيْبَةِ، وَالْهَاءُ تَرْكُ الْهَوَى، وَالدَّالُ تَرْكُ الدُّنْيَا.

60. Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Зухд (зоҳидлик) учта ҳарфдир: “зай”, “ха”, “дал”.

“Зай” – бу охират кунига захира йиғиш.

“Ха” – бу динда ҳидоятда бўлиш.

“Дал” – бу тоат-ибодатда давомли бўлишдир.

Бошқа ўринда: “Зухд (зоҳидлик) уч ҳарфдан иборатдир.

“Зай” – зийнатни тарк қилиш.

“Ха” – ҳавои нафсни тарк қилиш.

“Дал” – дунёни тарк қилишдир”, деганлар.

٦١ - وَعَنْ حَامِدِ اللَّفَّافِ رَحِمَهُ اللَّهُ أَنَّهُ قَالَ: أَتَاهُ رَجُلٌ فَقَالَ لَهُ: أَوْصِنِي، فَقَالَ: اجْعَلْ لِدِينِكَ غِلَافًا كَغِلَافِ الْمُصْحَفِ. قِيلَ لَهُ مَا غِلَافُ الدِّينِ؟ قَالَ لَهُ: تَرْكُ الْكَلَامِ إِلَّا مَا لَا بُدَّ مِنْهُ، وَتَرْكُ الدُّنْيَا، إِلَّا مَا لَا بُدَّ مِنْهُ، وَتَرْكُ مُحَاظَةِ النَّاسِ إِلَّا مَا لَا بُدَّ مِنْهُ.

ثُمَّ اعْلَمْ، أَنَّ أَصْلَ الزُّهْدِ الْإِجْتِنَابُ عَنِ الْمَحَارِمِ كَبِيرِهَا وَصَغِيرِهَا، وَأَدَاءُ جَمِيعِ الْفَرَائِضِ يَسِيرِهَا وَعَسِيرِهَا، وَتَرْكُ الدُّنْيَا عَلَى أَهْلِهَا قَلِيلِهَا وَكَثِيرِهَا.

61. Ҳомид ал-Лифоф роҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади:

У кишининг ҳузурларига бир киши келиб:

“Менга бирор нарсани васият қилинг”, деди. Шунда у киши:

“Динингни Мусҳафнинг ғилофи бўлгани каби ғилофлагин”, дедилар. У зотга:

“Диннинг ғилофи нима?” дейилганида:

“Сўзлашишни тарк қилиш, фақат чорасиз қолганда сўзлашиш; мол-дунёни тарк қилиш, фақат иложсиз қолгандагина фойдаланиш; одамларга кўшилишни тарк қилиш, фақат чорасиз қолганда кўшилиш”, деб айтдилар.

Сўнгра:

“Билинглари, зоҳидликнинг асли ҳаром қилинган нарсаларнинг катта-ю кичигидан узоқлашиш; фарзларнинг барчасини, яъни осон-у қийинини адо этиш; мол-дунёнинг катта-ю кичигини унинг аҳлига тарк қилишдадир”, дедилар.

٦٢ - وَعَنْ لُقْمَانَ الْحَكِيمِ، أَنَّهُ قَالَ لِابْنِهِ: يَا بُنَيَّ! إِنَّ النَّاسَ ثَلَاثَةٌ أَثَلَاثٌ، ثُلُثٌ لِلَّهِ، وَثُلُثٌ لِنَفْسِهِ، وَثُلُثٌ لِلدُّوْدِ. فَأَمَّا مَا هُوَ لِلَّهِ، فَرُوحُهُ. وَأَمَّا مَا هُوَ لِنَفْسِهِ، فَعَمَلُهُ. وَأَمَّا مَا هُوَ لِلدُّوْدِ، فَجِسْمُهُ.

62. Луқмони Ҳакимдан ривоят қилинади:

У зот ўғилларига:

“Эй ўғлим! Албатта, инсонлар уч қисмга тақсим бўлади: учдан бири Аллоҳ учун; яна учдан бири ўзи учун; яна учдан бири қуртлар учундир. Аллоҳ учун бўлгани - бу унинг руҳидир. Ўзи учун бўлгани - бу унинг амалидир. Қуртлар учун бўлгани - бу унинг жисмидир”, дедилар.

٦٣ - وَعَنْ عَلِيِّ كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ، أَنَّهُ قَالَ: ثَلَاثَةٌ يَزِدْنَ فِي الْحِفْظِ، وَيُذْهِبْنَ الْبَلْغَمَ، السَّوَاكُ، وَالصَّوْمُ، وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ.

63. Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу (Аллоҳ у зотнинг юзларини карамли қилсин)дан ривоят қилинади:

У зот:

“Уч нарсга зехни зиёда қилади ва балғамни кетказди. Булар: мисвок ишлатиш, рўза тутиш ва Қуръон тиловат қилишдир”, дедилар.

٦٤ - وَعَنْ كَعْبِ الْأَحْبَارِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: الْخُصُونُ لِلْمُؤْمِنِينَ مِنَ الشَّيْطَانِ ثَلَاثٌ، الْمَسْجِدُ حِصْنٌ، وَذِكْرُ اللهِ حِصْنٌ، وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ حِصْنٌ.

64. Каъб ал-Аҳбор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Мўминлар учун шайтондан учта кўрғон бордир: масжид кўрғондир, Аллоҳни зикр қилиш кўрғондир ва Қуръон тиловат қилиш кўрғондир”.

٦٥ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ، أَنَّهُ قَالَ: ثَلَاثٌ مِنْ كَثْرِ اللَّهِ تَعَالَى، لَا يُعْطِيهَا اللَّهُ إِلَّا مَنْ أَحَبَّهُ: الْفَقْرُ، وَالْمَرَضُ، وَالصَّبْرُ.

65. Баъзи ҳаким зотлардан ривоят қилинади:

“Аллоҳ таолонинг уч хазинаси бор, Аллоҳ таоло уларни ҳеч кимга бермайди, фақат яхши кўрган бандаларига беради. Булар: камбағаллик, касаллик ва сабрдир”.

٦٦ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، حِينَ سُئِلَ: مَا خَيْرُ الْأَيَّامِ، وَمَا خَيْرُ الشُّهُورِ، وَمَا خَيْرُ الْأَعْمَالِ؟ فَقَالَ: خَيْرُ الْأَيَّامِ يَوْمُ الْجُمُعَةِ، وَخَيْرُ الشُّهُورِ شَهْرُ رَمَضَانَ، وَخَيْرُ الْأَعْمَالِ الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ لَوْ قُتِيهَا. فَمَضَى عَلَيَّ ذَلِكَ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَبَلَغَ عَلَيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ سُئِلَ عَنْ ذَلِكَ، فَأَجَابَ بِكَذَا. فَقَالَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، لَوْ سُئِلَ الْعُلَمَاءُ، وَالْحُكَمَاءُ، وَالْفُقَهَاءُ مِنَ الْمَشْرِقِ إِلَى الْمَغْرِبِ، لَمَّا أَجَابُوا بِمِثْلِ أَجَابَ بِهِ ابْنُ عَبَّاسٍ، إِلَّا أَنِّي أَقُولُ: إِنَّ خَيْرَ الْأَعْمَالِ مَا يَقْبَلُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْكَ، وَخَيْرَ الشُّهُورِ مَا تَتُوبُ فِيهِ إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا، وَخَيْرَ الْأَيَّامِ مَا تَخْرُجُ فِيهِ مِنَ الدُّنْيَا إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، مُؤْمِنًا بِاللَّهِ.

66. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

У зотдан:

“Кунларнинг энг яхшиси қайси, ойларнинг энг яхшиси қайси ва амалларнинг энг яхшиси қайси?” деб сўралган пайтда у зот:

“Кунларнинг яхшиси жума куни, ойларнинг яхшиси Рамазон ойи ва амалларнинг яхшиси беш вақт намозни ўз вақтида бўлганидир”, дедилар.

Шундан сўнг орадан уч кун ўтиб, Али розияллоҳу анхуга Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг шу нарса ҳақида сўралиб, шундай жавоб берганлари хабари етиб келди. Али (р.а.):

“Агар машриқдан мағрибгача бўлган барча уламо-ҳукамолар ва фақиҳлардан бу ҳақда сўралса, улар Ибн Аббос жавоб берганидек жавоб бера олмас эдилар. Фақат мен (қўшимча тарзда) шундай дейманки, амалларнинг яхшиси Аллоҳ таоло сендан қабул қилганидир. Ойларнинг яхшиси Аллоҳ таолога насух тавба (гуноҳга қайтмасликни қасд этиш билан) қилинган ойдир. Кунларнинг яхшиси дунёдан Аллоҳ таолога иймон келтирган ҳолда чиқишидир”, дедилар.

وَقَالَ الشَّاعِرُ أَشْعَارًا

БИР ШОИР ШЕЪР ҚИЛИБ АЙТДИ

أَمَا تَرَى كَيْفَ يُبَلِّغُنَا الْجَدِيدَانَ * وَنَحْنُ نَلْعَبُ فِي سِرٍّ وَإِعْلَانِ
لَا تَرَكْنَنَّا إِلَى الدُّنْيَا وَنَعْمَتِهَا * فَإِنَّ أَوْطَانَهَا لَيْسَتْ بِأَوْطَانِ
وَأَعْمَلُ لِنَفْسِكَ مِنْ قَبْلِ الْمَمَاتِ فَلَا * تَغْرُرُكَ كَثْرَةُ أَصْحَابِ وَإِخْوَانِ

Икки янги нарса (кун чиқиб, ботиши) бизни мубтало қилар,
 Биз эса пинҳон ва ошкор ўйнармиз ҳамон.
 Асло дунё ва унинг неъматларига суянмагин,
 Албатта, маскан эмас ватани дунё.
 Сен ўзинг учун ўлимдан олдин бир иш қил,
 Сени алдаб қўймасин дўст-у биродар қўпи.

٦٧ - وَقِيلَ: إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدٍ خَيْرًا، فَفَهَّهُ فِي الدِّينِ، وَزَهَّدَهُ فِي الدُّنْيَا، وَبَصَّرَهُ بِغُيُوبِ نَفْسِهِ.

67. Айтиладики:

“Қачон Аллоҳ бир бандасига яхшилиқни ирода қилса, уни динда факих, дунёда зоҳид (оз нарсага кўнадиган) ва ўз айбларини кўрадиган қилиб қўяди”.

٦٨ - وَعَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَنَّهُ قَالَ: حُبِّبَ إِلَيَّ مِنْ دُنْيَاكُمْ ثَلَاثٌ، الطَّيِّبُ، وَالنِّسَاءُ، وَجُعِلَتْ فُرَّةٌ عَيْنِي فِي الصَّلَاةِ.

(رواه النسائي والطبراني والحاكم من حديث أنس بإسناد جيد، وضعفه العيني.)

وَكَانَ مَعَهُ أَصْحَابُهُ جُلُوسًا، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ: صَدَقْتَ، يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَحُبِّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا ثَلَاثٌ: النَّظَرُ إِلَى وَجْهِ رَسُولِ اللَّهِ، وَإِنْفَاقَ مَالِي عَلَى رَسُولِ اللَّهِ، وَأَنْ يَكُونَ ابْنَتِي تَحْتَ رَسُولِ اللَّهِ. فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: صَدَقْتَ، يَا أَبَا بَكْرٍ، وَحُبِّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا ثَلَاثٌ: الْأَمْرُ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيُ عَنِ الْمُنْكَرِ، وَالشُّوْبُ الْخَلْقُ.

فَقَالَ عُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: صَدَقْتَ، يَا عُمَرُ، وَحُبِّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا ثَلَاثٌ: إِشْبَاعُ الْجِيعَانِ، وَكِسْوَةُ الْغُرْيَانِ، وَتَلَاوَةُ الْقُرْآنِ.

فَقَالَ عَلِيٌّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: صَدَقْتَ، يَا عُثْمَانُ، وَحُبِّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا ثَلَاثٌ: الْحِدْمَةُ لِلصَّيْفِ، وَالصَّوْمُ فِي الصَّيْفِ، وَالصَّرْبُ بِالصَّيْفِ.

فَبَيْنَا هُمْ كَذَلِكَ، إِذْ جَاءَ جِبْرَائِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ، وَقَالَ: أَرْسَلَنِي اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى لَمَّا سَمِعَ مَقَالَتَكُمْ، وَأَمَرَكَ أَنْ تَسْتَلِنِي عَمَّا أَحَبُّ مِنْ أَهْلِ الدُّنْيَا، فَقَالَ: مَا تُحِبُّ إِنْ كُنْتَ مِنْ أَهْلِ الدُّنْيَا؟ فَقَالَ: إِرْشَادُ الصَّالِينَ، وَمُؤَانَسَةُ الْغُرَبَاءِ الْقَانِينِ، وَمُعَاوَنَةُ أَهْلِ الْعِيَالِ الْمُعْسِرِينَ.

وَقَالَ جِبْرَائِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ: يُحِبُّ رَبُّ الْعِزَّةِ جَلَّ جَلَالُهُ مِنْ عِبَادِهِ ثَلَاثَ خِصَالٍ: بَدَلُ الْإِسْتِطَاعَةِ، وَالْبُكَاءُ عِنْدَ النَّدَامَةِ، وَالصَّبْرُ عِنْدَ الْفَاقَةِ.

68. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

Албатта у зот:

“Менга дунёларингиздан уч нарса маҳбуб қилинди: хушбўйланиб юриш, аёллар ва намознинг кўз қорачиғи, яъни шодлик бўлиши”, дедилар.

У зот билан бирга саҳобалар ўтирган эдилар. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.):

“Рост сўзладингиз, эй Аллоҳнинг Расули! Менга ҳам дунёдан уч нарса маҳбуб бўлди: Аллоҳ расулининг юзига қараш, молимни Аллоҳнинг расули учун инфоқ қилиш ва қизим Аллоҳ расулининг қўл остида, яъни никоҳларида бўлиши”, дедилар. Шунда Умар (р.а.):

“Рост сўзладингиз, эй Абу Бакр! Менга ҳам дунёдан уч нарса маҳбуб бўлди: яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш ҳамда ямоқли кийим кийиш”, дедилар. Шунда Усмон (р.а.):

“Рост гапирдингиз, эй Умар! Менга ҳам дунёдан уч нарса маҳбуб қилинди: очларни тўйдириш, яланғочларга кийим кийдириш ва Қуръон тиловат қилиш”, дедилар. Шунда Али (р.а.):

“Рост гапирдингиз, эй Усмон! Менга ҳам дунёдан уч нарса маҳбуб қилинди: меҳмонга хизмат қилиш, ёзда рўза тутиш ва қилич билан уриш”, дедилар.

Улар мана шу ҳолда ўтиришган пайтда Жаброил (а.с.) келдилар-да:

“Аллоҳ табарок ва таоло сизларнинг гапларингизни эшитиб, мени бу ерга юборди ва мендан дунё аҳли бўлганимда нима маҳбуб эканини сўрашингизни буюрди”, дедилар. Шунда:

“Дунё аҳлидан бўлганингизда нима сизга маҳбуб бўларди?” дейишди.

Шунда у зот:

“Адашганларни тўғри йўлга йўллаш, художўй, ғариблар билан дўстона муносабатда бўлиш ва аҳли, боласи кўп камбағал оилаларга ёрдам бериш”, дедилар.

Яна Жаброил (а.с.):

“Иззат Раббиси Аллоҳ азза ва жалла бандаларидаги уч хислатни яхши кўради: қурби етганича куч-қувватини сарфлаш, пушаймон бўлган пайтда йиғлаш ва йўқотиш пайтида сабр қилиш”, дедилар.

٦٩ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: مَنْ اغْتَصَمَ بِعَقْلِهِ، صَلَّ، وَمَنْ اسْتَعْتَى بِمَالِهِ، قَلَّ، وَمَنْ عَزَّ بِمَخْلُوقٍ ذَلَّ.

69. Баъзи донишмандалардан ривоят қилинади:

«Ким ўз ақлига суянса, адашибди. Ким мол-дунёси билан беҳожат бўлса, камчиликка йўл қўйибди. Ким бирор махлуқот билан азиз бўлса, хор бўлибди».

٧٠ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: ثَمَرَةُ الْمَعْرِفَةِ ثَلَاثٌ خِصَالٍ، الْحَيَاءُ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، وَالْحُبُّ فِي اللَّهِ، وَالْأُنْسُ بِاللَّهِ.

70. Баъзи ҳақим зотлардан ривоят қилинади:

“Аллоҳни танишликнинг меваси учтадир: Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш, Аллоҳ йўлида яхши кўриш ва Аллоҳ билан дўстлашиш”.

٧١ - وَعَنْ سُفْيَانَ بْنِ عُيَيْنَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَنْ أَحَبَّ اللَّهَ، أَحَبَّ مَنْ أَحَبَّ اللَّهَ تَعَالَى، وَمَنْ أَحَبَّ مَنْ أَحَبَّ اللَّهَ تَعَالَى،

أَحَبَّ مَا أَحَبَّ فِي اللَّهِ تَعَالَى، وَمَنْ أَحَبَّ مَا أَحَبَّ فِي اللَّهِ تَعَالَى أَحَبَّ أَنْ لَا يَعْرِفَهُ النَّاسُ.

71. Суфён ибн Уяйна розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

У киши:

“Ким Аллоҳни яхши кўрса, Аллоҳ таоло яхши кўрганларни яхши кўради. Ким Аллоҳ таоло яхши кўрганларни яхши кўрса, Аллоҳ таоло йўлида дўст

тутинган бўлади. Ким Аллоҳ таоло йўлида яхши кўрганларни яхши кўрса, одамлар (қимматини) билолмаган дўстликни яхши кўрибди”, дедилар.

٧٢ - وَعَنْ وَهْبِ بْنِ مُتَبِّهِ الْيَمَانِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَكْتُوبٌ فِي التَّوْرَةِ، الْحَرِيصُ فَقِيرٌ، وَإِنْ كَانَ مَلِكَ الدُّنْيَا، وَالْمُطِيعُ مُطَاعٌ، وَإِنْ كَانَ مَمْلُوكًا، وَالْقَانِعُ غَنِيٌّ، وَإِنْ كَانَ جَانِعًا.

72. Ваҳб ибн Мунаббаҳ Ямоний (р.а.)дан ривоят қилинади:

Тавротда:

“Бирор нарсага ҳирс қўйган (муккасидан кетган) киши дунёнинг подшоҳи бўлса ҳам, камбағалдир. Итоаткор кишига, агар у қул бўлса ҳам, итоат қиладилар. Қаноат қилувчи, у (қорни) оч бўлса ҳам, бойдир”, деб ёзилган.

٧٣ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: مَنْ عَرَفَ اللَّهَ، لَمْ يَكُنْ لَهُ مَعَ الْخَلْقِ لَذَّةٌ، وَمَنْ عَرَفَ الدُّنْيَا، لَمْ يَكُنْ لَهُ فِيهَا رَغْبَةٌ، وَمَنْ عَرَفَ عَدْلَ اللَّهِ تَعَالَى لَمْ يَتَقَدَّمْ إِلَيْهِ الْخُصَمَاءُ.

73. Баъзи ҳаким зотлардан ривоят қилинади:

“Ким Аллоҳни таниса, унга халойиқ билан бирга лаззат йўқ. Ким дунёни таниса (ҳақиқатини билса), унга у ерда рағбат қолмайди. Ким Аллоҳ таолонинг адолатини билса, унга хусуматлар муқаддам бўлмайди”.

٧٤ - وَعَنْ ذِي النُّونِ الْمِصْرِيِّ: كُلُّ خَائِفٍ هَارِبٌ، وَكُلُّ رَاغِبٍ طَالِبٌ، وَكُلُّ آنَسٍ بِاللَّهِ مُسْتَوْحِشٌ عَنْ نَفْسِهِ. وَقَالَ: الْعَارِفُ بِاللَّهِ تَعَالَى أَسِيرٌ، وَقَلْبُهُ بَصِيرٌ، وَعَمَلُهُ لِلَّهِ كَثِيرٌ. وَقَالَ: الْعَارِفُ بِاللَّهِ تَعَالَى وَفِيٍّ، وَقَلْبُهُ ذَكِيٌّ، وَعَمَلُهُ لِلَّهِ زَكِيٌّ.

74. Зиннун ал-Мисрийдан ривоят қилинади:

“Барча кўрқувчи қочувчидир, барча қизиқувчи талаб қилувчидир, барча Аллоҳ билан дўст бўлганлар ўзидан хавфсировчидир”.

Яна у киши:

“Аллоҳ таолони танувчи киши асирдир, унинг қалби кўрувчидир ва Аллоҳ таоло учун бўлган амали кўпдир”, дедилар.

Яна у киши:

“Аллоҳ таолони танувчи киши вафодордир, унинг қалби зийракдир ва Аллоҳ таоло учун бўлган амали покизадир”, дедилар.

٧٥ - وَعَنْ أَبِي سُلَيْمَانَ الدَّارَانِيِّ أَنَّهُ قَالَ: أَصْلُ كُلِّ خَيْرٍ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ الْخَوْفُ مِنَ اللَّهِ، وَمِفْتَاحُ الدُّنْيَا الشَّبَعُ، وَمِفْتَاحُ الْآخِرَةِ الْجُوعُ.

75. Абу Сулаймон ад-Доронийдан ривоят қилинади:

У киши:

“Албатта, дунё ва охиратдаги яхшиликларнинг асли Аллоҳдан кўрқиш, дунёнинг калити тўқлик ва охиратнинг калити эса очликдир”, дедилар.

٧٦ - وَقِيلَ: الْعِبَادَةُ حِرْفَةٌ وَحَانُوتُهَا الْخُلُوعُ، وَرَأْسُ مَالِهَا التَّقْوَى، وَرَبْحُهَا الْجَنَّةُ.

76. Айтиладики:

“Ибодат бир касбдир, унинг дўкони хилват, сармояси тақво ва фойдаси жаннатдир”.

٧٧ - قَالَ مَالِكُ بْنُ دِينَارٍ: أَحْسَبُ ثَلَاثًا بِثَلَاثٍ حَتَّى تَكُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ، الْكِبَرُ بِالتَّوَاضُعِ، وَالْحِرْصُ بِالقَنَاعَةِ، وَالْحَسَدُ

بِالتَّصِيحَةِ.

77. Молик ибн Дийнор:

“Уч нарсани уч нарса билан бирга ушлагин, шунда сен мўминлардан бўласан: кибрни тавозулик билан, ҳирсни қаноат билан ва ҳасадни насихат билан”, дедилар.

بَابُ الرَّبَاعِيِّ

ТҮРТЛИКЛАР БОБИ

٧٨ - رُوِيَ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ لِأَبِي ذَرِّ الْعُفَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: يَا أَبَا ذَرِّ الْعُفَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ:

جَدِّدْ السَّفِينَةَ فَإِنَّ الْبَحْرَ عَمِيقٌ، وَخُذِ الزَّادَ كَامِلًا فَإِنَّ السَّفَرَ بَعِيدٌ، وَخَفِّفِ الْحَمْلَ فَإِنَّ الْعَقَبَةَ كَوْدٌ، وَأَخْلِصِ الْعَمَلَ فَإِنَّ النَّاقِدَ

بَصِيرٌ.

(من كتاب الفردوس بمأثور الخطاب)

78. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади.

У зот Абу Зарр ал-Ғифорий (р.а)га:

“Эй Абу Зарр! Сен кемани янгилагин, чунки дензиз чуқурдир. Захирани мукамал қилиб олгин, чунки сафар узоқдир. Юкни енгил қилиб олгин, чунки юқорига кўтарилиш қийиндир. Амални холис қилгин, чунки у ердаги танқидчи ҳамиша кўриб турувчи Зотдир”, дедилар.

وَقَالَ الشَّاعِرُ أَشْعَارًا

БИР ШОИР ШЕЪР ҚИЛИБ АЙТДИ

فَرَضَ عَلَى النَّاسِ أَنْ يَتُوبُوا * لَكِنَّ تَرَكَ الدُّنُوبَ أَوْجَبُ
وَالصَّبْرُ فِي النَّاتِبَاتِ صَعْبٌ * لَكِنَّ فَوْتَ الثَّوَابِ أَصْعَبُ

وَالدَّهْرُ فِي صَرْفِهِ عَجِيبٌ * لَكِنَّ غَفْلَةَ النَّاسِ أَعْجَبُ
وَكُلُّ مَا قَدْ يَجِيءُ قَرِيبٌ * وَلَكِنَّ الْمَوْتَ مِنْ ذَاكَ أَقْرَبُ

Тавба қилмоқ одамларга фарздир, бил,
Гуноҳларни тарк қилиш вожиброқ бундан.
Машаққатга сабр қилмоқ анчайин мушкул,
Лек савобни йўқотиш қийинроқ ундан.
Воҳ, ажабо, умр ўтар, ўзгарар замон,
Бундан ажиб одамларни ғафлат босгани.
Келаётган ҳамма нарса яқинлашган он,
Билмайсанки, ундан яқин ажал босқини.

٧٩ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: أَرْبَعَةٌ حَسَنٌ وَلَكِنَّ أَرْبَعَةً مِنْهَا أَحْسَنُ، الْحَيَاءُ مِنَ الرَّجَالِ حَسَنٌ وَلَكِنَّهُ مِنَ الْمَرْأَةِ أَحْسَنُ،
وَالْعَدْلُ مِنْ كُلِّ أَحَدٍ حَسَنٌ وَلَكِنَّهُ مِنَ الْأَمْرَاءِ أَحْسَنُ، وَالتَّوْبَةُ مِنَ الشَّيْخِ حَسَنٌ وَلَكِنَّهُ مِنَ الشَّابِّ أَحْسَنُ، وَالْجُودُ مِنَ الْأَغْنِيَاءِ
حَسَنٌ وَلَكِنَّهُ مِنَ الْفُقَرَاءِ أَحْسَنُ.

79. Баъзи ҳаким зотлардан ривоят қилинади:

“Тўрт нарса яхшидир, лекин яна тўрт нарса ундан яхшироқдир: ҳаёнинг эркакларда бўлиш яхши, лекин аёлларда бўлиши ундан яхшироқдир; ҳар бир инсоннинг адолатли бўлиши яхши, лекин подшоҳларнинг адолатли бўлиши яхшироқдир; қарияларнинг тавба қилиши яхши, лекин ёшларнинг тавба қилиши яхшироқдир; бойларнинг сахийлиги яхши, лекин камбағалларники яхшироқдир”.

٨٠ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: أَرْبَعَةٌ قَبِيحٌ لَكِنَّ أَرْبَعَةً مِنْهَا أَفْبَحُ، الذَّنْبُ مِنَ الشَّابِّ قَبِيحٌ وَمِنَ الشَّيْخِ أَفْبَحُ، وَالإِشْتِغَالُ
بِالدُّنْيَا مِنَ الْجَاهِلِ قَبِيحٌ وَمِنَ الْعَالِمِ أَفْبَحُ، وَالتَّكْسَلُ فِي الطَّاعَةِ مِنْ جَمِيعِ النَّاسِ قَبِيحٌ وَمِنَ الْعُلَمَاءِ وَالطَّلَبَةِ أَفْبَحُ، وَالتَّكْبُرُ مِنَ
الْأَغْنِيَاءِ قَبِيحٌ وَمِنَ الْفُقَرَاءِ أَفْبَحُ.

80. Баъзи ҳаким зотлардан ривоят қилинади:

“Тўрт нарса ёмон, лекин яна тўрт нарса ундан ҳам ёмонроқ: ёшларнинг гуноҳ қилиши ёмон, лекин қарияларники ундан ҳам ёмон; жоҳилнинг дунё билан машғул бўлиб қолиши ёмон, лекин олимники ундан ҳам ёмонроқ; инсонларнинг тоатда дангасалик қилиши ёмон, лекин уламолар ва илм толиблариники ундан ҳам ёмон; бойларнинг такаббур бўлиши ёмон, лекин камбағалларники ундан ҳам ёмон”.

٨١ - وَقَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: الْكُؤَاكِبُ أَمَانٌ لِأَهْلِ السَّمَاءِ، فَإِذَا انْتَشَرَتْ كَانَ الْقَضَاءُ عَلَى أَهْلِ السَّمَاءِ، وَأَهْلُ بَيْتِي
أَمَانٌ لِأُمَّتِي، فَإِذَا زَالَ أَهْلُ بَيْتِي كَانَ الْقَضَاءُ عَلَى أُمَّتِي، وَأَنَا أَمَانٌ لِأَصْحَابِي، فَإِذَا ذَهَبَتْ كَانَ الْقَضَاءُ عَلَى أَصْحَابِي، وَالْجِبَالُ
أَمَانٌ لِأَهْلِ الْأَرْضِ فَإِذَا ذَهَبَتْ كَانَ الْقَضَاءُ عَلَى أَهْلِ الْأَرْضِ.

(رواه أبو يعلى عن سليمان بن الأكواع)

81. Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

“Юлдузлар осмон аҳли учун тинчликдир, агар улар сочилиб кетса, осмон аҳли барҳам топади. Аҳли байтим умматим учун яхшиликдир, агар аҳли байтим йўқ бўлса, умматим барҳам топади. Мен саҳобаларим учун омонликман, агар мен кетсам, саҳобаларим барҳам топади. Тоғлар ер аҳли учун омонликдир, агар улар йўқ бўлса, ер аҳли йўқ бўлади”, дедилар.

۸۲ – وَعَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ أَنَّهُ قَالَ: أَرْبَعَةٌ تَمَامُهَا بِأَرْبَعَةٍ، تَمَامُ الصَّلَاةِ بِسَجْدَتِي السَّهْوِ، وَالصَّوْمُ بِصَدَقَةِ الْفِطْرِ، وَالْحَجُّ بِالْفِدْيَةِ، وَالْإِيمَانُ بِالْجِهَادِ.

82. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши:

“Тўрт нарса тўрт нарса билан мукаммал бўлади: намоз саҳв саждаси билан; рўза фитр садакаси билан; ҳаж фидя билан; иймон жиҳод билан”, дедилар.

۸۳ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُبَارَكِ: مَنْ صَلَّى كُلَّ يَوْمٍ اثْنَتَيْ عَشْرَةَ رَكْعَةً، فَقَدْ أَدَّى حَقَّ الصَّلَاةِ. وَمَنْ صَامَ كُلَّ شَهْرٍ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ، فَقَدْ أَدَّى حَقَّ الصِّيَامِ. وَمَنْ قَرَأَ كُلَّ يَوْمٍ مِائَةَ آيَةٍ، فَقَدْ أَدَّى حَقَّ الْقِرَاءَةِ. وَمَنْ تَصَدَّقَ فِي جُمُعَةٍ بِدِرْهَمٍ، فَقَدْ أَدَّى حَقَّ الصَّدَقَةِ.

83. Абдуллоҳ ибн Муборак (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Ким бир кунда ўн икки ракат намоз ўқиса, у намознинг ҳаққини адо этибди. Ким бир ойда уч кун рўза тутса, у рўзанинг ҳаққини адо қилибди. Ким бир кунда Қуръондан юз оят ўқиса, у Қуръоннинг ҳаққини адо этибди. Ким ҳар жума куни бир дирҳам садақа қилса, у садақанинг ҳаққини адо қилибди”.

۸۴ – وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْبُحُورُ أَرْبَعَةٌ. الْهَوَى بِحَرِّ الذُّنُوبِ، وَالنَّفْسُ بِحَرِّ الشَّهَوَاتِ، وَالْمَوْتُ بِحَرِّ الْأَعْمَارِ، وَالْقَبْرُ بِحَرِّ النَّدَامَاتِ.

84. Умар (р.а.) айтдилар:

“Денгизлар тўрт хилдир. 1) Ҳавои нафс гуноҳлар денгизидир. 2) Нафс шаҳватлар денгизидир. 3) Ўлим умрлар денгизидир. 4) Қабр надоматлар денгизидир”.

۸۵ – وَعَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: وَجَدْتُ حَلَاوَةَ الْعِبَادَةِ فِي أَرْبَعَةِ أَشْيَاءَ، أَوْلَاهَا فِي آدَاءِ فَرَائِضِ اللَّهِ، وَالثَّانِي فِي اجْتِنَابِ مَحَارِمِ اللَّهِ، وَالثَّلَاثُ فِي الْأَمْرِ بِالْمَعْرُوفِ ابْتِغَاءَ ثَوَابِ اللَّهِ، وَالرَّابِعُ فِي التَّهَيُّبِ عَنِ الْمُنْكَرِ اتِّقَاءَ غَضَبِ اللَّهِ. وَقَالَ أَيُّضًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَرْبَعَةٌ ظَاهِرُهُنَّ فَضِيلَةٌ وَبَاطِنُهُنَّ فَرِيضَةٌ، مُخَالَطَةُ الصَّالِحِينَ فَضِيلَةٌ، وَالِافْتِدَاءُ بِهِمْ فَرِيضَةٌ، وَتَلَاوَةُ الْقُرْآنِ فَضِيلَةٌ، وَالْعَمَلُ بِهِ فَرِيضَةٌ، وَزِيَارَةُ الْقُبُورِ فَضِيلَةٌ، وَالِاسْتِعْدَادُ لَهَا فَرِيضَةٌ، وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ فَضِيلَةٌ، وَاتِّخَاذُ الْوَصِيَّةِ مِنْهُ فَرِيضَةٌ.

85. Усмон (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Мен ибодат ҳаловатини тўрт нарсада топдим:

Биринчиси, Аллоҳ фарз қилган амалларни бажариш.

Иккинчиси, Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилиш.

Учинчиси, Аллоҳдан савоб умид қилган ҳолда яхшилиқка чақириш.

Тўртинчиси, Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб ёмонликдан қайтариш”.

Яна у зот (р.а.):

“Тўрт нарсанинг зоҳири фазилат ва ботини фарздир: солиҳларга қўшилиш фазилат ва уларга эргашиш фарздир. Қуръон тиловат қилиш фазилат ва унга амал қилиш фарздир. Қабрни зиёрат қилиш фазилат ва унга ҳозирлик кўриш фарздир. Касални зиёрат қилиш фазилат ва унинг васиятини бажариш фарздир”, дедилар.

۸۶ – وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: مَنْ اشْتَقَ إِلَى الْجَنَّةِ، سَارَعَ إِلَى الْخَيْرَاتِ، وَمَنْ أَشْفَقَ مِنَ النَّارِ، انْتَهَى عَنِ الشَّهَوَاتِ، وَمَنْ تَيَقَّنَ بِالْمَوْتِ، انْهَدَمَتْ عَلَيْهِ اللَّذَاتُ، وَمَنْ عَرَفَ الدُّنْيَا هَانَتْ عَلَيْهِ الْمُصِيبَاتُ.

86. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши:

“Ким жаннатга интилса, яхшилиқларга шошилади. Ким дўзахдан қўрқса, шаҳватлардан тийилади. Ким ўлимга ишонса, унинг лаззатлари бузилади. Ким дунёни билса, унга мусибатлар осон бўлади”, дедилар.

۸۷ – وَعَنْ النَّبِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ أَنَّهُ قَالَ: الصَّلَاةُ عِمَادُ الدِّينِ، وَالصُّمْتُ أَفْضَلُ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ، وَالصُّمْتُ أَفْضَلُ، وَالصَّوْمُ جَنَّةٌ مِنَ النَّارِ، وَالصُّمْتُ أَفْضَلُ، وَالْجِهَادُ سِنَامُ الدِّينِ، وَالصُّمْتُ أَفْضَلُ.

87. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

У зот:

“Намоз диннинг устунидир, жим туриш ундан афзалдир. Садақа Аллоҳнинг ғазабини ўчиради, жим туриш ундан афзалдир. Рўза дўзахдан пардадир, жим туриш ундан афзалдир. Жиход диннинг ўркачидир, жим туриш ундан афзалдир”, дедилар.

۸۸ – قِيلَ: أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى نَبِيِّهِ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، وَقَالَ: صَمْتُكَ عَنِ الْبَاطِلِ لِي صَوْمٌ، وَحِفْظُكَ الْجَوَارِحَ عَنِ الْمَحَارِمِ لِي صَلَاةٌ، وَإِيَّاسُكَ عَنِ الْخَلْقِ لِي صَدَقَةٌ، وَكَفُّكَ الْأَذَى عَنِ الْمُسْلِمِينَ لِي جِهَادٌ.

88. Айтиладики:

“Аллоҳ таоло бани Исроилдан бўлган набийлардан бирига:

“Сенинг ботилдан тийилишинг Мен учун рўзадир. Аъзоларингни ҳаромдан сақлашинг Мен учун намоздир. Халқдан беҳожат бўлишинг Мен учун

садақадир. Муслмонларга озор беришдан тийилишинг Мен учун жиҳоддир”, деб ваҳий қилди”.

۸۹ – وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: أَرْبَعَةٌ مِنْ ظُلْمَةِ الْقَلْبِ: بَطْنُ شَعْبَانَ مِنْ غَيْرِ مُبَالَاتٍ، وَصَحْبَةُ الظَّالِمِينَ، وَنَسْيَانِ الذُّنُوبِ الْمَاضِيَةِ، وَطُولُ الْأَمَلِ.
وَأَرْبَعَةٌ مِنْ نُورِ الْقَلْبِ: بَطْنُ جَائِعٍ مِنْ حَذَرٍ، وَصَحْبَةُ الصَّالِحِينَ، وَحِفْظُ الذُّنُوبِ الْمَاضِيَةِ، وَقَصْرُ الْأَمَلِ.

89. Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинади.

У киши:

“Тўрт нарса қалбнинг зулматидир: ҳаромдан тўйган қорин, золимлар билан суҳбат қилиш, аввалги гуноҳларни унутиш, орзунинг узун бўлиши.

Яна тўрт нарса қалбнинг нуридир: парҳезкорлик қилиб, қоринни оч тутиш, солиҳлар билан суҳбат қилиш, ўтган гуноҳларни ёдга олиш, орзунинг қисқа бўлиши”, дедилар.

۹۰ – وَعَنْ حَاتِمِ الْأَصَمِّ رَحِمَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ أَنَّهُ قَالَ: مَنْ أَدْعَى أَرْبَعَةً بِلَا أَرْبَعَةٍ، فَدَعَاؤُهُ كِذْبٌ، وَمَنْ أَدْعَى حُبَّ اللَّهِ وَلَمْ يَنْتَهَ عَنِ مَحَارِمِ اللَّهِ تَعَالَى فَدَعَاؤُهُ كِذْبٌ، وَمَنْ أَدْعَى حُبَّ النَّبِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ وَكَرِهَ الْفُقَرَاءَ وَالْمَسَاكِينَ فَدَعَاؤُهُ كِذْبٌ، وَمَنْ أَدْعَى حُبَّ الْجَنَّةِ، وَلَمْ يَتَّصِفْ بِفِدَاؤِهَا كِذْبٌ، وَمَنْ أَدْعَى خَوْفَ النَّارِ، وَلَمْ يَنْتَهَ عَنِ الذُّنُوبِ فَدَعَاؤُهُ كِذْبٌ.

90. Ҳотам ал-Асом (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши:

“Кимки тўрт нарсани тўрт нарсасиз даъво қилса, унинг даъвоси ёлғондир. Ким Аллоҳни севишни даъво қилса-ю, Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан тийилмаса, унинг даъвоси ёлғондир. Ким Пайғамбар (а.с.)ни севишни даъво қилса-ю, фақир ва мискинларни ёмон кўрса, унинг даъвоси ёлғондир. Ким жаннатни севишни даъво қилса-ю, садақа қилмаса, унинг даъвоси ёлғондир. Ким дўзахни ёмон кўришни даъво қилса-ю, гуноҳлардан тийилмаса, унинг даъвоси ёлғондир”, дедилар.

۹۱ – قِيلَ: عَلَامَةُ الشَّقَاوَةِ أَرْبَعَةٌ، نِسْيَانُ الذُّنُوبِ الْمَاضِيَةِ وَهِيَ عِنْدَ اللَّهِ تَعَالَى مَحْفُوظَةٌ، وَذِكْرُ الْحَسَنَاتِ الْمَاضِيَةِ وَلَا يَدْرِي أَقْبَلَتْ أَمْ رُدَّتْ، وَنَظَرُهُ إِلَى مَنْ فَوْقَهُ فِي الدُّنْيَا، وَنَظَرُهُ إِلَى مَنْ دُونَهُ فِي الدِّينِ. يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: أَرَدْتَهُ وَلَمْ يُرِدْنِي فَتَرَكَتُهُ.
وَعَلَامَةُ السَّعَادَةِ أَرْبَعَةٌ: ذِكْرُ الذُّنُوبِ الْمَاضِيَةِ، وَنِسْيَانُ الْحَسَنَاتِ الْمَاضِيَةِ، وَنَظَرُهُ إِلَى مَنْ فَوْقَهُ فِي الدِّينِ، وَنَظَرُهُ إِلَى مَنْ دُونَهُ فِي الدُّنْيَا.

91. Айтиладики:

«Бахтсизликнинг аломати тўрттадир: ўтган гуноҳларни унутиш, ҳолбуки, бу гуноҳлар Аллоҳ таоло ҳузурида сақланган бўла туриб; қилган яхшиликларни эшлаш, ҳолбуки, Аллоҳ қабул қилган ёки қилмаганини билмай туриб; мол-дунёда ўзидан юқорирокдагилардан ибрат олиш; динда ўзидан

пастроқдагилардан ибрат олиш. Шундай кишилар ҳақида Аллоҳ таоло: “Мен уни хоҳладим, аммо у Мени хоҳламади, бас, Мен уни тарк этдим”, дейди.

Бахтиёрлик аломати ҳам тўрттадир: ўтган гуноҳларни эслаш; қилган яхшилиқларни унутиш; динда ўзидан юқориқоқ кишидан ибрат олиш; мол-дунёда ўзидан камбағалроқдан ибрат олишдир».

۹۲ – وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ، أَنَّ شَعَائِرَ الْإِيمَانِ أَرْبَعَةٌ: التَّقْوَى، وَالْحَيَاءُ، وَالشُّكْرُ، وَالصَّبْرُ.

92. Баъзи донишмандлардан ривоят қилинади:

Улар:

“Иймоннинг шиори тўрттадир: тақво, ҳаё, шукр ва сабр”, дейишди.

۹۳ – قِيلَ: الْأَمَهَاتُ أَرْبَعٌ: أُمُّ الْأَذْوِيَةِ، وَأُمُّ الْأَدَابِ، وَأُمُّ الْعِبَادَاتِ، وَأُمُّ الْأَمَانِيِّ. فَأُمُّ الْأَذْوِيَةِ قِلَّةُ الْأَكْلِ، وَأُمُّ الْأَدَابِ قِلَّةُ الْكَلَامِ، وَأُمُّ الْعِبَادَاتِ قِلَّةُ الذُّنُوبِ، وَأُمُّ الْأَمَانِيِّ الصَّبْرُ.

93. Айтиладики:

“Оналар тўрт хилдир: даволар онаси, одоблар онаси, ибодатлар онаси, орзулар онаси.

Даволар онаси ейишни озайтиришда, одоблар онаси сўзлашни озайтиришда, ибодатнинг онаси гуноҳларни озайтиришда ва орзуларнинг онаси сабрдадир”.

۹۴ – قِيلَ: أَرْبَعَةٌ جَوَاهِرٌ فِي جِسْمِ بَنِي آدَمَ، يُزِيلُهَا أَرْبَعَةٌ أَشْيَاءَ. أَمَّا الْجَوَاهِرُ: فَالْعَقْلُ، وَالدِّينُ، وَالْحَيَاءُ، وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ. فَالْفُضْبُ يُزِيلُ الْعَقْلَ، وَالْحَسَدُ يُزِيلُ الدِّينَ، وَالطَّمَعُ يُزِيلُ الْحَيَاءَ، وَالغَيْبَةُ تُزِيلُ الْعَمَلَ الصَّالِحَ.

94. Айтиладики:

“Одамзот жисмида тўрт гавҳар бор, уларни тўрт нарса кетказиб туради.

Жавоҳирлар: ақл, дин, ҳаё ва солиҳ амаллардир.

Ғазаб ақлни кетказди, ҳасад динни кетказди, таъма ҳаёни кетказди ва гийбат солиҳ амалларни кетказди”.

۹۵ – قِيلَ: أَرْبَعَةٌ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الْجَنَّةِ، الْخُلُودُ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الْجَنَّةِ، وَخِدْمَةُ الْمَلَائِكَةِ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الْجَنَّةِ، وَجَوَارُ الْأَنْبِيَاءِ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الْجَنَّةِ، وَرَضَى اللَّهُ تَعَالَى فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الْجَنَّةِ. وَأَرْبَعَةٌ فِي النَّارِ شَرٌّ مِنَ النَّارِ، الْخُلُودُ فِي النَّارِ شَرٌّ مِنَ النَّارِ، وَتَوْبِيخُ الْمَلَائِكَةِ الْكُفَّارِ فِي النَّارِ شَرٌّ مِنَ النَّارِ، وَجَوَارُ الشَّيْطَانِ فِي النَّارِ شَرٌّ مِنَ النَّارِ، وَعَضَبُ اللَّهِ تَعَالَى فِي النَّارِ شَرٌّ مِنَ النَّارِ.

95. Айтиладики:

“Жаннатдаги тўрт нарса жаннатдан яхшидир: жаннатда абадий қолиш жаннатдан яхши, фаришталарнинг жаннатдаги хизматлари жаннатдан яхши, жаннатда пайғамбарларга қўшни бўлиш жаннатдан яхши, жаннатда Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш жаннатдан яхши.

Дўзахдаги тўрт нарса дўзахдан ёмон: дўзахда абадий қолиш дўзахдан ёмон, фаришталарнинг кофирларга дўзахдаги танбехлари дўзахдан ёмон, дўзахда шайтонга қўшни бўлиш дўзахдан ёмон ва дўзахда Аллоҳ таолонинг ғазаб қилиши дўзахдан ёмон”.

٩٦ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ، حِينَ سُئِلَ: كَيْفَ أَنْتَ؟ فَقَالَ: أَنَا مَعَ الْمَوْلَى عَلَى الْمُوَافَقَةِ، وَمَعَ النَّفْسِ عَلَى الْمُخَالَفَةِ، وَمَعَ الْخَلْقِ عَلَى النَّصِيحَةِ، وَمَعَ الدُّنْيَا عَلَى الضَّرُورَةِ.

96. Баъзи донишмандлардан ривоят қилинади:

Улардан: “Ҳолингиз қандай?” деб сўралганида: “Парвардигорим билан иттифоқдаман, нафсим билан мухолафатдаман, халқ билан насихатдаман, дунё билан заруратдаман”, деб айтдилар.

٩٧ - وَاخْتَارَ بَعْضُ الْحُكَمَاءِ أَرْبَعَ كَلِمَاتٍ مِنْ أَرْبَعَةِ كُتُبٍ: مِنَ التَّوْرَةِ: مَنْ رَضِيَ بِمَا أَعْطَاهُ اللَّهُ تَعَالَى اسْتِرَاحَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. وَمِنَ الْإِنْجِيلِ: مَنْ هَدَمَ الشَّهَوَاتِ عَزَّ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. وَمِنَ الزُّبُورِ: مَنْ تَفَرَّدَ عَنِ النَّاسِ نَجَا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ. وَمِنَ الْفُرْقَانِ: مَنْ حَفِظَ اللِّسَانَ سَلِمَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ.

97. Ҳакимлардан баъзилари тўрт китобдан тўрт калимани танлаб олишди.

Тавротдан: “Аллоҳ таоло инъом этган нарсага рози бўлган киши дунё ва охирада роҳатда бўлибди”.

Инжилдан: “Шаҳватларни тарк қилган киши дунё ва охирада азиз бўлибди”.

Забурдан: “Ким одамлардан якка ҳолда ажраб чиқса, дунё ва охирада нажот топибди”.

Фурқондан: “Ким тилни сақласа, дунё ва охирада омонда бўлибди”.

٩٨ - وَعَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: وَاللَّهِ مَا ابْتَلَيْتُ بِبَلِيَّةٍ إِلَّا وَكَانَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيَّ فِيهَا أَرْبِعَ نِعَمٍ: أَوْلَاهَا إِذَا لَمْ تَكُنْ فِي ذَنْبِي، وَالثَّانِي إِذَا لَمْ تَكُنْ أَعْظَمَ مِنْهَا، وَالثَّالِثُ إِذَا لَمْ تَكُنْ مُحْرَمَ الرِّضَاءِ بِهَا، وَالرَّابِعُ أَنِّي أَرْجُوا الثَّوَابَ عَلَيْهَا.

98. Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Мен бир бало билан мубтало бўлсам, Аллоҳ томонидан менга тўрт неъмат ҳосил бўлди: унинг аввалгиси - агар менинг гуноҳим сабабидан бўлмаса; иккинчиси - қилмишларимдан зиёда бўлмаса; учинчиси - мени ризодан маҳрум қилувчи бўлмаса; тўртинчиси - мен келган балодан савоб умид қилишим”.

٩٩ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُبَارَكِ، أَنَّهُ قَالَ: إِنَّ رَجُلًا حَكِيمًا جَمَعَ الْأَحَادِيثَ، فَاخْتَارَ مِنْهَا أَرْبَعِينَ أَلْفًا، ثُمَّ اخْتَارَ مِنْهَا أَرْبَعَةَ أَلْفٍ، ثُمَّ اخْتَارَ مِنْهَا أَرْبَع مِائَةٍ، ثُمَّ اخْتَارَ مِنْهَا أَرْبَعِينَ، ثُمَّ اخْتَارَ مِنْهَا أَرْبَع كَلِمَاتٍ: إِحْدَاهُنَّ لَا تَنْفَعَنَّ بِأَمْرَةٍ عَلَى كُلِّ حَالٍ، وَالثَّانِيَةُ لَا تَغْتَرَّ بِالْمَالِ عَلَى كُلِّ حَالٍ، وَالثَّلَاثَةُ لَا تُحْمَلُ مَعْدَتَكَ مَا لَا تُطِيقُهُ، وَالرَّابِعَةُ لَا تَجْمَعُ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَا يَنْفَعُكَ.

99. Абдуллоҳ ибн Муборакдан ривоят қилинади:

У киши:

“Бир донишманд киши кўп ҳикматларни жамлади, бас, улардан қирк мингини танлаб олди. Сўнгра улардан тўрт мингтасини танлаб олди, сўнгра улардан тўрт юзтасини танлаб олди, сўнгра улардан қирқтасини танлаб олди ва охири тўртта сўзни танлаб олди.

Уларнинг биринчиси - ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл кишига ишониб қолмаслик.

Иккинчиси - ҳар қандай ҳолатда молга алданиб қолмаслик.

Учинчиси - ошқозонингизга тоқати етмаган нарса юкласлик.

Тўртинчиси - фойда бермайдиган илмни жамламаслик”, дедилар.

١٠٠ - وَعَنْ مُحَمَّدِ بْنِ أَحْمَدَ رَحِمَهُ اللَّهُ، فِي قَوْلِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ: "وَسَيِّدًا وَحَصُورًا وَنَبِيًّا مِنَ الصَّالِحِينَ" (آل عمران - ٣٩) قَالَ: ذَكَرَ اللَّهُ يَحْيَى سَيِّدًا، وَهُوَ عَبْدُهُ، لِأَنَّهُ كَانَ غَالِبًا عَلَى أَرْبَعَةِ أَشْيَاءَ: عَلَى الْهَوَى، وَعَلَى الْإِنْسِ، وَعَلَى اللِّسَانِ، وَعَلَى الْغَضَبِ.

100. Муҳаммад ибн Аҳмад (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши Аллоҳ аза ва жалланинг “бошлиқ, шахвати тийилган, солиҳлардан бўлган набий” деган сўзи хусусида:

“Аллоҳ Яҳё алайҳиссаломни бошлиқ деб атади, ваҳоланки, у зот Аллоҳнинг бандасидирлар. Бунга сабаб у зот тўрт нарсани енгиб турганлар: ҳавойи нафсларини, иблисни, тилларини, ғазабларини”, дедилар.

١٠١ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: لَا يَزَالُ الدِّينُ وَالِدُنِّيَا قَائِمِينَ، مَا دَامَ أَرْبَعَةُ أَشْيَاءَ، مَا دَامَ الْأَغْنِيَاءُ لَا يَنْخَلُونَ بِمَا خُوُلُوا، وَمَا دَامَ الْعُلَمَاءُ يَعْمَلُونَ بِمَا عَلِمُوا، وَمَا دَامَ الْجُهَلَاءُ لَا يَسْتَكْبِرُونَ عَمَّا لَمْ يَعْلَمُوا، وَمَا دَامَ الْفُقَرَاءُ لَا يَبِيعُونَ آخِرَتَهُمْ بِدُنْيَاهُمْ.

101. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Модомики, тўрт нарса мавжуд бўлса, дин ва дунё қоимликда бўлади: бойлар Аллоҳ берган нарсаларга бахиллик қилмасалар; уламолар билган нарсаларига амал қилсалар; илмсиз кишилар билмаган нарсаларини сўрашда мутакаббир бўлмасалар; камбағал кишилар охиратларини дунёларига сотмасалар”.

١٠٢ - وَعَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، أَنَّهُ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَحْتَجُّ يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِأَرْبَعَةِ أَجْناسٍ مِنَ النَّاسِ، عَلَى الْأَغْنِيَاءِ بِسُلَيْمَانَ بْنِ دَاوُدَ، وَعَلَى الْعَبِيدِ بِيُوسُفَ، وَعَلَى الْمَرْضَى بِأَيُّوبَ، وَعَلَى الْفُقَرَاءِ بِعِيسَى عَلَيْهِمُ السَّلَامُ.

102. Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

У зот:

“Албатта, Аллоҳ таоло қиёмат кунида тўрт кишини одамлардан тўрт тоифасига ҳужжат қилади: бойларга Сулаймон ибн Довуд (а.с.)ни, қулларга Юсуф (а.с.)ни, бемор кишиларга Айюб (а.с.)ни, камбағал кишиларга Исо (а.с.)ни”, дедилар.

١٠٣ - وَعَنْ سَعْدِ بْنِ بِلَالٍ رَحِمَهُ اللَّهُ: أَنَّ الْعَبْدَ إِذَا أَذْنَبَ مِنْ اللَّهِ تَعَالَى عَلَيْهِ بِأَرْبَعِ حِصَالٍ، لَا يَحْجُبُ عَنْهُ الرِّزْقَ، وَلَا يَحْجُبُ عَنْهُ الصَّحَّةَ، وَلَا يُظَاهِرُ عَلَيْهِ الذُّنْبَ، وَلَا يُعَاقِبُهُ عَاجِلًا.

103. Саъд ибн Билол (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Қачон банда гуноҳ содир қилса ҳам, (меҳрибон) Аллоҳ тўрт хислатдаги нарсани тўхтатмайди: ризқни тўхтатмайди, саломатликни тўхтатмайди, гуноҳини ошқора қилмайди, уни тез азобламайди”.

١٠٤ - وَعَنْ حَاتِمِ الْأَصَمِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، أَنَّهُ قَالَ: مَنْ صَرَفَ أَرْبَعًا إِلَى أَرْبَعٍ وَجَدَ الْجَنَّةَ. النَّوْمَ إِلَى الْقَبْرِ، وَالْفَخْرَ إِلَى الْمِيزَانِ، وَالرَّاحَةَ إِلَى الصَّرَاطِ، وَالشَّهْوَةَ إِلَى الْجَنَّةِ.

104. Ҳотам ул-Асомдан ривоят қилинади:

У киши:

“Кимки тўрт нарсани тўрт нарсага қолдирса, жаннатни топади: уйқуни қабрга, фахрланишни мезонга, роҳатланишни сирот кўпригига, шаҳватни жаннатга”, дедилар.

١٠٥ - عَنْ حَامِدِ اللَّفَافِ رَحِمَهُ اللَّهُ، أَنَّهُ قَالَ: أَرْبَعَةٌ طَلَبْنَاهَا فِي أَرْبَعَةٍ، فَأَخْطَأْنَا طُرُقَهَا فَوَجَدْنَاهَا فِي أَرْبَعَةٍ أُخْرَى. طَلَبْنَا الْغِنَى فِي الْمَالِ، فَوَجَدْنَاهَا فِي الْقَنَاعَةِ، وَطَلَبْنَا الرَّاحَةَ فِي الشَّرْوَةِ، فَوَجَدْنَاهَا فِي قِلَّةِ الْمَالِ، وَطَلَبْنَا اللَّذَاتِ فِي النَّعْمَةِ، فَوَجَدْنَاهَا فِي الْبَدَنِ الصَّحِيحِ، وَطَلَبْنَا الرِّزْقَ فِي الْأَرْضِ، فَوَجَدْنَاهَا فِي السَّمَاءِ.

105. Ҳомид ал-Лифоф (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши:

“Тўрт нарсани изладик ва изланиш йўлида хато қилиб, бошқа тўрт нарсадан топдик: бойликни молдан изладик, лекин уни каноатда топдик. Роҳатни серобчиликдан изладик, аммо уни молнинг озлигидан топдик. Лаззатларни неъматдан изладик, лекин уни соғлом бадандан топдик. Ризқни ердан изладик, лекин уни осмондан топдик”, дедилар.

١٠٦ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ قَالَ: أَرْبَعَةٌ أَشْيَاءَ قَلِيلُهَا كَثِيرٌ. الْوَجْعُ، وَالْفَقْرُ، وَالنَّارُ، وَالْعِدَاوَةُ.

106. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши:

“Тўрт нарсанинг ози ҳам кўпдир: оғриқ, камбағаллик, олов, душманчилик”, дедилар.

١٠٧ - وَعَنْ حَاتِمِ الْأَصَمِّ، أَنَّهُ قَالَ: أَرْبَعَةٌ أَشْيَاءُ لَا يَعْرِفُ قَدْرَهَا إِلَّا أَرْبَعَةٌ.

الشَّبَابُ لَا يَعْرِفُ قَدْرَهُ إِلَّا الشُّيُوخُ، وَالْعَافِيَةُ لَا يَعْرِفُ قَدْرَهَا إِلَّا أَهْلُ الْبَلَاءِ، وَالصَّحَّةُ لَا يَعْرِفُ قَدْرَهَا إِلَّا الْمَرْضَى، وَالْحَيَاةُ لَا يَعْرِفُ قَدْرَهَا إِلَّا الْمَوْتَى.

107. Хотам ал-Асомдан ривоят қилинади:

У киши:

“Тўрт нарсанинг қадрини фақат тўрт тоифа билади: ёшликнинг қадрини фақат қарилар билади, тинчликнинг қадрини фақат балоланганлар билади, соғлик қадрини фақат касаллар билади, тирикликнинг қадрини фақат ўлганлар билади”, дедилар.

وَقَالَ الشَّاعِرُ أَبُو نَوَاسٍ أَشْعَارًا

ذُنُوبِي إِنْ فَكَّرْتُ فِيهَا * وَرَحْمَةُ رَبِّي مِنْ ذُنُوبِي أَوْسَعُ
وَمَا طَمَعِي فِي صَالِحٍ إِنْ عَمِلْتُهُ * وَلَكِنِّي فِي رَحْمَةِ اللَّهِ أَطْمَعُ
هُوَ اللَّهُ مَوْلَايَ الَّذِي هُوَ خَالِقِي * وَأَنَا لَهُ عَبْدٌ أَقْرُ وَأَخْضَعُ
فَإِنْ يَكُ عُفْرَانٌ فَذَلِكَ رَحْمَةٌ * وَإِنْ تَكُنِ الْأُخْرَى فَمَا أَنَا أَصْنَعُ

ШОИР АБУ НАВОС ШЕЪРИДА АЙТАДИ

Агар фикр юритсам гуноҳларим хусусида,
Раббимнинг раҳмати гуноҳларимдан кенгроқдир.
Мен амал қилган нарсаларимдан умидвор эмасман,
Лекин Аллоҳнинг раҳматида умидим бор.
У Аллоҳ мавлоимки, У мени яратган,
Мен Унга қулман ва бунга иқрор бўлиб бўйин эгаман.
Агар мағфират бўлса, ўша раҳматдир,
Агар ундан бошқаси бўлса, мен нима қилай?

١٠٨ - قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا كَانَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يُوضَعُ الْمِيزَانُ، فَيُؤْتَى بِأَهْلِ الصَّلَاةِ، فَيُؤْفُونَ أَجُورَهُمْ بِالْمِيزَانِ، ثُمَّ يُؤْتَى بِأَهْلِ الصَّوْمِ، فَيُؤْفُونَ أَجُورَهُمْ بِالْمِيزَانِ، ثُمَّ يُؤْتَى بِأَهْلِ الْحَجِّ، فَيُؤْفُونَ أَجُورَهُمْ بِالْمِيزَانِ، ثُمَّ يُؤْتَى بِأَهْلِ الْبَلَاءِ، لَا يُنْصَبُ لَهُمْ مِيزَانٌ، وَلَا يُنْشَرُ لَهُمْ دِيْوَانٌ، فَيُؤْفُونَ أَجُورَهُمْ بِعَيْرِ حِسَابٍ، حَتَّى يَتَمَنَّى أَهْلُ الْعَافِيَةِ أَنْ لَوْ كَانُوا بِمَنْزِلَتِهِمْ مِنْ كَثْرَةِ ثَوَابِ اللَّهِ تَعَالَى.

108. Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

“Қиёмат куни бўлганида тарози қўйилиб, намозхонлар олиб келинади. Улар тарозидан ажрларини оладилар. Сўнгра рўзадорлар олиб келиниб, улар тарозидан ажрларини оладилар. Сўнгра ҳожилар олиб келиниб, улар ҳам ажрларини тўла оладилар. Сўнгра аҳли бало олиб келиниб, уларга тарозу қўйилмайди, амаллари битилган китоб ҳам очилмайди. Улар ажрларини ҳисоб-китобсиз оладилар. Офият аҳли уларнинг ўринларида бўлишни орзу қиладилар”, дедилар.

۱۰۹ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: يَسْتَقْبِلُ ابْنُ آدَمَ أَرْبَعِ نُهَبَاتٍ، يَنْتَهَبُ مَلَكُ الْمَوْتِ رُوحَهُ، يَنْتَهَبُ الْوَرَثَةُ مَالَهُ، وَيَنْتَهَبُ الدُّوْدُ جِسْمَهُ، وَيَنْتَهَبُ الْخُصَمَاءُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَرْضَهُ أَيْ عَمَلَهُ.

109. Баъзи донишмандлардан ривоят қилинади:

“Одам боласи (вафотидан сўнг) тўрт таловчига дуч келади. Ўлим фаришталари унинг руҳини талашадилар. Меросхўрлар молини талашадилар. Қурт-кумурскалар жисмини талашадилар. Хусуматчилар қиёмат куни унинг обрў ёки амалини талашадилар”.

۱۱۰ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: مَنْ اشْتَغَلَ بِالشَّهَوَاتِ، فَلَا بُدَّ لَهُ مِنَ النَّسَاءِ، وَمَنْ اشْتَغَلَ بِجَمْعِ الْمَالِ، فَلَا بُدَّ لَهُ مِنَ الْحَرَامِ، وَمَنْ اشْتَغَلَ بِمَنَافِعِ الْمُسْلِمِينَ، فَلَا بُدَّ لَهُ مِنَ الْمُدَارَةِ، وَمَنْ اشْتَغَلَ بِالْعِبَادَةِ، فَلَا بُدَّ لَهُ مِنَ الْعِلْمِ.

110. Баъзи донишмандлардан ривоят қилинади:

“Ким нафс истаги бўлмиш шаҳват билан шуғулланса, аёллар билан мулоқот қилишдан чорасиздир. Ким мол-дунё йиғиш билан шуғулланса, молни ҳаромдан йиғишдан чорасиздир. Ким мусулмонларнинг манфаатлари билан шуғулланса, муроса қилишдан чорасиздир. Ким ибодат билан машғул бўлса, илм олишдан чорасиздир”.

۱۱۱ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ أَصْعَبَ الْأَعْمَالِ أَرْبَعُ خِصَالٍ، الْعَفْوُ عِنْدَ الْغَضَبِ، وَالْجُودُ فِي الْعُسْرَةِ، وَالْعِفَّةُ فِي الْخُلُوةِ، وَقَوْلُ الْحَقِّ لِمَنْ يَخَافُهُ وَيَرْجُوهُ.

111. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Амалларнинг энг оғири тўрттадир: ғазаб келганда ичга ютиш; қийналган вақтда сахий бўлиш; холи қолганда иффат, ҳаёда бўлиш; хавфсираладиган ва бирор нарсани умид қилинадиган кишига ҳақ сўзни айтиш”.

۱۱۲ - وَفِي الزُّبُورِ أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: أَنَّ الْعَاقِلَ الْحَكِيمَ لَا يَخْلُو مِنْ أَرْبَعِ سَاعَاتٍ، سَاعَةً فِيهَا يُنَاجِي رَبَّهُ، وَسَاعَةً فِيهَا يُحَاسِبُ نَفْسَهُ، وَسَاعَةً يَمْشِي فِيهَا إِلَى إِخْوَانِهِ الَّذِينَ يُخْبِرُونَهُ بِعُيُوبِهِ، وَسَاعَةً فِيهَا يُخَلِّي بَيْنَ نَفْسِهِ وَبَيْنَ لَدَاتِهَا الْحَلَالِ.

112. Забурда Аллоҳ таоло Довуд (а.с.)га:

“Албатта, доно киши тўрт соатда тўрт нарса билан машғул бўлади. Биринчи соатда Роббисига муножот қилади. Иккинчи соатда ўзининг нафсини ҳисоб қилади. Учинчи соатда айбини билдириб қўядиган биродарлари олдига боради. Тўртинчи соатда лаззатли таомнинг ҳалоли билан ўз нафси орасини холи қўяди, яъни гоҳида ҳалол таомдан ҳам ўзини тийиб туради”, деб ваҳий юборди.

۱۱۳ - وَقَالَ بَعْضُ الْحُكَمَاءِ: جَمِيعُ الْعِبَادَاتِ مِنَ الْعِبَادَةِ أَرْبَعَةٌ، الْوَفَاءُ بِالْعَهْدِ، وَالْمُحَافَظَةُ بِالْحُدُودِ، وَالصَّبْرُ عَلَى الْمَفْقُودِ، وَالرِّضَى بِالْمَوْجُودِ.

113. Баъзи донишмандлардан ривоят қилинади:

Улар: “Убудиятдан иборат бўлган барча ибодатлар тўрттадир: аҳдларга вафо қилиш, ҳаддларни сақлаш, яъни ҳаддлардан ўтиб кетмаслик, йўқотган нарсага сабр қилиш, бор нарсага рози бўлиш”, дедилар.

البَابُ الْخُمَاسِيُّ

۱۱۴ - قِيلَ: مَنْ أَهَانَ خَمْسَةَ خَسِرَ خَمْسَةَ، مَنْ اسْتَخَفَّ بِالْعُلَمَاءِ خَسِرَ الدِّينَ، وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِالْأَمْرَاءِ خَسِرَ الدُّنْيَا، وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِالْحِجْرَانِ خَسِرَ الْمَنَافِعَ، وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِالْأَقْرِبَاءِ خَسِرَ الْمَوَدَّةَ، وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِأَهْلِهِ خَسِرَ طَيْبَ الْمَعِيشَةِ.

БЕШЛИК БОБИ

114. Айтиладики:

“Ким беш нарсани хорласа, беш нарсани йўқотади. Ким уламоларни хорласа, динини йўқотади. Ким амирларни хорласа, дунёсини йўқотади. Ким қўшнисини хорласа, манфаатларни йўқотади. Ким қариндошларни хорласа, меҳр-мурувватни йўқотади. Ким ўз аҳлини хорласа, қувонч билан яшашдан маҳрум бўлибди”.

۱۱۵ - قِيلَ: سَيَأْتِي زَمَانٌ عَلَى الْأُمَّةِ، يُحِبُّونَ خَمْسًا وَيَنْسَوْنَ خَمْسًا، يُحِبُّونَ الدُّنْيَا وَيَنْسَوْنَ الْعُقْبَى وَيُحِبُّونَ الدُّوْرَ وَيَنْسَوْنَ الْقُبُورَ وَيُحِبُّونَ الْمَالَ وَيَنْسَوْنَ الْحِسَابَ وَيُحِبُّونَ الْعِبَالَ وَيَنْسَوْنَ الْخُورَ وَيُحِبُّونَ النَّفْسَ وَيَنْسَوْنَ اللَّهَ.

115. Айтиладики:

«Умматга шундай бир замон келурки, беш нарсани яхши кўриб, беш нарсани унутадилар:

1. Дунёни яхши кўриб, охиратни унутадилар.
2. Ҳовлиларни яхши кўриб, қабрларни унутишади.
3. Мол-дунёни яхши кўриб, ҳисоб-китобни унутишади.
4. Аҳли-аёлни яхши кўриб, хурларни унутишади.
5. Нафсни яхши кўриб, Аллоҳни унутишади».

۱۱۶ - قِيلَ: لَا يُعْطِي اللَّهُ لِأَحَدٍ خَمْسًا إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ خَمْسًا أُخْرَى، لَا يُعْطِيهِ الشُّكْرَ إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ الزِّيَادَةَ، وَلَا يُعْطِيهِ الدُّعَاءَ إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ الإِسْتِجَابَةَ، وَلَا يُعْطِيهِ الإِسْتِغْفَارَ إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ الْغُفْرَانَ، وَلَا يُعْطِيهِ التَّوْبَةَ إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ الْقَبُولَ، وَلَا يُعْطِيهِ الصَّدَقَةَ إِلَّا وَقَدْ أَعَدَّ لَهُ التَّقْبُلَ.

116. Айтиладики:

«Аллоҳ бирор кишига беш нарсани берса, унинг учун бошқа беш нарсани тайёрлаб қўяди:

1. Шукр неъматини берса, унинг учун зиёдаликни тайёрлаб қўяди.
2. Дуо қилиш неъматини берса, унинг учун ижобатни тайёрлаб қўяди.
3. Истиғфор айтиш неъматини берса, унинг учун мағфиратни тайёрлаб қўяди.
4. Тавба қилиш неъматини берса, унинг учун қабулни тайёрлаб қўяди.
5. Садақа қилиш неъматини берса, унинг учун қабул этишни тайёрлаб қўяди».

۱۱۷ - وَعَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الظُّلُمَاتُ خَمْسٌ وَالسُّرُجُ لَهَا خَمْسٌ، حُبُّ الدُّنْيَا ظُلْمَةٌ وَالسِّرَاجُ لَهُ التَّقْوَى، وَالذُّنْبُ ظُلْمَةٌ وَالسِّرَاجُ لَهُ التَّوْبَةُ، وَالقَبْرُ ظُلْمَةٌ وَالسِّرَاجُ لَهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ، وَالْآخِرَةُ ظُلْمَةٌ وَالسِّرَاجُ لَهَا الْعَمَلُ الصَّالِحُ، وَالصِّرَاطُ ظُلْمَةٌ وَالسِّرَاجُ لَهُ الْيَقِينُ.

117. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Зулматлар бешта, унинг чироқлари ҳам бештадир:

1. Дунёни яхши кўриш - зулмат, унинг чироғи - тақво.
2. Гуноҳ - зулмат, унинг чироғи - тавба.
3. Қабр - зулмат, унинг чироғи - “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур росулуллоҳ”.
4. Охират - зулмат, унинг чироғи - солиҳ амал.
5. Сирот – зулмат, унинг чироғи - кучли ишончга қурилган иймон».

۱۱۸ - وَعَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ، (مَوْفُوفًا عَلَيْهِ أَوْ مَرْفُوعًا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ): لَوْلَا إِدْعَاءُ الْغَيْبِ لَشَهِدْتُ عَلَى خَمْسٍ نَفَرٍ أَنَّهُمْ أَهْلُ الْجَنَّةِ، الْفَقِيرُ صَاحِبُ الْعِيَالِ، وَالْمَرْأَةُ الرَّاضِي عَنْهَا زَوْجُهَا، وَالْمُتَّصِدَّةُ بِمَهْرِهَا عَلَى زَوْجِهَا، وَالرَّاضِي عَنْهُ أَبَوَاهُ، وَالتَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ.

118. Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

У киши бу ҳадисни марфуъ ёки мавкуф ҳолатида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан етказадилар:

«Агар ғайбни даъво қилиш бўлмаганида мен беш нафар кишини жаннат аҳли эканига гувоҳлик берар эдим:

1. Бола-чақаси кўп камбағал киши.
2. Эри рози бўлган аёл.
3. Маҳрини эрига садақа қилиб юборган аёл.
4. Отаси рози бўлган киши.
5. Гуноҳдан тавба қилувчи киши».

۱۱۹ - وَعَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: خَمْسٌ هُنَّ عَلَامَةُ الْمُتَّقِينَ، أَوْلَاهَا، أَنْ لَا يُجَالِسَ إِلَّا مَنْ يَصْلَحُ الدِّينَ مَعَهُ وَيَغْلِبَ الْفَرْجَ وَاللِّسَانَ، وَإِذَا أَصَابَهُ شَيْءٌ عَظِيمٌ مِنَ الدُّنْيَا يَرَاهُ وَبَالًا، وَإِذَا أَصَابَهُ شَيْءٌ قَلِيلٌ مِنَ الدِّينِ اغْتَنَمَ ذَلِكَ وَلَا يَمْلَأُ بَطْنَهُ مِنَ الْحَلَالِ خَوْفًا مِنْ أَنْ يُخَالِطَهُ حَرَامٌ وَيَرَى النَّاسَ كُلَّهُمْ قَدْ نَجَوْا وَيَرَى نَفْسَهُ قَدْ هَلَكَتْ.

119. Усмон (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Беш нарса борки, улар тақводорларнинг аломатидир:

1. Дини салоҳиятли бўлган киши билангина ўтиради.
2. Жинсий аъзоси ва тили устидан ғолиб бўлиш.
3. Қачон дунёдан бирор улкан нарса насиб қилса, у нарсани мусибат деб билади. Қачон диндан бироз нарсага эришса, уни ғанимат билади.
4. Ҳаром аралашиб кетишидан хавф қилиб, ҳалолдан ҳам қорини тўйдириб юбормайди.
5. Одамларнинг барчаси нажот топган, яъни тўғри йўлга муваффақ бўлганлар, деб билади. Ўзини эса ҳалок бўлган, яъни нотўғри йўлда, деб билади».

۱۲۰ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ: لَوْلَا خَمْسٌ خِصَالٍ لَصَارَ النَّاسُ كُلُّهُمْ صَالِحِينَ، أَوْلَاهَا الْقَنَاعَةُ بِالْجَهْلِ، وَالْحِرْصُ عَلَى الدُّنْيَا، وَالشُّحُّ بِالْفَضْلِ، وَالرِّيَاءُ فِي الْعَمَلِ، وَالْإِعْجَابُ بِالرَّأْيِ.

120. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Агар беш хислат бўлмаганида одамларнинг барчалари солиҳ бўлишар эди:

1. Жоҳиллигига қаноат ҳосил қилиб, кўниш.
2. Дунёга ўта қизиқиш.
3. Ортиқча нарсага бахил бўлиш.
4. Ишда риёкор бўлиш.
5. Ўз фикрига лол қолиб, манмансираш».

۱۲۱ - وَعَنْ جُمْهُورِ الْعُلَمَاءِ رَحْمَةُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ أَجْمَعِينَ: أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى أَكْرَمَ نَبِيِّهِ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِخَمْسِ كَرَامَاتٍ أَكْرَمَهُ بِالإِسْمِ وَالْجِسْمِ وَالْعَطَاءِ وَالْخَطَاءِ وَالرِّضَاءِ.
 أَمَّا الإِسْمُ فَنَادَاهُ بِالرِّسَالَةِ وَلَمْ يُنَادِهِ بِالإِسْمِ كَمَا نَادَى جَمِيعَ الْأَنْبِيَاءِ مِثْلَ آدَمَ وَنُوحَ وَإِبْرَاهِيمَ وَغَيْرِهِمْ.
 وَأَمَّا الْجِسْمُ، فَإِذَا دَعَا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا فَأَجَابَ هُوَ بِنَفْسِهِ عَنْهُ وَلَمْ يَفْعَلْ ذَلِكَ لِسَائِرِ الْأَنْبِيَاءِ.
 وَأَمَّا الْعَطَاءُ، فَأَعْطَاهُ بِلاَ سُؤَالٍ.
 وَأَمَّا الْخَطَاءُ، فَذَكَرَ الْعَفْوَ قَبْلَ ذَنْبِهِ حَيْثُ قَالَ: {عَفَا اللَّهُ عَنْكَ} (سورة التوبة - ۴۳).
 وَأَمَّا الرِّضَى، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ فِدْيَتَهُ وَلَا صَدَقَتَهُ وَلَا نَفَقَتَهُ كَمَا رَدَّهَا عَلَى سَائِرِ الْأَنْبِيَاءِ.

121. Уламолар жумхуридан ривоят қилинади:

(Аллоҳ уларнинг барчаларини раҳматига олсин.)

«Албатта, Аллоҳ таоло набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни беш каромат билан ҳурматлади: исм, жисм, ато қилинган нарса, хато ва ризодир.

1. Исм – ўз исмлари билан номламай, Рисолат номи билан атади. Ваҳоланки, барча пайғамбарларни ўз номлари билан атаган. Масалан, Одам, Нух, Иброҳим ва бошқалар.

2. Жисм – қачон Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор нарса сўраб дуо қилсалар, У Зотнинг Ўзи жавоб берди. Бошқа набийларга бундай қилмади.

3. Ато – бас, уни сўрамасларидан берди.

4. Хато – гуноҳ қилишларидан олдин авфни зикр қилди. У Ўзининг сўзида: “Аллоҳ Сени авф қилди”, деб айтди.

5. Ризо – бошқа пайғамбарларни рад этгани каби у зотнинг фидялари, садақалари, нафақаларини рад этмади».

۱۲۲ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: خَمْسٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ سَعِدَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، أَوْلَاهَا: أَنْ يَذْكُرَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَقَتًا بَعْدَ وَقْتٍ، وَإِذَا ابْتُلِيَ بِبَلِيَّةٍ، قَالَ: إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، وَإِذَا أُعْطِيَ بِنِعْمَةٍ، قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ شُكْرًا لِلنَّعْمَةِ، وَإِذَا ابْتَدَأَ فِي شَيْءٍ قَالَ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، وَإِذَا أَفْرَطَ مِنْهُ ذَنْبًا، قَالَ: أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ الْعَظِيمَ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ.

122. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Беш нарса борки, кимда ана шу нарса бўлса, дунё ва охиратда бахтли бўлади:

1. “Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур росулуллоҳ” калимасини узлуксиз зикр қилса.

2. Қачон бир балога мубтало бўлса, “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун, вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳил ғалийийил ғазийим”, деб айтса.

(Маъноси: «Биз Аллоҳникимиз ва Унга қайтувчимиз. Буюк ва Олий Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ».)

3. Қачон бир неъмат берилса, неъматга шукр қилган ҳолда “Алҳамду лиллаҳи роббилъаламийн”, яъни “Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деб айтса.

4. Қачон бирор ишни бошласа, “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”, деб айтса.

5. Қачон гуноҳ содир этса, “Астағфируллоҳалъазийим ва атубу илайҳ”, яъни «Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қиламан», деса».

۱۲۳ - وَعَنْ الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ أَنَّهُ قَالَ: مَكْتُوبٌ فِي التَّوْرَةِ خَمْسَةٌ أَحْرُفٍ، أَنَّ الْغُنْيَةَ فِي الْفَنَاءِ وَأَنَّ السَّلَامَةَ فِي الْعَزَلَةِ وَأَنَّ الْحُرْمَةَ فِي رَفْضِ الشَّهَوَاتِ وَأَنَّ التَّمَتُّعَ فِي أَيَّامِ طَوِيلَةٍ وَأَنَّ الصَّبْرَ فِي أَيَّامِ قَلِيلَةٍ.

123. Ҳасан Басрий (роҳимахуллоҳ)дан ривоят қилинади:

Бу киши: “Тавротда беш ҳарф (сўз) ёзилган. Албатта, бойлик – қаноатда; омонлик - одамлардан четда юриб, узлат қилмоқда; ҳурмат - шаҳватларни рад этмоқда; ҳузурланиш - узоқ кунларда; сабр эса - оз кунлардадир”, дедилар.

۱۲۴ - وَعَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اِغْتَنِمْ خَمْسًا قَبْلَ خَمْسٍ، شَبَابَكَ قَبْلَ هَرَمِكَ، وَصِحَّتَكَ قَبْلَ سَقَمِكَ، وَغَنَاكَ قَبْلَ فَقْرِكَ، وَحَيَاتَكَ قَبْلَ مَوْتِكَ، وَفَرَاغَكَ قَبْلَ شُغْلِكَ.

(رواه الحاكم، والبيهقي في شعب الإيمان عن ابن عباس. ابن المبارك، وأحمد معاً في الزهد، وأبو نعيم في الحلية، والبيهقي في شعب الإيمان عن عمرو بن ميمون الأودي مرسلًا).

124. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

«Беш нарсани беш нарсдан олдин ғанимат бил:

1. Ёшлигингни қарликдан олдин.
2. Соғлигингни бемор бўлишдан олдин.
3. Бойлигингни камбағал бўлиб қолишдан олдин.
4. Ҳаётингни ўлимидан олдин.
5. Бўшлигингни машғул бўлиб қолишдан олдин».

۱۲۵ - وَعَنْ يَحْيَى بْنِ مُعَاذِ الرَّازِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ: مَنْ كَثَرَ شَبْعَهُ كَثُرَ لَحْمُهُ، وَمَنْ كَثَرَ لَحْمَهُ كَثُرَتْ شَهْوَتُهُ وَمَنْ كَثُرَتْ شَهْوَتُهُ كَثُرَتْ ذُنُوبُهُ، وَمَنْ كَثُرَتْ ذُنُوبُهُ قَسَى قَلْبُهُ، وَمَنْ قَسَى قَلْبُهُ غَرِقَ فِي آفَاتِ الدُّنْيَا وَزِينَتِهَا.

125. Яхё ибн Муъоз ар-Розий (роҳимахуллоҳ)дан ривоят қилинади:

“Кимнинг тўқ юриши кўпайса, гўшти кўпаяди. Кимнинг гўшти кўпайса, шаҳвати кўпаяди. Кимнинг шаҳвати кўпайса, гуноҳи кўпаяди. Кимнинг гуноҳи кўпайса, қалби тор бўлиб қолади. Кимнинг қалби тор бўлса, дунё ва унинг зийнатлари офатига ғарқ бўлади”.

۱۲۶ - وَعَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ أَنَّهُ قَالَ: اخْتَارَ الْفُقَرَاءُ خَمْسًا، وَاخْتَارَ الْأَغْنِيَاءُ خَمْسًا.

اخْتَارَ الْفُقَرَاءُ رَاحَةَ النَّفْسِ، وَفَرَاغَةَ الْقَلْبِ، وَعُبُودِيَةَ الرَّبِّ، وَخِفَةَ الْحِسَابِ، وَالدَّرَجَةَ الْعُلْيَا.
وَاخْتَارَ الْأَغْنِيَاءُ تَعَبَ النَّفْسِ، وَشُغْلَ الْقَلْبِ، وَعُبُودِيَةَ الدُّنْيَا، وَشِدَّةَ الْحِسَابِ، وَالدَّرَجَةَ السُّفْلَى.

126. Суфёни Саврийдан ривоят қилинади:

Бу киши: “Камбағаллар беш нарсани танлади. Ва бойлар беш нарсани танлади.

Камбағаллар нафс роҳати, қалб фароғати, Роббига убудият (хақиқий бандалик), ҳисоб-китобнинг енгили ва олий даражаларни танлади.

Бойлар нафс чарчоғи, қалб бандлиги, дунё қуллиги, ҳисоб-китоб шиддати ва паст даражани танлади”, дедилар.

١٢٧ - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْطَاكِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ: خَمْسَةٌ هُنَّ مِنْ دَوَاءِ الْقَلْبِ، مُجَالَسَةُ الصَّالِحِينَ، وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ، وَخَلَاءُ الْبَطْنِ، وَقِيَامُ اللَّيْلِ، وَالتَّضَرُّعُ عِنْدَ الصَّبَاحِ.

127. Абдуллоҳ Антокий (роҳимаҳуллоҳ)дан ривоят қилинади:

«Беш нарса борки, улар қалб давосидир:

1. Солиҳ кишилар билан ўтириш.
2. Қуръон қироат қилиш.
3. Қоринни овқатдан холи қилиб, оч юриш.
4. Кечани ибодат билан бедор ўтказиш.
5. Тонг пайтида тазарруъ билан ёлвориб, ибодат қилиш».

١٢٨ - وَعَنْ جُمْهُورِ الْعُلَمَاءِ: أَنَّ الْفِكْرَةَ عَلَى خَمْسَةِ أَوْجُهٍ، فِكْرَةٌ فِي آيَاتِ اللَّهِ يَتَوَلَّدُ مِنْهَا التَّوْحِيدُ وَالْيَقِينُ، وَفِكْرَةٌ فِي آيَاتِ اللَّهِ يَتَوَلَّدُ مِنْهَا الْمَحَبَّةُ، وَفِكْرَةٌ فِي وَعْدِ اللَّهِ تَعَالَى يَتَوَلَّدُ مِنْهَا الرَّغْبَةُ، وَفِكْرَةٌ فِي وَعِيدِ اللَّهِ يَتَوَلَّدُ مِنْهَا الْهَيْبَةُ، وَفِكْرَةٌ فِي تَقْصِيرِ نَفْسِهِ عَنِ الطَّاعَةِ مَعَ إِحْسَانِ اللَّهِ إِلَيْهِ يَتَوَلَّدُ مِنْهَا الْحَيَاءُ.

128. Уламолар жумҳуридан ривоят қилинади:

«Фикр беш кўринишдадир:

1. Аллоҳ мўъжизалари хусусида фикр юритишдан тавҳид ва кучли ишонч туғилади.
2. Аллоҳнинг азамати хусусида фикр юритишдан муҳаббат туғилади.
3. Аллоҳнинг ваъдаси хусусида фикрлашдан рағбат туғилади.
4. Аллоҳнинг ваъийд (азоб)ларидан ҳайбат туғилади.
5. Аллоҳ унга нисбатан қилган яхшиликларга нисбатан ўзини камчиликлари хусусида юритган фикрдан ҳаё туғилади».

١٢٩ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: بَيْنَ يَدَيِ التَّقْوَى خَمْسُ عَقَبَاتٍ، مَنْ جَاوَزَهَا نَالَ التَّقْوَى.
أُولَاهَا: اخْتِيَارُ الشَّدَّةِ عَلَى النِّعْمَةِ، وَثَانِيهَا: اخْتِيَارُ الْجُهْدِ عَلَى الرَّاحَةِ، وَثَالِثُهَا: اخْتِيَارُ الدَّلِّ عَلَى الْعِزِّ، وَرَابِعُهَا: اخْتِيَارُ السُّكُوتِ عَلَى الْفُضُولِ، وَخَامِسُهَا: اخْتِيَارُ الْمَوْتِ عَلَى الْحَيَاةِ.

129. Баъзи ҳақимлардан ривоят қилинади:

«Тақвонинг олдида бешта тўсиқ бордир. Ким ундан ёриб ўтса, тақвога эришади:

1. Неъмат устига қийинчиликни танлаш.
2. Роҳат устига машаққатни танлаш.
3. Азизлик устига хорликни танлаш.
4. Сукутни сергаплик устига танлаш.
5. Ҳаёт устига ўлимни танлаш».

۱۳۰ - قِيلَ: التَّجْوَى يُحَصِّنُ الْأَسْرَارَ، وَالصَّدَقَةُ تُحَصِّنُ الْأَمْوَالَ، وَالْإِخْلَاصُ يُحَصِّنُ الْأَعْمَالَ، وَالصَّدَقُ يُحَصِّنُ الْأَقْوَالَ، وَالْمَشُورَةُ تُحَصِّنُ الْأَرَءَاءَ.

130. Айтиладики:

- «1. Яширин суҳбат сирларни ҳимоялайди.
2. Садақа мол-дунёни ҳимоялайди.
3. Ихлос амалларни ҳимоялайди.
4. Садақа сўзларни ҳимоялайди.
5. Маслаҳат фикрларни ҳимоялайди».

۱۳۱ - قِيلَ: إِنَّ فِي جَمْعِ الْمَالِ خَمْسَةَ أَشْيَاءَ، الْعَنَاءُ فِي جَمْعِهِ، وَالشُّغْلُ عَنِ ذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى بِإِصْلَاحِهِ، وَالْخَوْفُ مِنْ سَالِبِهِ وَسَارِقِهِ، وَاحْتِمَالُ اسْمِ الْبَخِيلِ لِنَفْسِهِ، وَمُفَارَقَةُ الصَّالِحِينَ مِنْ أَجْلِهِ. فِي تَفْرِيقِهِ خَمْسَةُ أَشْيَاءَ: رَاحَةُ النَّفْسِ مِنْ طَلَبِهِ، وَالْفِرَاقُ لِذِكْرِ اللَّهِ مِنْ حِفْظِهِ، وَالْأَمْنُ مِنْ سَالِبِهِ وَسَارِقِهِ، وَاكْتِسَابُ اسْمِ الْكَرِيمِ لِنَفْسِهِ، وَمُصَاحَبَةُ الصَّالِحِينَ لِفِرَاقِهِ.

131. Айтиладики:

«Албатта, мол тўплашда беш нарса бордир:

1. Тўплашдаги машаққат.
2. Молнинг ислоҳи билан Аллоҳнинг зикридан машғул бўлиш.
3. Тортиб олувчи ва ўғрилардан хавф қилиш.
4. Ўзига бахил деган исмни юклаб олиш.
5. У сабабли солиҳлардан ажраб қолиш».

Ундан ажралишда ҳам беш нарса бор:

1. Уни талаб қилишдан ажралишда нафс роҳатланади.
2. Унинг муҳофазаси ўрнига Аллоҳ зикрига машғул бўлиши.
3. Тортиб олувчи ва ўғридан омонда бўлиши.
4. Ўзи учун сахий сифатини юклаб олади.
5. Молдан ажралгани учун солиҳ кишилар билан ҳамсуҳбат бўлади».

۱۳۲ - وَعَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ: لَا يَجْتَمِعُ فِي هَذَا الزَّمَانِ لِأَحَدٍ مَالٌ إِلَّا وَعِنْدَهُ خَمْسُ خِصَالٍ، طُولُ الْأَمَلِ، وَحِرْصٌ غَالِبٌ، وَشُحٌّ شَدِيدٌ، وَقِلَّةُ الْوَرَعِ، وَنَسْيَانُ الْآخِرَةِ.

132. Суфъни Саврийдан ривоят қилинади:

«Ушбу замонда бирор кишида мол-дунё жам бўлмади, агар бўлса ҳам, унда беш хислат бор:

1. Узун орзу.
2. Устун бўлувчи очкўзлик.
3. Қаттиқ бахиллик.
4. Тақвонинг озлиги.
5. Охиратни унутиш».

قَالَ الْقَائِلُ أَشْعَارًا

يَا خَاطِبَ الدُّنْيَا إِلَى نَفْسِهِ	أَنَّ لَهَا فِي كُلِّ يَوْمٍ خَلِيلًا
تَسْتَنْكِحُ البَعْلَ وَقَدْ وَطَّئَتْ	فِي مَوْضِعٍ آخَرَ مِنْهُ بَدِيلًا
مَا أَقْبَلَ الدُّنْيَا لِخُطَابِهَا	لَقَتْلِهِمْ قَبِيلًا قَبِيلًا
إِنِّي لَمُعْتَرٌّ وَأَنَّ البَلَاءَ	يَعْمَلُ فِي جِسْمِي قَلِيلًا قَلِيلًا
تَزَوَّدُوا لِلْمَوْتِ زَادًا فَقَدْ	نَادَى الْمُنَادِي الرَّحِيلَ الرَّحِيلَا

۱۳۳ - وَعَنْ خَاتَمِ الْأَصَمِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، أَنَّهُ قَالَ: الْعَجَلَةُ مِنَ الشَّيْطَانِ إِلَّا فِي خَمْسِ مَوَاضِعَ، فَإِنَّهَا مِنْ سُنَنِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، إِطْعَامُ الصَّيْفِ إِذَا أَنْزَلَ، وَتَجْهِيزُ الْمَيِّتِ إِذَا مَاتَ، وَتَرْوِيحُ الْبَيْتِ إِذَا بَلَغَتْ، وَقَضَاءُ الدَّيْنِ إِذَا وَجِبَ، وَالتَّوْبَةُ مِنَ الذَّنْبِ إِذَا فَرَطَ.

133. Хотам ал-Асомдан ривоят қилинади:

Бу киши: “Шошилиш шайтондандир, фақат беш ўринда ундай эмас. Чунки у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидандир.

1. Қачон меҳмон ташриф буюрса, овқат тортиқ қилиш.
2. Қачон ўлим содир бўлса, майитни (кўмишга) тайёрлаш.
3. Қиз балоғатга етса, турмушга узатиш.
4. Қарздор бўлиб қолинганида уни тўлаш.
5. Қачон гуноҳ содир этилса, гуноҳдан тавба қилиш”, дедилар.

۱۳۴ - وَقَالَ مُحَمَّدُ بْنُ الدَّوْرِيِّ: شَقِيَّ ابْنِ أَبِي حَتْمَةَ أَشْيَاءَ، لَمْ يُقَرَّ بِالذَّنْبِ، وَلَمْ يَنْدَمْ، وَلَمْ يَلْمَ نَفْسَهُ، وَلَمْ يَعْرِمْ عَلَى التَّوْبَةِ، وَقَنْطُ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ.

وَسَعِدَ آدَمُ بِخَمْسَةِ أَشْيَاءَ، أَفْرَأَ بِالذَّنْبِ، وَنَدِمَ عَلَيْهِ، وَلَا مَ نَفْسَهُ، وَأَسْرَعَ فِي التَّوْبَةِ، وَلَمْ يَقْنُطْ مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ.

134. Муҳаммад ибн Дуврийдан ривоят қилинади:

Бу киши: “Иблис беш нарса сабабли бахтсиз бўлди:

1. Гуноҳига иқрор бўлмади.
2. Надомат қилмади.
3. Нафсини маломат қилмади.

4. Тавбага қасд қилмади.

5. Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлди”, дедилар.

۱۳۵ - وَعَنْ شَقِيقِ الْبَلْخِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ أَنَّهُ قَالَ: عَلَيْكُمْ بِخَمْسِ خِصَالٍ فَاعْمَلُوهَا، أَعْبُدُوا اللَّهَ بِقَدْرِ حَاجَتِكُمْ، وَخُذُوا مِنَ الدُّنْيَا بِقَدْرِ عُمْرِكُمْ فِيهَا، وَادْنُبُوا اللَّهَ بِقَدْرِ طَاقَتِكُمْ عَلَى عَذَابِهِ، وَتَزَوَّدُوا فِي الدُّنْيَا بِقَدْرِ مُكْنِكُمْ فِي الْقَبْرِ، وَاعْمَلُوا لِلْجَنَّةِ بِقَدْرِ مَا تُرِيدُونَ فِيهَا الْمَقَامَ.

135. Шақиқ Балхий (роҳимахуллоҳ)дан ривоят қилинади:

Бу киши: «Сизлар ўзингизга беш хислатни лозим тутинглар ва унга амал қилинглар:

1. Аллоҳга ҳожатларингиз миқдорича ибодат қилинглар.
2. Дунёдан умрингиз миқдорича олинглар.
3. Аллоҳга Унинг азобига тоқатингиз етиш миқдорича гуноҳ қилинглар.
4. Қабрда туришингиз миқдорича таъминланиб олинг.
5. Жаннат учун у ердаги мақомни хоҳлаган миқдорингизча амал қилинг», дедилар.

۱۳۶ - وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: رَأَيْتُ جَمِيعَ الْأَخْيَاءِ فَلَمْ أَرَ خَلِيلًا أَفْضَلَ مِنْ حِفْظِ اللِّسَانِ، وَرَأَيْتُ جَمِيعَ اللِّبَاسِ فَلَمْ أَرَ لِبَاسًا أَفْضَلَ مِنَ الْوَرَعِ، وَرَأَيْتُ جَمِيعَ الْمَالِ فَلَمْ أَرَ مَالًا أَفْضَلَ مِنَ الْقَنَاعَةِ، وَرَأَيْتُ جَمِيعَ الْبِرِّ فَلَمْ أَرَ بَرًّا أَفْضَلَ مِنَ النَّصِيحَةِ، وَرَأَيْتُ جَمِيعَ الْأَطْعِمَةِ فَلَمْ أَرَ طَعَامًا أَلَذُّ مِنَ الصَّبْرِ.

136. Умар (р.а.)дан ривоят қилинади:

«1. Барча дўстларни кўрдим, аммо тилни сақлашдан кўра афзал дўстни кўрмадим.

2. Барча либосларни кўрдим, аммо тақводан кўра афзал либосни кўрмадим.

3. Барча мол-дунёни кўрдим, аммо қаноатдан кўра афзал мол-дунёни кўрмадим.

4. Барча яхшиликларни кўрдим, аммо насихатдан кўра афзал яхшиликни кўрмадим.

5. Барча таомларни кўрдим, сабрдан кўра лаззатли таомни кўрмадим».

۱۳۷ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ أَنَّهُ قَالَ: الزُّهْدُ خَمْسُ خِصَالٍ، الثَّقَةُ بِاللَّهِ، وَالتَّبَرُّي عَنِ الْخَلْقِ، وَالْإِخْلَاصُ فِي الْعَمَلِ، وَاحْتِمَالُ الظُّلْمِ، وَالْقَنَاعَةُ بِمَا فِي الْيَدِ.

137. Баъзи ҳақим зотлардан ривоят қилинади:

«Зоҳидлик беш хислатдир:

1. Аллоҳга ишонч.
2. Халойикдан узоқ туриш.
3. Амалдаги ихлос.
4. Зулмга бардош бериш.

5. Қўлидаги нарсага қаноат қилиш».

۱۳۸ - وَعَنْ بَعْضِ الْعَبَادِ، أَنَّهُ قَالَ فِي الْمُنَاجَاتِ: إِلَهِي، طُولُ الْأَمَلِ غَرَّنِي، وَحُبُّ الدُّنْيَا أَهْلَكَنِي، وَالشَّيْطَانُ أَصَلَّنِي، وَالتَّفْسُ الْأَمَارَةُ بِالسُّوءِ عَنِ الْحَقِّ مَنَعَتْنِي، وَقَرِينُ السُّوءِ عَلَى الْمَعْصِيَةِ أَعَانَنِي، فَأَعِثْنِي يَا غِيَاثَ الْمُسْتَغِيثِينَ، فَإِنَّ لَمْ تَرْحَمْنِي فَمَنْ ذَا الَّذِي يَرْحَمُنِي غَيْرُكَ.

138. Баъзи обидлардан ривоят қилинади:

Улар муножотларида: «Илоҳим! Узун орзулар мени алдади. Дунёни яхши кўриш мени ҳалок қилди. Шайтон мени адаштирди. Ёмонликка йўналтирилган нафс мени ҳақдан ман этди. Ёмон ўртоқ гуноҳ қилишга ёрдамлашди. Эй ёрдам берувчиларнинг ёрдам берувчиси! Менга кўмак бер. Агар менга раҳм қилмасанг, Сендан бошқа менга ким ёрдам беради?!» дер эдилар.

۱۳۹ - قِيلَ: سَيَأْتِي عَلَى الْأُمَّةِ زَمَانٌ، يُجِبُونَ الْخَمْسَ وَيَنْسَوْنَ الْخَمْسَ، يُجِبُونَ الدُّنْيَا وَيَنْسَوْنَ الْآخِرَةَ، وَيُجِبُونَ الْحَيَاةَ وَيَنْسَوْنَ الْمَوْتَ، وَيُجِبُونَ الْقُصُورَ وَيَنْسَوْنَ الْقُبُورَ، وَيُجِبُونَ الْمَالَ وَيَنْسَوْنَ الْحِسَابَ، وَيُجِبُونَ الْخُلُقَ وَيَنْسَوْنَ الْخَالِقَ.

139. Айтиладики:

«Умматга шундай бир замон келадики, беш нарсани яхши кўриб, беш нарсани унутадилар:

1. Дунёни яхши кўриб, охиратни унутадилар.
2. Ҳаётни яхши кўриб, ўлимни унутадилар.
3. Қасрларни яхши кўриб, қабрларни унутадилар.
4. Мол-дунёни яхши кўриб, ҳисоб-китобни унутадилар.
5. Халойиқни яхши кўриб, Холиқни унутадилар».

۱۴۰ - وَقَالَ يَحْيَى بْنُ مُعَاذِ الرَّازِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ فِي الْمُنَاجَاةِ: إِلَهِي! لَا يَطِيبُ اللَّيْلُ إِلَّا بِمُنَاجَاتِكَ، وَلَا يَطِيبُ النَّهَارُ إِلَّا بِطَاعَتِكَ، وَلَا تَطِيبُ الدُّنْيَا إِلَّا بِذِكْرِكَ، وَلَا تَطِيبُ الْآخِرَةَ إِلَّا بِعَفْوِكَ، وَلَا تَطِيبُ الْجَنَّةَ إِلَّا بِرُؤْيَيْكَ.

140. Яхё ибн Муъоз ар-Розий (роҳимахуллоҳ) муножотларида:

- «1. Тун Сенга қилинган муножот билан мароқли бўлади.
2. Кундузи Сенга қилинган тоат билан мароқли бўлади.
3. Дунё Сенинг зикринг билан мароқли бўлади.
4. Охират Сенинг авф ва кечиришларинг билан мароқли бўлади.
5. Жаннат Сени кўриш билан мароқли бўлади», дер эдилар.

البَابُ السُّدَّاسِيُّ

١٤١ - قِيلَ: سِتَّةُ أَشْيَاءَ هُنَّ غَرِيبَةٌ فِي سِتَّةِ مَوَاضِعَ، الْمَسْجِدُ غَرِيبٌ فِيمَا بَيْنَ قَوْمٍ لَا يُصَلُّونَ فِيهِ، وَالْمُصْحَفُ غَرِيبٌ فِي مَنْزِلِ قَوْمٍ لَا يَقْرَأُونَ فِيهِ، وَالْقُرْآنُ غَرِيبٌ فِي جَوْفِ الْفَاسِقِ، وَالْمَرْأَةُ الْمُسْلِمَةُ الصَّالِحَةُ غَرِيبَةٌ فِي يَدِ رَجُلٍ ظَالِمٍ سَيِّئِ الْخُلُقِ، وَالرَّجُلُ الْمُسْلِمُ الصَّالِحُ غَرِيبٌ فِي يَدِ امْرَأَةٍ رَدِيَّةٍ سَيِّئَةِ الْخُلُقِ، وَالْعَالَمُ غَرِيبٌ بَيْنَ قَوْمٍ لَا يَسْمَعُونَ إِلَيْهِ، أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ نَظَرَ الرَّحْمَةِ.

ОЛТИЛИК БОБ

141. Айтиладуки:

“Олти нарса олти ўринда ғарибдир.

1. Намоз ўқимайдиган қавм орасидаги масжид ғарибдир.
2. Ўқимайдиган қавм уйидаги Мусхаф ғарибдир.
3. Фосиқ хотирасидаги Куръон ғарибдир.
4. Ёмон хулқли, золим кишининг қўл остидаги солиҳа, муслима аёл ғарибдир.
5. Ёмон хулқли, пасткаш аёл қўлидаги солиҳ мусулмон киши ғарибдир.
6. Сўзи тингламайдиган қавм ичидаги олим ғарибдир. Аллоҳ уларга Қиёмат куни раҳмат назари билан қарамайди”.

١٤٢ - وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سِتَّةٌ لَعْنَتُهُمْ، وَلَعْنَتُهُمْ اللَّهُ تَعَالَى، وَكُلُّ نَبِيٍّ مُجَابٍ الدَّعَوَاتِ، الزَّائِدُ فِي كِتَابِ اللَّهِ تَعَالَى، وَالْمُكَذِّبُ بِقَدْرِ اللَّهِ تَعَالَى، وَالْمُتَسَلِّطُ بِالْجَبْرُوتِ لِبِعْزٍ مَنْ أَدْلَهُ اللَّهُ وَيُذَلُّ مَنْ أَعَزَّهُ اللَّهُ، وَالْمُسْتَجِلُّ لِحَرَامِ اللَّهِ تَعَالَى، وَالْمُسْتَجِلُّ مِنْ عَثْرَتِي مَا حَرَّمَ اللَّهُ، وَتَارِكٌ لِسُنَّتِي، فَإِنَّ اللَّهَ تَعَالَى لَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ نَظَرَ الرَّحْمَةِ.
(هذا حديث صحيح على شرط البخاري ولم يخرجاه. تعليق الذهبي في التلخيص: الحديث منكر بمرّة)

142. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

“Аллоҳ таоло ва ҳар бир дуоси ижобат бўлган пайғамбарлар олти тоифа кишини лаънатладилар:

1. Аллоҳ таолонинг китобига қўшимча киритувчини.
2. Аллоҳ таолонинг қадарини ёлғонга чиқарувчини.
3. Мажбурлаш (зулм) билан султонлик қилувчини, яъни Аллоҳ хор қилганни азизловчи ва Аллоҳ азиз қилганни хорловчини.
4. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол тутувчини.
5. Оилам хусусида Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол сановчини.
6. Суннатимни тарк қилувчини. Албатта, Аллоҳ таоло уларга қиёмат куни раҳмат назари билан қарамайди”.

١٤٣ - قَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ إِبْلِسَ قَائِمٌ أَمَامَكَ، وَالتَّفَسَّ عَنْ يَمِينِكَ، وَالتَّهَوَى عَنْ يَسَارِكَ، وَالدُّنْيَا عَنْ خَلْفِكَ، وَالْأَعْضَاءَ عَنْ حَوْلِكَ، وَالْجَبَّارَ فَوْقَكَ يَعْنِي بِالْقُدْرَةِ لَا بِالْمَكَانِ.
فَإِبْلِسُ لَعَنَهُ اللَّهُ يَدْعُوكَ إِلَى تَرْكِ الدِّينِ، وَالتَّفَسُّ تَدْعُوكَ إِلَى الْمَعْصِيَةِ، وَالتَّهَوَى يَدْعُوكَ إِلَى الشَّهْوَةِ، وَالدُّنْيَا تَدْعُوكَ إِلَى اخْتِيَارِهَا عَلَى الْآخِرَةِ، وَالْأَعْضَاءُ تَدْعُوكَ إِلَى الذُّنُوبِ، وَالْجَبَّارُ يَدْعُوكَ إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ.
قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: (وَاللَّهُ يَدْعُوا إِلَى الْجَنَّةِ وَالْمَغْفِرَةِ) (البقرة-٢٢١)، فَمَنْ أَجَابَ إِبْلِسَ ذَهَبَ عَنْهُ الدِّينُ، وَمَنْ أَجَابَ النَّفْسَ ذَهَبَ عَنْهُ الرُّوحُ، وَمَنْ أَجَابَ الْهَوَى ذَهَبَ عَنْهُ الْعَقْلُ، وَمَنْ أَجَابَ الدُّنْيَا ذَهَبَ عَنْهُ الْآخِرَةُ، وَمَنْ أَجَابَ الْأَعْضَاءَ ذَهَبَتْ عَنْهُ الْجَنَّةُ، وَمَنْ أَجَابَ اللَّهُ تَعَالَى ذَهَبَتْ عَنْهُ السَّيِّئَاتُ، وَنَالَ جَمِيعَ الْخَيْرَاتِ.

143. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху айтдилар:

“Иблис олдингда, нафс ўнг томонингда, ҳавойи нафс чап томонингда, дунё ортингда, аъзолар атрофингда, Жаббор сифатли Зот Аллоҳ устингда (қудрати билан маконда эмас) туради. Бас, Аллоҳ лаънатлаган Иблис динни тарк қилишга чақиради, нафс гуноҳ қилишга чақиради, ҳавойи нафс шаҳватга чақиради, дунё охират ўрнига ўзини танлашга чақиради, аъзолар гуноҳларга чақиради, Жаббор сифатли Зот Аллоҳ жаннатга ва мағфиратга чақиради. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ жаннатга ва мағфиратга чақиради», деб айтади. Ким Иблисга итоат қилса, ундан дин кетади, ким нафсга итоат қилса, ундан руҳоният кетади, ким ҳавойи нафсга итоат қилса, ундан ақл кетади, ким дунёга итоат қилса, ундан охират кетади, ким аъзоларга итоат қилса, ундан жаннат кетади, ким Аллоҳ таолога итоат қилса, ундан ёмонликлар кетади ва барча яхшиликларга эришади”.

١٤٤ - وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ: أَنَّ اللَّهَ تَعَالَى كَتَمَ سِتَّةً فِي سِتِّهِ، كَتَمَ الرِّضَا فِي الطَّاعَةِ، وَكَتَمَ الْعَضَبَ فِي الْمَعْصِيَةِ، وَكَتَمَ اسْمَهُ الْأَعْظَمَ فِي الْقُرْآنِ، وَكَتَمَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي شَهْرِ رَمَضَانَ، وَكَتَمَ الصَّلَاةَ الْوُسْطَى فِي الصَّلَوَاتِ، وَكَتَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الْأَيَّامِ.

144. Умар розияллоху анху айтдилар:

“Аллоҳ таоло олти нарсани олти нарсанинг ичига беркитди:

1. Розилигини итоатга беркитди.
2. Ғазабини осийликка беркитди.
3. Исми аъзамни Қуръонга беркитди.
4. Қадр кечасини Рамазон ойига беркитди.
5. Ўрта (аср) намозини намозлар ичига беркитди.
6. Қиёмат кунини кунлар ичига беркитди”.

١٤٥ - وَقَالَ عُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ الْمُؤْمِنَ فِي سِتَّةِ أَنْوَاعٍ مِنَ الْخَوْفِ، أَحَدُهَا مِنْ قِبَلِ اللَّهِ تَعَالَى أَنْ يَأْخُذَ مِنْهُ الْإِيمَانَ، وَالثَّانِي مِنْ قِبَلِ الْحَفِظَةِ أَنْ يَكْتُبُوا عَلَيْهِ مَا يَفْتَضِحُ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَالثَّلَاثُ مِنْ قِبَلِ الشَّيْطَانِ أَنْ يُبْطِلَ عَمَلَهُ، وَالرَّابِعُ مِنْ قِبَلِ مَلِكِ الْمَوْتِ أَنْ يَأْخُذَهُ فِي غَفْلَةٍ بَعْتَهُ، وَالْخَامِسُ مِنْ قِبَلِ الدُّنْيَا أَنْ يَغْتَرَّ بِهَا وَتَشْغَلَهُ عَنِ الْآخِرَةِ، وَالسَّادِسُ مِنْ قِبَلِ الْأَهْلِ وَالْعِيَالِ أَنْ يَشْتَغِلَ بِهِمْ فَيَشْغَلُونَهُ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى.

145. Усмон розияллоху анху айтдилар:

“Албатта, мўмин киши олти хил хавфда бўлади:

Биринчиси Аллоҳ томонидан бўлиб, ундан иймонни олиб қўйишидан кўрқади.

Иккинчиси фаришталар томонидан бўлиб, Қиёмат куни унинг айбларини ошкора қилиб, шарманда этадиган амалларини ёзишларидан кўрқади.

Учинчиси шайтон томонидан бўлиб, амалини ботил қилишидан кўрқади.

Тўртинчиси ўлим фариштаси томонидан бўлиб, ғафлат пайтида, тўсатдан жонини олишидан кўрқади.

Бешинчиси дунё томонидан бўлиб, унга алданиб, охиратидан машғул қилишидан кўрқади.

Олтинчиси аҳли ва аёли томонидан бўлиб, Аллоҳ таолонинг зикридан машғул қилиб қўйишидан кўрқади”.

١٤٦ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ قَالَ: مَنْ جَمَعَ سِتَّةَ خِصَالٍ لَمْ يَدْعُ لِلْجَنَّةِ مَطْلَبًا وَلَا عَنِ النَّارِ مَهْرَبًا، أَوْلَاهَا عَرَفَ اللَّهُ تَعَالَى فَأَطَاعَهُ، وَعَرَفَ الشَّيْطَانَ فَعَصَاهُ، وَعَرَفَ الْآخِرَةَ فَطَلَبَهَا، وَعَرَفَ الدُّنْيَا فَرَفَضَهَا، وَعَرَفَ الْحَقَّ فَأَتْبَعَهُ، وَعَرَفَ الْبَاطِلَ فَاجْتَنَبَهُ.

146. Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Албатта, у киши:

“Ким олти хислатни жамласа, жаннатдан маҳрум бўлиши ва дўзахга кириб қолиш хавфи бўлмайд:

1. Аллоҳни таниб, Унга итоат қилган.
2. Шайтонни билиб, унга осий бўлган.
3. Охиратни билиб, уни излаган.
4. Дунёни билиб, уни тарк этган.
5. Ҳақни таниб, унга эргашган.
6. Ноҳақни билиб, ундан четлашган”.

١٤٧ - وَقَالَ أَيضًا: النَّعْمُ سِتَّةُ أَشْيَاءَ، الْإِسْلَامُ، وَالْقُرْآنُ، وَمُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ، وَالْعَافِيَةُ، وَالسَّتْرُ، وَالْغِنَى عَنِ النَّاسِ.

147. Яна у зот айтдилар:

“Неъматлар олти нарсадир:

1. Ислому.
2. Қуръон.
3. Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васалламнинг биз учун) пайғамбарликлари.
4. Тинч-тотувлик.
5. Аллоҳ сатр қилиб, банданинг гуноҳларини ошкора қилмаслиги.
6. Инсонлардан беҳожат бўлиш”.

١٤٨ - وَعَنْ يَحْيَى بْنِ مُعَاذٍ الرَّازِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ، الْعِلْمُ دَلِيلُ الْعَمَلِ، وَالْفَهْمُ وَعَاءُ الْعِلْمِ، وَالْعَقْلُ قَائِدٌ لِلْخَيْرِ، وَالْهَوَى مَرْكَبٌ لِلذُّنُوبِ، وَالْمَالُ رِذَاءُ الْمُتَكَبِّرِينَ، وَالذُّنْيَا سُوقُ الْآخِرَةِ.

148. Яхё ибн Муъоз Розий раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади:

“Илм амалнинг далилидир, фаҳм (англаш) илмнинг идишидир, ақл яхшилиққа етакловчидир, ҳавойи нафс гуноҳлар маркабидир, молу-дунё мутакаббирлик ридоси (кийими)дир, бу дунё охираат бозоридир”.

١٤٩ - وَقَالَ بُؤُزْرَجِمَهْرُ: سِتُّ خِصَالٍ تَعْدِلُ جَمِيعَ الدُّنْيَا، الطَّعَامُ الْمَرِيءُ، وَالْوَالِدُ الصَّالِحُ، وَالزَّوْجَةُ الْمُوَافِقَةُ، وَالْكَلَامُ الْمَحْكَمُ، وَكَمَالُ الْعَقْلِ، وَصِحَّةُ الْبَدَنِ.

149. Бузражмеҳр айтдилар:

“Олти хислат бутун дунёга баробар бўлади: лаззатли таом, солиҳ фарзанд, муносиб рафиқа, мустаҳкам сўз, ақлнинг етуқлиги, тананинг соғломлиги”.

١٥٠ - وَعَنْ حَسَنِ الْبَصْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ: لَوْلَا الْإِبْدَالُ لَخَسَفَتِ الْأَرْضُ وَمَا فِيهَا، وَلَوْلَا الصَّالِحُونَ لَهَلَكَ الطَّالِحُونَ، وَلَوْلَا الْعُلَمَاءُ لَصَارَ النَّاسُ كُلُّهُمْ كَالْبَهَائِمِ، وَلَوْلَا السُّلْطَانُ لَأَهْلَكَ بَعْضُهُمْ بَعْضًا، وَلَوْلَا الْحُمَقَاءُ لَخَرَبَتِ الدُّنْيَا، وَلَوْلَا الرِّيحُ لَأَتَتْنِ كُلُّ شَيْءٍ.

150. Ҳасан ал-Басрий роҳимахуллоҳдан ривоят қилинади:

“Абдоллар (Аллоҳнинг танлаган қирқта хос бандалари, чилтанлар) бўлмаганида ер ўз устидаги ҳамма нарсани ютиб юборар эди, солиҳлар бўлмаганида барча ёмонлар ҳалок бўларди, уламолар бўлмаганида инсонларнинг барчаси хайвонга айланар эди, султонлар бўлмаганида инсонлар бир-бирини ҳалок қилар эди, жиззаки одамлар бўлмаганида дунё хароб бўлар эди, шамол бўлмаганида дунёни бадбўй ҳид босиб кетар эди”.

١٥١ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ، أَنَّهُ قَالَ: مَنْ لَمْ يَخْشَ اللَّهَ، لَمْ يَنْجُ مِنَ زَلَّةِ اللِّسَانِ، وَمَنْ لَمْ يَخْشَ قُدُومَهُ عَلَى اللَّهِ، لَمْ يَنْجُ قَلْبُهُ مِنَ الْحَرَامِ وَالشُّبْهَةِ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ آتِسًا عَنِ الْخَلْقِ، لَمْ يَنْجُ مِنَ الطَّمَعِ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ حَافِظًا عَلَى عَمَلِهِ، لَمْ يَنْجُ مِنَ الرِّيَاءِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَعِنَ بِاللَّهِ عَلَى اخْتِرَاسِ قَلْبِهِ، لَمْ يَنْجُ مِنَ الْحَسَدِ، وَمَنْ لَمْ يَنْظُرْ إِلَى مَنْ هُوَ أَفْضَلُ مِنْهُ عِلْمًا وَعَمَلًا، لَمْ يَنْجُ مِنَ الْعُجْبِ.

151. Донишмандларнинг баъзиларидан ривоят қилинади, улар дедилар:

“Ким Аллоҳдан кўрқмаса, тилнинг хатосидан қутула олмайди, ким Аллоҳ ҳузурига боришдан кўрқмаса, унинг қалби ҳаром ва шубҳадан ҳалос бўлмайди, ким халқдан ноумид бўлмаса, таъмагирликдан сақлана олмайди, ким амалини бардавом сақлай олмаса, риёдан холи бўла олмайди, ким қалбини асрашга

Аллоҳдан ёрдам сўрай олмас, ҳасаддан қутула олмайди, ким илмда ва амалда ўзидан афзал бўлган кишига назар солмас, манмансирашдан холи бўла олмайди”.

۱۵۲ – وَعَنْ حَسَنِ الْبَصْرِيِّ، أَنَّهُ قَالَ: إِنَّ فَسَادَ الْقُلُوبِ عَنْ سِتَّةِ أَشْيَاءَ: أَوْلَاهَا يُذْنِبُونَ بَرَجَاءِ التَّوْبَةِ، وَيَتَعَلَّمُونَ الْعِلْمَ وَلَا يَعْمَلُونَ، وَإِذَا عَمِلُوا لَا يُخْلِصُونَ، وَيَأْكُلُونَ رِزْقَ اللَّهِ وَلَا يَشْكُرُونَ، وَلَا يَرْضَوْنَ بِقِسْمَةِ اللَّهِ، وَيَدْفَنُونَ مَوْتَاهُمْ وَلَا يَعْتَبِرُونَ.

152. Ҳасан ал-Басрийдан ривоят қилинади, у зот дедилар:

“Қалбларнинг фасод бўлиши олти нарса сабабидандир: улардан бири тавба умидида гуноҳ қилавериш; илм ўрганиб, унга амал қилмаслик; амал қилганда холис бўлмаслик; Аллоҳнинг ризқини еб, Унга шукр қилмаслик; Аллоҳнинг тақсимотига рози бўлмаслик; ўликларни қабрга қўйиб, ундан ибрат олмаслик”.

۱۵۳ – وَقَالَ أَيضًا: مَنْ أَرَادَ الدُّنْيَا وَاخْتَارَهَا عَلَى الْآخِرَةِ، عَاقِبَهُ اللَّهُ بِسِتِّ عُقُوبَاتٍ، ثَلَاثٌ فِي الدُّنْيَا وَثَلَاثٌ فِي الْآخِرَةِ، أَمَّا الثَّلَاثُ الَّتِي هِيَ فِي الدُّنْيَا: فَأَمَلٌ لَيْسَ لَهُ مُنْتَهَى، وَحِرْصٌ غَالِبٌ لَيْسَ لَهُ قَنَاعَةٌ، وَأَخَذَ مِنْهُ حِلَاوَةَ الْعِبَادَةِ، وَأَمَّا الثَّلَاثُ الَّتِي هِيَ فِي الْآخِرَةِ: فَهَوْلُ يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَالْحِسَابُ الشَّدِيدُ، وَالْحَسْرَةُ الطَّوِيلَةُ.

153. Яна зот айтдилар:

“Ким бу дунёни охиратдан устун қўйса, Аллоҳ уни олти азоб билан азоблайди, учтасини бу дунёда, учтасини қиёматда кўради.

Дунёда бўлган учтаси: чексиз орзуда бўлиб қолиш; қаноатсиз, ўта хирсли бўлиш; ибодатнинг ҳаловати ундан олиб қўйилиши.

Охиратда бўлган учтаси: қиёмат кунининг даҳшати; қаттиқ ҳисоб-китоб; узун ҳасрат”.

۱۵۴ – وَقَالَ أَحْنَفُ بْنُ قَيْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: لَا رَاحَةَ لِلْحَسُودِ، وَلَا مُرُوءَةَ لِلْكَذُوبِ، وَلَا حِيلَةَ لِلْبَخِيلِ، وَلَا وَفَاءَ لِلْمُلُوكِ، وَلَا سُودَدَ لِسِيءِ الْخُلُقِ، وَلَا رَادًّا لِقَضَاءِ اللَّهِ.

154. Аҳнаф ибн Қайс (р.а.) дедилар:

“Ҳасадгўйга роҳат йўқдир, ёлғончининг одамгарчилиги йўқдир, бахилга ҳийла қилиб бўлмайди, шоҳнинг вафоси бўлмайди, хулқи ёмон кишига саодат йўқдир, Аллоҳнинг қадарини қайтарувчи йўқдир”.

۱۵۵ – وَسُئِلَ عَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ، هَلْ يَعْرِفُ الْعَبْدُ إِذَا تَابَ أَنْ تَوْبَتَهُ قَبِلَتْ أَمْ رُدَّتْ، قَالَ: لَا أَحْكُمُ فِي ذَلِكَ، وَلَكِنَّ لِدَلِكْ عِلْمَاتٌ، إِحْدَاهَا، أَنْ يَرَى نَفْسَهُ غَيْرَ مَعْصُومَةٍ مِنَ الْمَعْصِيَةِ وَيَرَى فِي قَلْبِهِ الْفَرَحَ غَائِبًا، وَالْحُزْنَ شَاهِدًا، وَيَقْرُبَ أَهْلَ الْخَيْرِ وَيُبَاعِدُ أَهْلَ الشَّرِّ، وَيَرَى الْقَلِيلَ مِنَ الدُّنْيَا كَثِيرًا وَيَرَى الْكَثِيرَ مِنَ عَمَلِ الْآخِرَةِ قَلِيلًا، وَيَرَى قَلْبَهُ مُشْتَغَلًا بِمَا ضَمِنَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى فَارِغًا عَمَّا ضَمِنَ اللَّهُ تَعَالَى مِنْهُ، وَيَكُونُ حَافِظَ اللِّسَانِ، دَائِمَ الْفِكْرَةَ، لِأَرَمِ الْعَمِّ وَالنَّدَامَةِ.

155. Бир донишманддан:

«Банда тавба қилса, унинг тавбаси қабул бўлган ёки бўлмаганини билладими?» деб сўралганида, у: “Бу ишда ҳукм қилмайман, лекин унинг аломатлари бор. Улардан бири - ўзни гуноҳдан холи ва сақланмаган, деб билиш, қалбидаги хурсандчилигини яшириб, маҳзунликни ошкор тутиш, яхшиларга яқинлашиб, ёмонлардан узоқлашиш, дунёнинг озини ҳам кўп деб ва охират амалининг кўпини ҳам оз, деб билиш, Аллоҳ кафил бўлган нарсалар билан машғул бўлиш ва Аллоҳ кафил бўлган нарсалардан қалбини фориғ тутиш, тилини сақлаш, домий фикр ҳамда ғам ва надоматда бўлиш”, деб жавоб берди.

١٥٦ - وَقَالَ يَحْيَى بْنُ مُعَاذٍ رَحِمَهُ اللَّهُ: مِنْ أَعْظَمِ الْإِعْتِرَارِ عِنْدِي، التَّمَادِي فِي الذُّنُوبِ عَلَى رَجَاءِ الْعَفْوِ مِنْ غَيْرِ نَدَامَةٍ، وَتَوَقُّعِ الْقُرْبِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى بِغَيْرِ طَاعَةٍ، وَانْتِظَارِ زَرْعِ الْجَنَّةِ بِبَدْرِ النَّارِ، وَطَلْبِ دَارِ الْمُطِيعِينَ بِالْمَعَاصِي، وَانْتِظَارِ الْجَزَاءِ بِغَيْرِ عَمَلٍ، وَالتَّمَنِّي عَلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ مَعَ الْإِفْرَاطِ.

156. Яҳё ибн Муъоз роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

“Менинг наздимда энг қаттиқ алданишлар булар: надомат қилмай, авф умидида гуноҳ қилмоқ, тоатсиз Аллоҳ таолога яқинлашишни умид қилмоқ, дўзах уруғи билан жаннат мевасини кутмоқ, гуноҳлари туриб итоаткорларнинг диёри бўлмиш жаннатни талаб этмоқ, амалсиз ажр-мукофот кутмоқ, сустлик билан Аллоҳдан умид қилмоқ”.

شعر

يَرْجُو النَّجَاةَ وَلَمْ يَسْأَلْكَ مَسْأَلَكَهَا * إِنَّ السَّفِينَةَ لَا تَجْرِي عَلَى الْيَبْسِ

Шеър

Нажот умид қилур баъзи бир инсон,
Лекин ҳақ йўлидан юрмас бирор он.
Кема қуруқ ерда суза олмас-ку,
Нега шундан ибрат олмас ҳеч қачон?

١٥٧ - وَقَالَ أَحْنَفُ بْنُ قَيْسٍ حِينَ سُئِلَ: مَا خَيْرُ يُعْطَى الْعَبْدُ؟ قَالَ: عَقْلٌ غَرِيْبٌ، قِيلَ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ؟ قَالَ: أَدَبٌ صَالِحٌ، قِيلَ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ؟ قَالَ: صَاحِبٌ مُوَافِقٌ، قِيلَ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ؟ قَالَ: قَلْبٌ مُرَابِطٌ، قِيلَ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ؟ قَالَ: طَوْلُ الصَّمْتِ، قِيلَ: فَإِنْ لَمْ يَكُنْ؟ قَالَ: مَوْتُ حَاضِرٌ.

157. Аҳнаф ибн Қайсдан:

«Банда учун бериладиган неъматларнинг энг яхшиси нима?» деб сўрашганида, у зот шундай жавоб бердилар:

- Туғма ақл.

- Агар у бўлмаса-чи?
- Яхши одоб.
- Агар у бўлмаса-чи?
- Муносиб дўст.
- Агар у бўлмаса-чи?
- Аллоҳга боғланган дил.
- Агар у бўлмаса-чи?
- Узоқ сукут (сақлаш).
- Агар у бўлмаса-чи?
- Нақд бўлган ўлим.

باب السباعي

۱۵۸ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَبْعَةٌ نَفَرٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تَحْتَ ظِلِّ عَرْشِهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ، أَوْلَاهُمْ: إِمَامٌ عَادِلٌ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ اللَّهِ تَعَالَى، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللَّهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ دَمْعًا مِنْ خَشْيَةِ اللَّهِ تَعَالَى، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُتَعَلِّقٌ بِالْمَسْجِدِ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَيْهِ، وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَلَمْ تَعْلَمْ شِمَالَهُ بِمَا صَنَعَتْ يَمِينُهُ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللَّهِ، وَرَجُلٌ دَعَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ جَمَالٍ إِلَى نَفْسِهَا، فَأَبَى، وَقَالَ: إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ تَعَالَى.

ЕТТИЛИК БОБИ

158. Абу Хурайра розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан шундай ривоят қиладилар:

«Етти нафар кишини Аллоҳ таоло Қиёмат куни, Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ куни, Аршнинг соясида соялантиради:

1. Одил бошлиқни;
2. Аллоҳнинг ибодати билан ўсган йигитни;
3. Ёлғиз ҳолида Аллоҳдан кўрқиб кўз ёш тўккан кишини;
4. Қалби доим масжид билан боғланган кишини;
5. Ўнг қўли қилган садақани чап қўли билмаган (яъни, махфий садақа қилган) кишини;
6. Аллоҳ йўлида дўстлашган икки кишини;
7. Чиройли аёл фаҳшга чорлаганида «Аллоҳ таолодан кўрқаман», деб ундан бош тортган кишини».

۱۵۹ - وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ: الْبَحِيلُ لَا يَخْلُو مِنْ إِحْدَى السَّبْعِ، إِمَّا أَنْ يَمُوتَ فَيْرِثُهُ، مَنْ يَبْدُلُ مَالَهُ وَيُنْفِقُهُ لغير ما أمر الله تعالى أو يُسَلِّطُ اللَّهُ عَلَيْهِ سُلْطَانًا جَائِرًا فَيَأْخُذُهُ مِنْهُ بَعْدَ تَذَلُّلِ نَفْسِهِ أَوْ يَهِيحَ لَهُ شَهْوَةٌ يُفْسِدُ عَلَيْهِ مَالَهُ أَوْ يَبْدُو لَهُ رَأْيٌ فِي بِنَاءٍ أَوْ عِمَارَةٍ فِي أَرْضٍ خَرَابٍ فَيَذْهَبُ فِيهِ مَالُهُ لَوْ يُصِيبُ لَهُ نَكْبَةٌ مِنَ النَّكَبَاتِ الدُّنْيَا مِنْ غَرَقٍ أَوْ حَرَقٍ أَوْ سَرِقَةٍ وَمَا أَشْبَهَ ذَلِكَ أَوْ يُصِيبُهُ عِلَّةٌ دَائِمَةٌ فَيُنْفِقُ مَالَهُ فِي مُدَاوَاتِهَا أَوْ يَدْفَنُهُ فِي مَوْضِعٍ مِنَ الْمَوَاضِعِ فَيَنْسَاهُ فَلَا يَعِدُّهُ.

159. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху айтдилар:

«Бахил етти нарсанинг биридан холи эмас:

1. Вафотидан сўнг Аллоҳ буюрмаган нарсаларга сарф этувчи киши молу дунёсига меросхўр бўлади.
2. Ёки Аллоҳ таолонинг амри билан унинг ўзини хўрлаб, моли тортиб олинади ё мусодара қилинади.
3. Ёки шаҳвати сабабли зое кетадиган жойларга молини сарф қилади.
4. Ёки хароб ерга иморат солиш фикри туғилиб, шу орқали молини совуради.
5. Ёки молининг чўкиб кетиши, ёниши, ўғирланиши каби кулфатлардан бири етади.
6. Ёки сурункали касалликка чалиниб, уни даволашга молларини сарф қилади.
7. Ёки мол-дунёсини бирор жойга ўзи яшириб, сўнг уни топа олмайди».

۱۶۰ - قَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ كَثَرَ ضِحْكَهُ قَلَّتْ هَيْبَتُهُ، وَمَنْ اسْتَخَفَّ بِالنَّاسِ اسْتُخِفَّ بِهِ، وَمَنْ أَكْثَرَ فِي شَيْءٍ عُرِفَ بِهِ، وَمَنْ كَثَرَ كَلَامَهُ كَثَرَ سَقَطُهُ، وَمَنْ كَثَرَ سَقَطَهُ قَلَّ حَيَاؤُهُ، وَمَنْ قَلَّ حَيَاؤُهُ قَلَّ وَرَعُهُ، وَمَنْ قَلَّ وَرَعُهُ مَاتَ قَلْبُهُ.

160. Умар розияллоху анху айтадилар:

1. Кимнинг кулгуси кўпайса, ҳайбати озяди.
2. Ким инсонларни камситса, ўзи ҳам камситилади.
3. Ким бирор нарсага кўп машғул бўлса шу касби билан танилади.
4. Кимнинг сўзи кўп бўлса тойилиши кўпаяди.
5. Тойилиши кўпайган кишининг ҳаёси озяди.
6. Ҳаёси озайган кишининг тақвоси озяди.
7. Тақвоси озайган кишининг қалби ўлади».

۱۶۱ - وَعَنْ عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ قَالَ فِي قَوْلِهِ تَعَالَى: {وَكَانَ تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَا صَالِحًا} (الكهف-۸۲) قَالَ: الْكَنْزُ لَوْحٌ مِنْ ذَهَبٍ وَعَلَيْهِ سَبْعَةُ أَسْطُرٍ، مَكْتُوبٌ فِي إِحْدَاهَا، عَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ الْمَوْتَ وَهُوَ يَضْحَكُ، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ الدُّنْيَا فَانِيَةً وَهُوَ يَرْتَعِبُ فِيهَا، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ أَنَّ الْأُمُورَ بِأَقْدَارٍ وَهُوَ يَعْتَمُّ لِلْفَوَاتِ، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ الْحِسَابَ وَهُوَ يَجْمَعُ مَالًا، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ النَّارَ وَهُوَ يُذْنِبُ، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ اللَّهَ يَقِينًا وَهُوَ يَذْكُرُ غَيْرَهُ، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ الْجَنَّةَ يَقِينًا وَهُوَ يَسْتَرِيحُ بِالدُّنْيَا، وَعَجِبْتُ لِمَنْ عَرَفَ الشَّيْطَانَ عَدُوًّا فَأَطَاعَهُ.

161. Усмон розияллоху анху Аллоҳ таолонинг:

«Унинг остида икковларининг хазинаси бор эди. Уларнинг оталари солиҳ одам эди», (Каҳф-82) деган каломи ҳақида шундай деганлар.

«Ояти каримадаги «канз» (яъни, кон) олтиндан ясалган тахт бўлиб, унга қуйидаги етти сатр битилган:

1. Ўлимнинг ҳақлигини билиб ҳам кулган одамга ажабландим.

2. Дунёнинг йўқ бўлиб кетишини билиб ҳам унга рағбат қўйган кишига ажабландим.
3. Ҳамма ишлар қадарга боғлиқлигини билиб ҳам ўтган ишларга ғам чеккан кишига ажабландим.
4. Охиратда ҳисоб-китоб бўлишини билиб туриб мол тўплаган кишига ажабландим.
5. Дўзахни била туриб гуноҳ қилган кишига ажабландим.
6. Аллоҳ таолонинг ҳақлигини кучли ишонч ила била туриб Аллоҳдан бошқа кишиларни зикр қилган кишига ажабландим.
7. Жаннатни кучли ишонч ила била туриб дунёдан роҳатланган ҳамда шайтоннинг душманлигини билиб ҳам унта итоат қилган кишига ажабландим».

١٦٢ - وَسئِلَ عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا أَثْقَلُ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا أَوْسَعُ مِنَ الْأَرْضِ وَمَا أَغْنَى مِنَ الْبَحْرِ وَمَا أَشَدُّ مِنَ الْحَجَرِ وَمَا أَحْرُّ مِنَ النَّارِ وَمَا أَبْرَدُ مِنَ الزَّمْهَرِيرِ وَمَا أَمْرٌ مِنَ السَّمِّ؟ فَقَالَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْبُهْتَانُ عَلَى الْبَرَايَا أَثْقَلُ مِنَ السَّمَاءِ، وَالْحَقُّ أَوْسَعُ مِنَ الْأَرْضِ، وَقَلْبُ الْفَانِعِ أَغْنَى مِنَ الْبَحْرِ، وَقَلْبُ الْمُنَافِقِ أَشَدُّ مِنَ الْحَجَرِ، وَالسُّلْطَانُ الْجَائِرُ أَحْرُّ مِنَ النَّارِ، وَالْحَاجَةُ إِلَى اللَّئِيمِ أَبْرَدُ مِنَ الزَّمْهَرِيرِ، وَالصَّبْرُ أَمْرٌ مِنَ السَّمِّ، وَقِيلَ التَّمِيمَةُ أَمْرٌ مِنَ السَّمِّ.

161. Али розияллоху анхудан:

“Осмондан оғирроқ нарса, ердан кенгроқ нарса, денгиздан бойроқ нарса, тошдан қаттиқроқ нарса, оловдан иссиқроқ нарса, муздан совуқроқ нарса, заҳардан аччиқроқ нарса нима?” Деб сўралганида, у киши:

1. “Беғуноҳ кишиларга бўхтон қилиш осмондан оғирроқдир.
2. Ҳақиқат ердан кенгроқдир.
3. Қаноатли кишининг қалби денгиздан бойроқдир.
4. Мунофиқнинг қалби тошдан қаттиқроқдир.
5. Золим подшоҳ оловдан иссиқроқдир.
6. Пасткашга муҳтож бўлмоқ муздан совуқроқдир.
7. Сабр (ёки чақимчилик) заҳардан аччиқроқдир”, дедилар.

١٦٣ - وَقَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: الدُّنْيَا دَارٌ مِّنْ لَا دَارَ لَهُ، وَمَالٌ مِّنْ لَا مَالَ لَهُ، وَلَهَا يَجْمَعُ مَن لَّا عَقْلَ لَهُ، وَيَشْتَعِلُ بِشَهْوَتِهَا مَن لَّا فَهْمَ لَهُ، وَعَلَيْهَا يُعَاقَبُ مَن لَّا عِلْمَ لَهُ، وَلَهَا يَحْسُدُ مَن لَّا لَبَّ لَهُ، وَلَهَا يَسْعَى مَن لَّا يَقِينَ لَهُ.

(حدیث الدنیا دار من لا دار له الحدیث أخرجه أحمد من حدیث عائشة مقتصرًا على هذا وعلى قوله ولها يجمع من لا عقل له دون بقية وزاد ابن أبي الدنيا والبيهقي في الشعب من طريقه ومال من لا مال له وإسناده جيد).

163. Набий алайҳиссалом:

- “1. Дунё - ҳовлиси йўқ одам учун ҳовлидир.
2. Дунё - моли йўқ киши учун молдир.
3. Ақли йўқ киши дунё тўплайди.
4. Фаҳми йўқ киши дунё шаҳватлари билан машғул бўлади.
5. Илми йўқ киши дунё учун азобланади.

6. Фикри йўқ киши дунё учун ҳасад қилади.

7. Дунё ҳақида маърифати йўқ киши дунё учун ҳаракат қилади”, дедилар.

۱۶۴ - وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: مَا زَالَ يُوصِيَنِي جِبْرِيلُ

عَلَيْهِ السَّلَامُ بِالْجَارِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ يَجْعَلُهُ وَاثِقًا، (أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ)

وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِالنِّسَاءِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ سَيَحْرُمُ طَلَاقَهَا، وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِالْمَمْلُوكِينَ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ يَجْعَلُ لَهُمْ وَقْتًا يُعْتَقُونَ فِيهِ، وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِالسَّوَالِكِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ فَرِيضَةٌ، وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِالصَّلَاةِ فِي الْجَمَاعَةِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ لَا يَقْبَلُ اللَّهُ تَعَالَى صَلَاةً إِلَّا فِي الْجَمَاعَةِ، وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِقِيَامِ اللَّيْلِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ لَا نَوْمَ بِاللَّيْلِ، وَمَا زَالَ يُوصِيَنِي بِذِكْرِ اللَّهِ حَتَّى ظَنَنْتُ أَنَّهُ لَا يَنْفَعُ قَوْلٌ إِلَّا بِهِ.

(أَخْرَجَهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالدَّيْلَمِيُّ وَأَبُو أَحْمَدَ بْنُ مَنِيعٍ بِسَنَدٍ ضَعِيفٍ، لِحَيْوَالَةِ بَعْضِ رَوَاتِهِ).

164. Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансори (р.а.)дан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«1. Жаброил алайҳиссалом кўшни тўғрисида шунчалик кўп васият қилдиларки, ҳатто кўшни меросхўр қилинармикин, деб гумон қилдим.

2. Хотинлар тўғрисида шунчалик кўп васият қилдиларки, ҳатто уларни талоқ этиш ҳаром бўлармикин, деб гумон қилдим.

3. Қуллар ҳақида шунчалик кўп васият қилдиларки, ҳатто уларни озод қилиш учун вақт белгиланармикин, деб гумон қилдим.

4. Мисвок тўғрисида кўп васият қилганликларидан ҳатто у фарз бўлармикин, деб гумон қилдим.

5. Жамоат билан намоз ўқиш тўғрисида шунчалик кўп васият қилганликларидан ҳатто Аллоҳ жамоатсиз намозни қабул этмасмикин, деб гумон қилдим.

6. Кечаси туриб намоз ўқиш ҳақида шунчалик кўп васият қилдиларки, ҳатто кечаси ухланмасмикин, деб гумон қилдим.

7. Аллоҳни зикр этишлик ҳақида шунчалик кўп васият қилдиларки, ҳатто Аллоҳнинг зикрисиз барча сўз бефойдамикин, деб гумон қилдим», дедилар.

۱۶۵ - عَنْ عَلِيٍّ قَالَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَبْعَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ، يُقَالُ لَهُمْ:

أَدْخُلُوا النَّارَ مَعَ الدَّاخِلِينَ، إِلَّا أَنْ تَتُوبُوا، إِلَّا أَنْ تَتُوبُوا، إِلَّا أَنْ تَتُوبُوا، إِلَّا أَنْ تَتُوبُوا: الْفَاعِلُ، وَالْمَفْعُولُ بِهِ، وَالتَّائِكُ بِدَعْوِهِ، وَالتَّائِكُ حَلِيلَةَ جَارِهِ، وَالْكَذَّابُ الْأَشْرُّ، وَمَعْسَرُ الْمَعْسَرِ، وَالضَّارِبُ وَالِدِيهِ حَتَّى يَسْتَعْيِثًا.

(ابن جرير وقال: لا يعرف عن رسول الله - صلى الله عليه وسلم - إلا رواية على ولا يعرف له مخرج عن على إلا من هذا الوجه غير أن معانيه معاني قد وردت عن رسول الله

- صلى الله عليه وسلم - مما أحجار بالفاظ خلاف هذه الألفاظ [مكتب العمال 4: 437].

165. Али (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Етти тоифа киши борки, Аллоҳ уларга Қиёмат куни гапирмайди ва қарамайди ҳам. Уларга, дўзахга кирувчилар билан киринглар, дейилади. Лекин тавба қилсалар, тавба қилсалар, тавба қилсалар ундай эмасдир. Эркакни эркак билан жинсий алоқа қилувчиси ҳам

қилдирувчиси ҳам. Сунъий равишда манийсини қўли билан тушириш. Қўшнисининг хотини билан жинсий алоқада бўлиш. Кеккайган ёлғончи. Қийналганга қийинлик туғдирувчи. Ота-онасини ёрдам сўрайдиган даражада уриш», дедилар.

١٦٦ - وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الشُّهَدَاءُ سَبْعَةٌ سِوَى الْمَقْتُولِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، أَوْلَاهُمْ الْمَطُونُ شَهِيدٌ، وَالغَرِيقُ شَهِيدٌ، وَصَاحِبُ ذَاتِ الْجَنْبِ شَهِيدٌ، وَالْمَطْعُونُ شَهِيدٌ، وَالْحَرِيقُ شَهِيدٌ، وَالْمَيْتُ تَحْتَ الْهَدْمِ شَهِيدٌ، وَالْمَرْأَةُ الَّتِي مَاتَتْ عَنِ الْوِلَادَةِ شَهِيدٌ.

(رواه البيهقي في شعب الإيمان)

166. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ йўлида ўлдирилгандан ташқари яна етти шаҳидлар бордир. Уларнинг аввали:

1. Қорни оғриб ўлган киши;
2. Чўкиб ўлган киши;
3. Зотилжам касали билан ўлган киши;
4. Вабо билан ўлган киши
5. Ёниб ўлган киши;
6. Бузилган уй остида қолиб ўлган киши;
7. Кўзи ёраётганда ўлган аёл», дедилар.

١٦٧ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: حَقٌّ عَلَى الْعَاقِلِ أَنْ يَخْتَارَ سَبْعًا عَلَى سَبْعٍ، الْفَقْرَ عَلَى الْغِنَى، وَالذُّلَّ عَلَى الْعِزِّ، وَالتَّوَاضُّعَ عَلَى الْكِبَرِ، وَالْجُوعَ عَلَى الشَّبَعِ، وَالْعَمَّ عَلَى السُّرُورِ، وَالذُّونَ عَلَى الْمُرتَفِعِ، وَالْمَوْتَ عَلَى الْحَيَاةِ.

167. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Оқил киши учун етти нарсани етти нарса устига ихтиёр этмоқлик (афзал кўрмоғи) ҳақиқийроқдир:

1. Камбағалликни бойликнинг устига;
2. Хорликни азизликнинг устига;
3. Камтарликни мутакаббирлик устига;
4. Очликни тўқликнинг устига;
5. Ғамни хурсандчиликнинг устига;
6. Паст мартабани юқори мартаба устига;
7. Ўлимни ҳаётнинг устига».

بَابُ الثَّمَانِي

١٦٨ - قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: ثَمَانِيَةَ أَشْيَاءَ لَا تَشْبَعُ مِنْ ثَمَانِيَةِ الْعَيْنِ مِنَ النَّظَرِ، وَالْأَرْضُ مِنَ الْمَطَرِ، وَالْأَنْتَى مِنَ الذَّكْرِ، وَالْعَالِمُ مِنَ الْعِلْمِ، وَالسَّائِلُ مِنَ الْمَسْئَلَةِ، وَالْحَرِيصُ مِنَ الْجَمْعِ، وَالْبَحْرُ مِنَ الْمَاءِ، وَالنَّارُ مِنَ الْحَطَبِ.

(عن أبي هريرة قال قال النبي: أربع لا يشبعن من أربع أرض من مطر ولا أنتى من ذكر ولا العين من النظر ولا العالم من العلم. رواه العقبلي ورواه ابن الجوزي في الموضوعات)

САККИЗЛИК БОБ

168. Набий алайҳиссалом:

«Саккиз нарса саккизта нарсадан тўймайди:

1. Кўз қарашдан тўймайди.
2. Ер ёмғирдан тўймайди.
3. Аёл эркак кишидан тўймайди.
4. Олим илмдан тўймайди.
5. Сўровчи сўрашлиқдан тўймайди.
6. Очкўз киши мол тўплашдан тўймайди.
7. Денгиз сувдан тўймайди.
8. Олов ўтиндан тўймайди».

۱۶۹ - وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ثَمَانِيَةَ أَشْيَاءَ هُنَّ زِينَةٌ لِثَمَانِيَةِ أَشْيَاءَ، الْعَفَافُ زِينَةُ الْفَقْرِ، وَالشُّكْرُ زِينَةُ النَّعْمَةِ، وَالصَّبْرُ زِينَةُ الْبَلَاءِ، وَالْحِلْمُ زِينَةُ الْعِلْمِ، وَالتَّذَلُّلُ زِينَةُ الْمُتَعَلِّمِ، وَكَثْرَةُ الْبُكَاءِ زِينَةُ الْخَوْفِ، وَتَرْكُ الْمِنَّةِ زِينَةُ الْإِحْسَانِ، وَالْحَشْوَعُ زِينَةُ الصَّلَاةِ.

169. Абу Бакр Сиддик розияллоху анху:

«Саккиз нарса яна саккиз нарса учун зийнатлангандир:

1. Ифбатли бўлиш - камбағалликнинг зийнати;
2. Шукр қилиш - неъматнинг зийнати;
3. Сабр қилиш - балонинг зийнати;
4. Ҳалимлик - илмнинг зийнати;
5. Ўзини паст тутиш - шогирднинг зийнати;
6. Кўп йиғлаш - Аллоҳдан кўрқишнинг зийнати;
7. Миннат қилмаслик - эҳсоннинг зийнати;
8. Хушуъ билан ўқиш - намознинг зийнати», дедилар.

۱۷۰ - وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ تَرَكَ فُضُولَ الْكَلَامِ مُنِحَ الْحِكْمَةَ، وَمَنْ تَرَكَ فُضُولَ النَّظَرِ مُنِحَ حُشْوَعَ الْقَلْبِ، وَمَنْ تَرَكَ فُضُولَ الطَّعَامِ مُنِحَ لَذَّةَ الْعِبَادَةِ، وَمَنْ تَرَكَ فُضُولَ الضَّحْكِ مُنِحَ الْهَيْبَةَ، وَمَنْ تَرَكَ الْمَزَاحَ مُنِحَ الْبَهَاءَ، وَمَنْ تَرَكَ حُبَّ الدُّنْيَا مُنِحَ حُبَّ الْآخِرَةِ، وَمَنْ تَرَكَ الْإِشْتِغَالَ بِغُيُوبِ غَيْرِهِ مُنِحَ الْإِصْلَاحَ بِغُيُوبِ نَفْسِهِ وَمَنْ تَرَكَ التَّجَسُّسَ فِي كَيْفِيَةِ اللَّهِ تَعَالَى مُنِحَ الْبِرَاءَةَ مِنَ التَّفَاقُ.

170. Умар розияллоху анху айтдилар:

- «1. Ким ортиқча сўзларни тарк этса, унга ҳикмат берилади.
2. Ким ортиқча қарашни тарк этса, унга қалб хушуъси берилади.
3. Ким ортиқча таомни тарк этса, унга ибодат лаззати берилади.
4. Ким ортиқча кулишни тарк этса, унга хайбат берилади.
5. Ким мазахни тарк қилса, унга кўркамлик берилади.

6. Ким дунё муҳаббатини тарк қилса, унга охират муҳаббати берилади.
 7. Ким бошқалар айби билан машғул бўлишни тарк этса, унга ўз айбини ислоҳ қилиш берилади.
 8. Ким Аллоҳнинг кайфиятини излашни тарк этса, унга мунофиқликдан сақланиш берилади».

۱۷۱ – وَعَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: عَلَامَاتُ الْعَارِفِينَ ثَمَانِيَةَ أَشْيَاءَ، قَلْبُهُ مَعَ الْخَوْفِ وَالرَّجَاءِ، وَلِسَانُهُ مَعَ الْحَمْدِ وَالشَّنَاءِ، وَعَيْنَاهُ مَعَ الْحَيَاءِ وَالْبُكَاءِ، وَإِرَادَتُهُ مَعَ التَّرْكِ وَالرِّضَاءِ يَعْنِي تَرَكَ الدُّنْيَا وَطَلَبَ رِضَاءَ مَوْلَاهُ.

171. Усмон розияллоҳу анху:

«Орифнинг аломати саккиз нарсада кўринади:

1. Қалби доимо умид ва қўрқинчда бўлади.
2. Тили ҳамд ва сано ила бўлади.
3. Икки кўзи ҳаё ва йиғи билан бўлади.
4. Иродаси тарки дунё ва Аллоҳ ризолиги талабида бўлади», дедилар.

۱۷۲ – وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: لَا خَيْرَ فِي صَلَاةٍ لَا خُشُوعَ فِيهَا، وَلَا خَيْرَ فِي صَوْمٍ لَا امْتِنَاعَ فِيهِ عَنِ اللَّغْوِ، وَلَا خَيْرَ فِي قِرَاءَةٍ لَا تَدَبُّرَ فِيهَا، وَلَا خَيْرَ فِي عِلْمٍ لَا وَرَعَ فِيهِ، وَلَا خَيْرَ فِي مَالٍ لَا سَخَاوَةَ فِيهِ، وَلَا خَيْرَ فِي أُخُوَّةٍ لَا حِفْظَ فِيهَا، وَلَا خَيْرَ فِي نِعْمَةٍ لَا بَقَاءَ لَهَا، وَلَا خَيْرَ فِي دُعَاءٍ لَا إِخْلَاصَ فِيهِ.

172. Али розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

1. Хушуъсиз ўқилган намозда яхшилик йўқ.
2. Бекорчи сўздан тийилмай тугилган рўзада яхшилик йўқ.
3. Тафаккурсиз ўқилган қироатда яхшилик йўқ.
4. Парҳезсиз илмда яхшилик йўқ.
5. Сахий бўлинмаган молда яхшилик йўқ.
6. Бир-бирини ҳимоя қилмаган биродарчиликда яхшилик йўқ.
7. Боқий қолмайдиган неъматда яхшилик йўқ.
8. Ихлоссиз қилинган дуода яхшилик йўқ».

باب التساعي

۱۷۳ – قِيلَ: أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى مُوسَى بْنِ عِمْرَانَ فِي التَّوْرَةِ، أَنَّ أُمَّهَاتِ الْخَطَايَا ثَلَاثَةٌ، الْكِبْرُ وَالْحَسَدُ وَالْحِرْصُ، فَتَشَأُ مِنْهَا سِتَّةٌ فَصِرْنَ تِسْعَةً، الْأُولَى مِنَ السِّتَّةِ، الشَّبَعُ وَالنَّوْمُ وَالرَّاحَةُ وَحُبُّ الْأَمْوَالِ وَحُبُّ الشَّنَاءِ وَالْمَحْمَدَةُ وَحُبُّ الرِّيَاسَةِ.

تўққизлик боб

173. Айтиладики:

«Аллоҳ таоло Мусо ибн Имронга Тавротда ваҳий қилиб:

«Албатта, хатоларнинг онаси учтадир: кибр, ҳасад, хирс кўйиш. Мана шулардан олтита нарса ташкил топиб, ҳаммаси тўққизта бўлади. Энди ана шу олтита нарса: тўқлик, уйқу, роҳат, молни яхши кўриш, мақтов ва олқишлашни яхши кўриш, риёсат яъни бошлиқликни яхши кўриш», деб айтди».

١٧٤ - وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْعِبَادُ ثَلَاثَةٌ أَصْنَافٍ، لِكُلِّ صِنْفٍ ثَلَاثُ عَلَامَاتٍ، يُعْرَفُونَ بِهَا صِنْفٌ يَعْبُدُونَ اللَّهَ تَعَالَى عَلَى سَبِيلِ الْخَوْفِ، وَصِنْفٌ يَعْبُدُونَ اللَّهَ عَلَى سَبِيلِ الرَّجَاءِ، وَصِنْفٌ يَعْبُدُونَ اللَّهَ عَلَى سَبِيلِ الْحُبِّ فَلِلْأَوَّلِ ثَلَاثُ عَلَامَاتٍ يَسْتَحَقُّرُ نَفْسَهُ وَيَسْتَقِلُّ حَسَنَاتِهِ وَيَسْتَكْثُرُ سَيِّئَاتِهِ، وَلِلثَّانِي ثَلَاثُ عَلَامَاتٍ يَكُونُ قُدْوَةَ النَّاسِ فِي جَمِيعِ الْحَالَاتِ وَيَكُونُ أَسْحَى النَّاسِ كُلِّهِمْ بِالْمَالِ فِي الدُّنْيَا، وَيَكُونُ أَحْسَنَ الظَّنِّ بِاللَّهِ فِي الْخَلْقِ كُلِّهِمْ، وَلِلثَّلَاثِ ثَلَاثُ عَلَامَاتٍ يُعْطَى مَا يُحِبُّهُ وَلَا يُبَالِي بَعْدَ أَنْ يَرْضَى رَبُّهُ وَيَعْمَلُ بِسَخَطِ نَفْسِهِ بَعْدَ أَنْ يَرْضَى رَبُّهُ وَيَكُونُ فِي جَمِيعِ الْحَالَاتِ مَعَ سَيِّدِهِ فِي أَمْرِهِ وَنَهْيِهِ.

174. Абу Бакр Сиддик розияллоху анху айтдилар:

«Бандалар уч тоифадирлар. Ҳар тоифанинг учтадан аломатлари бўлиб, улар ана шу аломатидан билиб олинади. Биринчи тоифа Аллоҳдан хавф қилиб ибодат қилади. Иккинчи тоифа Аллоҳдан умид қилиб ибодат қилади. Учинчи тоифа Аллоҳнинг муҳаббатини талаб қилиб ибодат қилади.

Биринчи тоифа учун учта аломат бордир:

1. Нафсини паст ҳисоблайди.
2. Яхшиликларини оз деб билади.
3. Ёмонликларини кўп деб билади.

Иккинчи тоифа учун ҳам учта аломат бор:

1. Ҳар қандай ҳолатда инсонларга намуна бўлади.
2. Ҳаётлик пайтида моли билан инсонларнинг саҳийи бўлади.
3. Махлуқларнинг ҳар бири ҳақида Аллоҳга чиройли гумонда бўлади.

Учинчи тоифа учун ҳам учта аломат бордир:

1. Яхши кўрган нарсасини беради, Рабби рози бўлганидан кейин ҳеч нарсага аҳамият бермайди.

2. Рабби рози бўлгандан кейин нафсининг ғазабини келтирган нарсага амал қилаверади.

3. Ҳамма ҳолатда: буйруғида ҳам, қайтарган нарсаларида ҳам саййиди билан бирга бўлади».

١٧٥ - وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ ذُرِّيَّةَ الشَّيْطَانِ تِسْعَةٌ، زَلَيْتُونَ وَوَتِينَ وَقُوسٌ وَأَعْوَانٌ وَهَفَافٌ وَمُرَّةٌ وَالْمُسَوِّطُ وَدَاسِمٌ وَوَلْهَانٌ، فَأَمَّا زَلَيْتُونَ فَهُوَ صَاحِبُ الْأَسْوَاقِ فَيَنْصَبُ فِيهَا رَأْيَتَهُ، وَأَمَّا وَتِينَ فَهُوَ صَاحِبُ الْمَصِيبَاتِ، وَأَمَّا أَعْوَانٌ فَهُوَ صَاحِبُ السُّلْطَانِ، وَأَمَّا هَفَافٌ فَهُوَ صَاحِبُ الشَّرَابِ، وَأَمَّا مُرَّةٌ فَهُوَ صَاحِبُ الْمَرَامِيرِ، وَأَمَّا قُوسٌ فَهُوَ صَاحِبُ الْمَحْبُوسِ، وَأَمَّا الْمُسَوِّطُ فَهُوَ صَاحِبُ الْأَخْيَارِ يُلْقِيهَا فِي أَفْوَاهِ النَّاسِ وَلَا يَجِدُونَ لَهَا أَصْلًا، وَأَمَّا الدَّاسِمُ فَهُوَ صَاحِبُ الْبُيُوتِ، إِذَا دَخَلَ الرَّجُلُ الْمَنْزِلَ وَلَمْ يُسَلِّمْ وَلَمْ يُذَكِّرْ اسْمَ اللَّهِ تَعَالَى أَوْ قَعَّ فِيمَا بَيْنَهُمُ الْمُنَازَعَةَ حَتَّى يَقَعَ الطَّلَاقُ وَالْخُلْعُ وَالضَّرْبُ، وَأَمَّا وَلْهَانٌ فَهُوَ يُوسُوسُ فِي الْوُضُوءِ وَالصَّلَاةِ وَالْعِبَادَاتِ.

175. Умар розияллоху анху айтдилар:

«Шайтоннинг зурриёти тўққизтадир:

1. Залитун.
2. Васийн.
3. Лакус.
4. Аъвон.
5. Ҳаффоф.
6. Мурра.
7. Мусаввит.
8. Досим.
9. Валҳон.

Залитун - бозордаги соҳиб бўлиб, кўрган нарсангга ўрнашади.

Васийн - мусибатдаги соҳиб.

Аъвон - султонликдаги соҳиб.

Ҳаффоф - ичкиликдаги соҳиб.

Мурра - сурнай чалгандаги соҳиб.

Лакус - ўт-оловдаги соҳиб.

Мусаввит - хабарлар соҳиби. Инсонлар у тарқатган хабарни оғиздан-оғизга олиб юришади-да, у хабарнинг аслини топа олмайдилар.

Досим - уйлар соҳиби. Киши қачон манзилига кирса, салом ҳам бердирмайди, Аллоҳнинг исмини ҳам зикр эттирмайди. Ва оиладагиларнинг ораларига низо солиб, талоқ, хулуъ, уришиш каби ишларни келтириб чиқаради.

Валҳон - у таҳорат, намоз ва ибодатларда васваса қилади».

۱۷۶ - وَقَالَ عُمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَنْ حَفِظَ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسَ لَوْفَتِهَا وَدَوَّمَ عَلَيْهَا أَكْرَمَ اللَّهُ بِتَسْعِ كَرَامَاتٍ، أَوْلَاهَا، أَنْ يُجِيبَهُ اللَّهُ وَيَكُونَ بَدَنُهُ صَحِيحًا، وَتَحْرُسُهُ الْمَلَائِكَةُ، وَتَنْزِلُ الْبَرَكَاتُ فِي دَارِهِ، وَيُظَهَّرُ عَلَى وَجْهِهِ سَمَاءُ الصَّالِحِينَ، وَيُلِينُ اللَّهُ قَلْبَهُ، وَيَمُرُّ عَلَى الصِّرَاطِ كَالْبَرْقِ اللَّامِعِ، وَيُنَجِّيهُ اللَّهُ مِنَ النَّارِ، وَيُنزِلُهُ اللَّهُ فِي جِوَارِ الدِّينِ لَا خَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ.

176. Усмон розияллоху анху айтдилар:

«Ким беш вақт намозни ўз вақтида адо этиб, шундай бардавом бўлса, Аллоҳ таоло уни тўққизта неъмат ила икром қилади:

1. Аллоҳ уни яхши кўради.
2. Бадани соғлом бўлади.
3. Фаришталар кўриқлайди.
4. Ҳовлисига барака ёғилади.
5. Юзида солиҳларнинг белгисини зоҳир қилиб кўяди.
6. Қалбини мулойим қилиб кўяди.
7. Сирот кўпригидан чакмоқ чакқанидек (тез) ўтиб кетади.
8. Аллоҳ унга дўзахдан нажот беради.
9. Хавф ва ғам-ғуссаси бўлмаган кишилар билан бирга (жаннатда) ёнма-ён қилиб кўяди».

١٧٧ - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْبُكَاءُ عَلَى ثَلَاثَةِ أَوْجُهٍ، أَحَدُهَا مِنْ خَوْفِ عَذَابِ اللَّهِ تَعَالَى، وَالثَّانِي مِنْ رَهْبَةِ السَّخَطِ، وَالثَّلَاثُ مِنْ خَشْيَةِ الْقَطِيعَةِ، فَأَمَّا الْأَوَّلُ فَهُوَ كَفَّارَةٌ لِلذُّنُوبِ، وَأَمَّا الثَّانِي فَهُوَ طَهَارَةٌ لِلْعُيُوبِ، وَأَمَّا الثَّلَاثُ فَهُوَ الْوَلَايَةُ مَعَ رَضَى الْمَحْبُوبِ، فَتَمْرَةٌ كَفَّارَةٌ لِلذُّنُوبِ النَّجَاةُ مِنَ الْعُقُوبَاتِ، وَتَمْرَةٌ طَهَارَةٌ الْعُيُوبِ النَّعِيمِ الْمُقِيمِ وَالذَّرَجَاتِ الْعُلَى، وَتَمْرَةٌ الْوَلَايَةُ مَعَ رَضَى الْمَحْبُوبِ حُسْنُ الْبَشَارَةِ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى بِالرَّضَى بِالرُّؤْيَا وَزِيَارَةِ الْمَلَائِكَةِ وَزِيَادَةَ الْفَضِيلَةِ.

177. Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Йиғлаш уч кўринишда бўлади:

1. Аллоҳ азобидан хавф қилиш;
2. Аллоҳ ғазабидан хавф қилиш;
3. Узилиб қолишдан кўрқиш.

Буларнинг биринчиси - гуноҳларга каффоратдир. Иккинчиси - айблар учун тозаланишдир. Учинчиси - яхши кўрган нарсасига рози бўлиш билан бирга унга эга бўлишдир. Гуноҳларга каффорот бўлишнинг меваси уқубатлардан нажот топишдир. Айблардан тозаланишнинг меваси доимий неъмат ва олий даражалардир. Яхши кўришга муяссар бўлиш фаришталарни зиёрат этиш ва фазилатнинг зиёда бўлишидир».

باب العشاري

١٧٨ - قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَيْكُمْ بِالسَّوَاكِ فَإِنَّ فِيهِ عَشْرَ خِصَالٍ، يُطَهِّرُ الْفَمَ، وَيَرْضَى الرَّبَّ، وَيَسْخَطُ الشَّيْطَانَ، وَيُحِبُّهُ الرَّحْمَنُ وَالْحَفِظَةُ، وَيَشُدُّ اللَّيْثَةَ، وَيَقْطَعُ الْبَلْغَمَ، وَيُطِيبُ النَّكْهَةَ، وَيَطْفِي الْأُمْرَةَ، وَيُجَلِّي الْبَصَرَ، وَيُذْهِبُ الْبَخْرَةَ، وَهُوَ مِنَ السُّنَّةِ.

(عبد الجبار الخولاني في تاريخ درايا عن أنس)

وَفِي رِوَايَةٍ أُخْرَى: عَلَيْكُمْ بِالسَّوَاكِ فَإِنَّهُ مَطْهَرَةٌ لِلْفَمِ مَرْضَاةٌ لِلرَّبِّ مَفْرَحَةٌ لِلْمَلَائِكَةِ يَزِيدُ فِي الْحَسَنَاتِ وَهُوَ مِنَ السَّنَةِ وَيَجْلُو الْبَصَرَ وَيُذْهِبُ الْخَفْرَ

وَيَشُدُّ اللَّيْثَةَ وَيُذْهِبُ الْبَلْغَمَ وَيُطِيبُ الْفَمَ وَيُصَلِّحُ الْمَعْدَةَ (ابن عدي، والبيهقي في شعب الإيمان عن ابن عباس)

ثُمَّ قَالَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: الصَّلَاةُ بِالسَّوَاكِ أَفْضَلُ مِنْ سَبْعِينَ صَلَاةً بِغَيْرِ سَوَاكٍ.

(أحمد، والحاكم، والبيهقي في شعب الإيمان عن عائشة)

ЎНЛИК БОБ

178. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар:

«Мисвокни лозим тутинглар, чунки унда ўнта хислат бордир:

1. Оғизни поклайди.
2. Рабб рози бўлади.
3. Шайтон ғазабланади.
4. Раҳмон ва фаришталар уни яхши кўради.
5. Милкни мустаҳкамлайди.
6. Балғамни кесади.

7. Оғиздаги ҳидни хушбўй қилади.
8. Оғиздаги аччиқни кетказади.
9. Кўзни равшанлантиради.
10. Турли ёқимсиз сассиқ ҳидларни йўқ қилади. Мисвок суннат амаллардандир.

Сўнгра яна Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мисвок билан ўқилган намоз мисвоксиз ўқилган намоздан етмиш марта афзалдир», деб айтдилар.

۱۷۹ – وَقَالَ أَبُو بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا مِنْ عَبْدٍ رَزَقَهُ اللَّهُ عَشْرَ خِصَالٍ إِلَّا وَقَدْ نَجَا مِنَ الْآفَاتِ وَالْعَاهَاتِ كُلِّهَا وَصَارَ فِي دَرَجَةِ الْمُقَرَّبِينَ وَنَالَ دَرَجَةَ الْمُتَّقِينَ، أَوْلَاهَا صِدْقٌ دَائِمٌ مَعَهُ قَلْبٌ قَانِعٌ، وَالثَّانِي صَبْرٌ كَامِلٌ مَعَهُ شُكْرٌ دَائِمٌ، وَالثَّلَاثُ فَقْرٌ دَائِمٌ مَعَهُ زُهْدٌ حَاضِرٌ، وَالرَّابِعُ فِكْرٌ دَائِمٌ مَعَهُ بَطْنٌ جَائِعٌ، وَالْخَامِسُ حُزْنٌ دَائِمٌ مَعَهُ خَوْفٌ مُتَّصِلٌ، وَالسَّادِسُ جُهْدٌ دَائِمٌ مَعَهُ بَدَنٌ مُتَوَاضِعٌ، وَالسَّابِعُ وَفْقٌ دَائِمٌ مَعَهُ رَحْمٌ حَاضِرٌ، وَالثَّمَانِي حُبٌّ دَائِمٌ مَعَ حَيَاءٍ، وَالتَّاسِعُ عِلْمٌ نَافِعٌ مَعَهُ حِلْمٌ دَائِمٌ، وَالْعَاشِرُ إِيمَانٌ دَائِمٌ مَعَهُ عَقْلٌ ثَابِتٌ.

179. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу дедилар:

«Қайси бир бандани Аллоҳ таоло қуйидаги ўнта хислат билан ризклантирса, у ҳамма бало-ю офатлардан нажот топибди ҳамда муқарраб ва тақводор бандалар даражасига етибди:

1. Доимий ростгўйлик, у билан бирга қаноатли қалб.
2. Комил сабр, у билан бирга доимий шокирлик.
3. Доимий фақирлик, у билан бирга зоҳидлик.
4. Доимий тафаккур, у билан бирга қоринни оч тутиш.
5. Доимий маҳзунлик, у билан бирга муттасил равишда хавф.
6. Доимо ҳаракат ила тиришиш, у билан бирга тавозеъли бадан.
7. Доимий мувофиқлик, у билан бирга силаи-рахм.
8. Доимий муҳаббат, у билан бирга ҳаёли бўлиш.
9. Фойдали илм, у билан бирга доимий ҳалимлик.
10. Доимий иймон, у билан бирга собит ақл.

۱۸۰ – وَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: عَشْرَةٌ لَا تَصْلُحُ بِغَيْرِ عَشْرَةٍ، لَا يَصْلُحُ الْعَقْلُ بِغَيْرِ وَرَعٍ، وَلَا الْفَضْلُ بِغَيْرِ عِلْمٍ، وَلَا الْفَوْزُ بِغَيْرِ خَشْيَةٍ، وَلَا السُّلْطَانُ بِغَيْرِ عَدْلِ، وَلَا الْحَسَبُ بِغَيْرِ آدَبٍ، وَلَا السُّرُورُ بِغَيْرِ أَمْنٍ، وَلَا الْغِنَى بِغَيْرِ جُودٍ، وَلَا الْفَقْرُ بِغَيْرِ قَنَاعَةٍ، وَلَا الرَّفْعَةُ بِغَيْرِ تَوَاضُعٍ، وَلَا الْجِهَادُ بِغَيْرِ تَوْفِيقٍ.

180. Умар розияллоҳу анҳу дедилар:

«Ўнта нарса ўнта нарсасиз ислоҳ бўлмайди:

1. Таквосиз ақл.
2. Илмсиз фазилат.
3. Қўрқувсиз ютук.
4. Адолатсиз подшоҳлик.

5. Одобсиз насабдаги обрў.
6. Омонликсиз хурсандчилик.
7. Сахийликсиз бойлик.
8. Қаноатсиз камбағаллик.
9. Тавозеъсиз обрўлилик.
10. Тавфиқсиз жиҳод

۱۸۱ - وَقَالَ عُمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَضْيَعُ الْأَشْيَاءِ عَشْرَةٌ، عَالِمٌ لَا يُسْئَلُ عَنْهُ، وَعَلِمٌ لَا يُعْمَلُ بِهِ، وَرَأْيٌ صَوَابٌ لَا يُقْبَلُ، وَسِلَاحٌ لَا يُسْتَعْمَلُ، وَمَسْجِدٌ لَا يُصَلَّى فِيهِ، وَمُصْحَفٌ لَا يُقْرَأُ عَنْهُ، وَمَالٌ لَا يُنْفَقُ مِنْهُ، وَخَيْلٌ لَا يُرْكَبُ، وَعِلْمٌ الزُّهْدِ فِي بَطْنِ مَنْ يُرِيدُ الدُّنْيَا، وَعَمْرٌ طَوِيلٌ لَا يَتَزَوَّدُ فِيهِ لِسَفَرِهِ.

181. Усмон розияллоху анху дедилар:

«Ўнта нарса нарсаларнинг энг зое бўлганидир:

1. Олимдан сўралмаса.
2. Илмга амал қилинмаса.
3. Тўғри фикрлар қабул қилинмаса.
4. Аслаҳалар ишлатилмаса.
5. Масжидда намоз ўқилмаса.
6. Қуръон ўқилмаса.
7. Бойлик инфоқ қилинмаса.
8. От минилмаса.
9. Зухд илми мол-дунё хоҳлайдиган кишида бўлса.
10. Узоқ умр кўрса-ю охираат сафарига тайёргарлик бўлмаса.

۱۸۲ - وَقَالَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: الْعِلْمُ خَيْرٌ مِيرَاثٍ، وَالْأَدَبُ خَيْرٌ حِرْفَةٍ، وَالتَّقْوَى خَيْرٌ زَادٍ، وَالْعِبَادَةُ خَيْرٌ بَصَاعَةٍ، وَالْعَمَلُ الصَّالِحُ خَيْرٌ قَائِدٍ، وَحَسَنُ الْخُلُقِ خَيْرٌ قَرِينٍ، وَالْحِلْمُ خَيْرٌ وَزِيرٍ، وَالْفَنَاءَةُ خَيْرٌ غَنَى، وَالتَّوْفِيقُ خَيْرٌ عَوْنٍ، وَالْمَوْتُ خَيْرٌ مُؤَدَّبٍ.

182. Али розияллоху анху айтдилар:

1. Илм - меросларнинг яхшиси.
2. Одоб – касбларнинг яхшиси.
3. Тақво - тўпланадиган нарсаларнинг яхшиси.
4. Ибодат - буюмларнинг яхшиси.
5. Солиҳ амал - йўлбошчиларнинг яхшиси.
6. Яхши хулқ - яқинларнинг яхшиси.
7. Ҳалимлик - вазирларнинг яхшиси.
8. Қаноат - бойликларнинг яхшиси.
9. Тавфиқ - ёрдамларнинг яхшиси.
10. Ўлим - одоб берувчиларнинг яхшиси

١٨٣ - وَقِيلَ: عَشْرَةٌ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ هُمْ كُفَّارٌ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ، وَيَطْنُونَ أَنَّهُمْ الْمُؤْمِنُونَ، الْقَاتِلُ بَغَيْرِ حَقٍّ، وَالسَّاحِرُ، وَالذَّيْوُثُ الَّذِي لَا يَغَارُ عَلَى أَهْلِهِ، وَمَانِعُ الزَّكَاةِ، وَشَارِبُ الخَمْرِ، وَمَنْ وَجَبَ عَلَيْهِ الْحَجُّ فَلَمْ يَحْجِ، وَالسَّاعِي فِي الْفِتَنِ، وَبَانِعُ السَّلَاحِ مِنْ أَهْلِ الْحَرْبِ، وَتَاكِيحُ الْمَرْأَةِ فِي دُبُرِهَا، وَتَاكِيحُ ذَاتِ رَحِمٍ مَحْرَمٍ، إِنْ عَلِمَ هَذِهِ الْأَفْعَالَ حَلَالًا فَقَدْ كَفَرَ.

183. Айтиладики:

“Бу умматда ўн тоифа киши борки, улар улуғ Аллоҳга куфр келтиргандирлар. Аммо ўзларини мўминман, деб гумон қиладилар:

1. Ноҳақ қотиллик қилган;
2. Сехр билан шуғулланувчи;
3. Аҳлига қизғанмайдиган даюс;
4. Закотни манъ этувчи;
5. Ароқ ичувчи;
6. Ҳаж вожиб бўлса-ю, уни адо этмайдиган;
7. Фитна қўзғовчи;
8. Куфр аҳлига аслаҳаларни сотувчи;
9. Хотинининг орқа томонига жинсий алоқа қилувчи;
10. Маҳрам қариндошларига никоҳ қилишни ҳалол, деган кишилар”.

١٨٤ - وَقِيلَ: لَا يَكُونُ الْعَبْدُ فِي السَّمَاءِ وَلَا فِي الْأَرْضِ مُؤْمِنًا حَتَّى يَكُونَ وُصُولًا، وَلَا يَكُونُ وُصُولًا حَتَّى يَكُونَ مُسْلِمًا، وَلَا يَكُونُ مُسْلِمًا حَتَّى يَسْلَمَ النَّاسُ مِنْ يَدِهِ وَلِسَانِهِ، وَلَا يَكُونُ مُسْلِمًا حَتَّى يَكُونَ عَالِمًا، وَلَا يَكُونُ عَالِمًا حَتَّى يَكُونَ بِالْعِلْمِ عَامِلًا، وَلَا يَكُونُ بِالْعِلْمِ عَامِلًا حَتَّى يَكُونَ زَاهِدًا، وَلَا يَكُونُ زَاهِدًا حَتَّى يَكُونَ وَرَعًا، وَلَا يَكُونُ وَرَعًا حَتَّى يَكُونَ مُتَوَاضِعًا، وَلَا يَكُونُ مُتَوَاضِعًا حَتَّى يَكُونَ عَارِفًا بِنَفْسِهِ، وَلَا يَكُونُ عَارِفًا بِنَفْسِهِ حَتَّى يَكُونَ عَاقِلًا فِي الْكَلَامِ.

184. Айтиладики:

«1. Киши осмону ерда мўмин бўла олмайди, токи қариндошларга етишмагунича.

2. Етиша олмайди, токи мусулмон бўлмагунича.

3. Мусулмон бўла олмайди, токи инсонлар унинг қўли ва тилидан омонда бўлмагунича.

4. Мусулмон бўла олмайди, токи олим бўлмагунича.

5. Олим бўла олмайди, токи илмига амал қилмагунича.

6. Илмига амал қилувчи бўла олмайди, токи зоҳид бўлмагунича.

7. Зоҳид бўла олмайди, парҳезкор бўлмагунича.

8. Парҳезкор ёки тақводор бўла олмайди, тавозеъли бўлмагунича.

9. Тавозеъли бўла олмайди, нафсини билмагунича.

10. Нафсини билувчи бўлмайди, сўзида ақлли бўлмагунича.

١٨٥ - وَقِيلَ: رَأَى يَحْيَىٰ بَنَ مُعَاذِ الرَّازِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ فَقَبَّهَا رَاغِبًا فِي الدُّنْيَا، فَقَالَ: يَا صَاحِبَ الْعِلْمِ وَالسُّنَّةِ، قُصُورُكُمْ قَيْصَرِيَّةٌ، وَبُيُوتُكُمْ كَسْرُويَّةٌ، وَمَسَاكِينُكُمْ قَارُونِيَّةٌ، وَأَبْوَابُكُمْ طَالُوتِيَّةٌ، وَنِيَابُكُمْ جَالُوتِيَّةٌ، وَمَدَاهِبُكُمْ شَيْطَانِيَّةٌ، وَضِيَاعُكُمْ مَارَدِيَّةٌ، وَوَلَايَتُكُمْ فِرْعَوْنِيَّةٌ، وَقَضَائِكُمْ عَاجِلِيَّةٌ، أَصْحَابُ رِشْوَةِ غَشَاشِيَّةٍ، وَمَمَاتِكُمْ جَاهِلِيَّةٌ، فَأَيْنَ الْمُحَمَّدِيَّةُ.

185. Айтиладики:

Яхё ибн Муъоз ар-Розий дунёга қизиқувчи бир фақиҳ олимни кўриб қуйидагиларни айтдилар: «Эй илм ва суннат соҳиби, қасрларингиз Қайсарникидай, уйлариңгиз Кисроникидай, масканларингиз Қорунникидай, дарвозаларингиз Толутникидай, кийимларингиз Жолутникидай, тутган йўлларингиз шайтонникидай, вилоятларингиз Фиръавникидай, қозиларингиз дунёни истовчи порахўр, ғирром Ожилийлар каби бўлса, ўлимларингиз жоҳилиятникидай бўлса, Муҳаммадийя (яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хидоятлари) қаерда қолди?!

وقال الشاعر أشعارا

أَيُّهَا الْمُنَاجِي رَبِّهِ بِأَنْوَاعِ الْكَلَامِ
وَالطَّالِبُ مَسْكَنَهُ فِي دَارِ السَّلَامِ
وَالْمُتَسَوِّقُ لِلتَّوْبَةِ عَامًا بَعْدَ عَامٍ
وَمَا أَرَاكَ مُنْصِفًا لِنَفْسِكَ بَيْنَ الْأَنَامِ
أَنْتَ لَوْ رَأَفْتِ يَوْمَكَ يَا غَافِلُ بِالصِّيَامِ
وَأَحْيَيْتَ طَوْلَ لَيْلِكَ بِالْقِيَامِ
وَأَقْتَصَرْتَ بِالْقَلِيلِ مِنَ الْمَاءِ وَالطَّعَامِ
لَكُنْتَ أُخْرَى أَنْ تَنَالَ شَرَفَ الْمَقَامِ
وَالكَرَامَةَ الْعَظِيمَةَ مِنْ رَبِّ الْأَنَامِ
وَالرِّضْوَانَ الْأَكْبَرَ مِنْ ذِي الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ

Шоир шеърда қуйидагиларни айтди:

«Турли сўзлар ила қилиб муножот,
Салом ҳовлисидан кутасан нажот.
Аммо тазарруъга шошмайсан нега,
Нафсинга инсоф қилдингми, ҳайҳот?!
Ғофил бўлма, кунинг ўтсин соим-ла,
Кечаларпнг ихё қилгин қоим-ла.
Сув-таомнинг озига кўн, эй инсон,
Шараф мақомининг зинаси - иймон.
Раббинг карамига бўлгин мушарраф,
Зул жалол ризосин сен билгин шараф!

١٨٦ - وَقَالَ بَعْضُ الْحُكَمَاءِ: عَشْرُ خِصَالٍ يُبَغِضُهَا اللَّهُ سُبْحَانَهُ وَتَعَالَى مِنْ عَشْرَةِ أَنْفُسٍ، الْبُخْلُ مِنَ الْأَغْنِيَاءِ، وَالْكِبْرُ مِنَ الْفُقَرَاءِ، وَالطَّمَعُ مِنَ الْعُلَمَاءِ، وَقَلَّةُ الْحَيَاءِ مِنَ النِّسَاءِ، وَحُبُّ الدُّنْيَا مِنَ الشُّيُوخِ، وَالْكَسَلُ مِنَ الشَّبَابِ، وَالْجَوْرُ مِنَ السُّلْطَانِ، وَالْجُبْنُ مِنَ الْعَزَاةِ، وَالْعُجْبُ مِنَ الزُّهَادِ، وَالرِّيَاءُ مِنَ الْعِبَادِ.

186. Баъзи ҳақимлар шундай дейишади:

«Ўнта хислат борки, ўша хислатлар ўн тоифа кишида бўлиши Аллоҳни ғазаблантиради:

1. Бойларнинг бахил бўлиши.
2. Камбағалларнинг кибр қилиши.
3. Уламоларнинг тамаъ қилиши.
4. Аёлларда ҳаё оз бўлиши.
5. Қарияларнинг дунёни яхши кўриши.
6. Йигитларнинг дангаса бўлиши.
7. Подшоҳларнинг жабр-зулм қилиши.
8. Ғозийларнинг қўрқоқ бўлиши.
9. Зоҳидларнинг ўз амалларига қувонишлари.
10. Ибодат қилувчи обидларнинг риё қилиши.

١٨٧ - قِيلَ: الْعَافِيَةُ عَلَى عَشْرَةِ أَوْجُهٍ، خَمْسَةٌ فِي الدُّنْيَا، وَخَمْسَةٌ فِي الْآخِرَةِ، فَأَمَّا الَّتِي فِي الدُّنْيَا الْعِلْمُ، وَالْعِبَادَةُ، وَالرِّزْقُ مِنَ الْحَلَالِ، وَالصَّبْرُ عَلَى الشَّدَّةِ، وَالشُّكْرُ عَلَى النِّعْمَةِ، وَأَمَّا الَّتِي فِي الْآخِرَةِ فَإِنَّهُ يَأْتِيهِ مَلَكُ الْمَوْتِ بِالرَّحْمَةِ وَاللُّطْفِ وَلَا يَرُوعُهُ مُنْكَرٌ وَنَكِيرٌ فِي الْقَبْرِ، وَيَكُونُ آمِنًا فِي الْفِرْعِ الْأَكْبَرِ، وَتُمَحَى سَيِّئَاتُهُ وَتُقْبَلُ حَسَنَاتُهُ، وَيَمُرُّ عَلَى الصِّرَاطِ كَالْبَرْقِ اللَّامِعِ، وَيَدْخُلُ الْجَنَّةَ فِي السَّلَامَةِ.

187. Айтиладики:

«Офият ўн кўринишдадир. Уларнинг бештаси дунёда, бештаси охирададир.

Дунёдагиси:

1. Илм.
2. Ибодат.
3. Ҳалол бўлган ризқ.
4. Қийинчиликдаги сабр.
5. Неъматга шукр қилиш.

Охирадагиси:

1. Ўлим фариштаси раҳмат ва лутф ила келади.
2. Мункар ва Накир қабрда кўрқитмайди ҳамда катта кўрқинчдан омонда бўлади.
3. Ёмонликлари ўчирилиб, яхшиликлари қабул қилинади.
4. Сирот кўпригидан чақмоқ чаққани каби ўтиб кетади.

5. Жаннатга саломат ҳолда киради

۱۸۸ - وَقَالَ أَبُو الْفَضْلِ رَحِمَهُ اللَّهُ: سَمَى اللَّهُ تَعَالَى كِتَابَهُ بِعَشْرَةِ أَسْمَاءَ، قُرْآنًا وَفُرْقَانًا وَكِتَابًا وَتَنْزِيلًا وَهُدًى وَنُورًا وَرَحْمَةً وَشِفَاءً وَرُوحًا وَذِكْرًا، أَمَّا الْقُرْآنُ وَالْفُرْقَانُ وَالْكِتَابُ وَالتَّنْزِيلُ فَمَشْهُورٌ، وَأَمَّا الْهُدَى وَالتَّوْرُ وَالرَّحْمَةُ وَالشِّفَاءُ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: {يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ مَوْعِظَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ وَشِفَاءٌ لِمَا فِي الصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِلْمُؤْمِنِينَ} (يونس-۵۷) {قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُبِينٌ} (المائدة-۱۵) وَأَمَّا الرُّوحُ، فَقَالَ: {وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِنْ أَمْرِنَا} (الشورى - ۵۲)، وَأَمَّا الذِّكْرُ، فَقَالَ: {وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ} (النحل - ۴۴).

188. Абул Фазл раҳимахуллоҳ айтдилар:

«Аллоҳ таоло китобини ўнта ном билан атади:

1. Қуръон.
2. Фурқон.
3. Китоб.
4. Танзил.
5. Ҳидоят.
6. Нйр.
7. Раҳмат.
8. Шифо.
9. Рух.
10. Зикр.

Қуръон, Фурқон, Китоб, Танзил номлари машҳурдир. Ҳидоят, Нйр, Раҳмат, Шифо номлари қуйидаги оятда келган:

«Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз томонидан панд-насихат, дилларингиздаги бузук эътиқодлардан иборат нарсаларга шифо ва иймон келтирган зотларга ҳидоят ва раҳмат (яъни, Қуръон келди). Сизларга Аллоҳ тарафидан Нйр - очиқ китоб келди».

Рух эса қуйидаги оятда келган: «Шундай қилиб Биз ўз амримиз билан сизга Рухни - Қуръонни ваҳий қилдик».

Зикр эса қуйидаги оятда келган: «Сизга эса одамларга баён қилиб беришингиз учун бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик».

۱۸۹ - وَقَالَ لُقْمَانُ لابْنِهِ: يَا بُنَيَّ! إِنَّ الْحِكْمَةَ أَنْ تَعْمَلَ عَشْرَةَ أَشْيَاءَ، أَحَدُهَا تُحْيِي الْقَلْبَ الْمَيِّتَ وَتَجْلِسُ الْمَسْكِينُ وَتَنْقِي مَجَالِسَ الْمُلُوكِ وَتُشْرِفَ الْوَضِيعَ وَتُحَرِّرَ الْعَبِيدَ وَتُؤْوِي الْعَرِيبَ وَتُعْغِي الْفَقِيرَ وَتَزِيدُ لِأَهْلِ الشَّرَفِ شَرَفًا وَلِلسَّيِّدِ سُودَدًا وَهِيَ أَفْضَلُ مِنَ الْمَالِ وَحَرَزٌ مِنَ الْخَوْفِ وَعُدَّةٌ فِي الْحَرْبِ وَبِضَاعَةٌ حِينَ يُرْبِحُ وَهِيَ شَفِيعَةٌ حِينَ يَعْتَرِيهِ الْهَوْلُ وَهِيَ دَلِيلَةٌ حِينَ يَنْتَهِي بِهِ الْيَقِينُ إِلَى النَّفْسِ وَهِيَ سِتْرَةٌ حِينَ لَا يَسْتُرُهُ نُوْبٌ.

189. Луқмони ҳаким ўғилларига:

Эй ўғилчам! Ўн нарсага амал қилмоғингда ҳикмат бўлур.

“Ўлик қалбни тирилтирасан. Мискин бечоралар билан ўтирасан. Подшоҳлар мажлисидан четда турасан. Пастлаганларни кўтарасан. Қулларни

озод қиласан. Ғарибларга жой берасан. Камбағалларни бойитасан. Шараф аҳлини шарафини оширасан. Бошлиқ кишини бошлиқлигини оширишга ҳисса қўшасан. У нарсалар молдан афзал, хавфдан омонлик, урушда тайёргарлик силоҳи, фойда олинадиган пайтдаги мато, қўрқинч оралагандаги воситачи, нафсда ишонч тугаган пайтда йўлбошчи ва кийим тўса олмайдиган пайтда тўсувчидир”, деб айтдилар.

١٩٠ - وَقَالَ بَعْضُ الْحُكَمَاءِ: يَنْبَغِي لِلْعَاقِلِ إِذَا تَابَ أَنْ يَفْعَلَ عَشْرَ خِصَالٍ، إِحْدَاهَا اسْتِغْفَارٌ بِاللِّسَانِ وَتَدَمُّمٌ بِالْقَلْبِ وَإِفْلَاحٌ بِالْبَدَنِ وَالْعَزْمُ عَلَى أَنْ لَا يَعُودَ أَبَدًا وَحُبُّ الْآخِرَةِ وَبُغْضُ الدُّنْيَا وَقِلَّةُ الْكَلَامِ وَقِلَّةُ الْأَكْلِ وَالشُّرْبِ حَتَّى يَتَفَرَّغَ لِلْعِلْمِ وَالْعِبَادَةِ وَقِلَّةُ النَّوْمِ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: {كَانُوا قَلِيلًا مِنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ} (الذاريات-١٧-١٨).

190. Баъзи ҳақимлар айтишиди:

«Тавба қилувчи оқил ўн нарсага амал қилмоғи лозим:

1. Тил билан истиғфор айтиш.
2. Қалб билан надомат чекиш.
3. Баданидан (гуноҳни) суғуриб ташлаш.
4. Абадий ўша гуноҳга қайтмасликка қасд қилиш.
5. Охиратга муҳаббат қўйиш.
6. Дунёга ғазаб қилиш.
7. Каломни камайтириш.
8. Емакни озайтириш.
9. Ичимликни камайтириб, илм ва ибодатга машғул бўлиш.
10. Уйқуни озайтириш».

Аллоҳ таоло Ваз-Зориёт сурасининг 17-18-оятларида «Улар кечадан озгина (фуратгина) кўз юмар эдилар. Ва сахарларда улар мағфират сўрар эдилар», деб айтган.

١٩١ - وَقَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ الْأَرْضَ تُنَادِي كُلَّ يَوْمٍ بِعَشْرٍ كَلِمَاتٍ وَتَقُولُ: يَا ابْنَ آدَمَ! تَسَعَى عَلَى ظَهْرِي وَمَصِيرُكَ فِي بَطْنِي وَتَعْصِي عَلَى ظَهْرِي وَتُعَذِّبُ فِي بَطْنِي وَتَضْحَكُ عَلَى ظَهْرِي وَتَبْكِي فِي بَطْنِي وَتَفْرَحُ عَلَى ظَهْرِي وَتَحْزَنُ فِي بَطْنِي وَتَجْمَعُ الْمَالَ عَلَى ظَهْرِي وَتَنْدُمُ فِي بَطْنِي وَتَأْكُلُ الْحَرَامَ عَلَى ظَهْرِي وَتَأْكُلُكَ الدَّيْدَانُ فِي بَطْنِي وَتَخْتَالُ عَلَى ظَهْرِي وَتَدِلُّ فِي بَطْنِي وَتَمْشِي مَسْرُورًا عَلَى ظَهْرِي وَتَقَعُ حَزِينًا فِي بَطْنِي وَتَمْشِي فِي نُورٍ عَلَى ظَهْرِي وَتَقَعُ فِي الظُّلُمَاتِ فِي بَطْنِي وَتَمْشِي عَلَى الْمَجَامِعِ عَلَى ظَهْرِي وَتَقَعُ وَحِيدًا فِي بَطْنِي.

191. Анас ибн Молик розияллоху анху айтдилар:

«Ер ҳар куни ўнта калималар билан нидо қилади:

Эй одам боласи, устимда ҳаракат қилиб юрасан-у, қайтишинг менинг бағримгадир.

Устимда гуноҳ қилиб юрасан, ичимда азобланасан.

Устимда кулиб юрасан, ичимда йиғлайсан.

Устимда хурсанд бўласан, ичимда хафа бўласан.

Устимда мол-дунё тўплайсан, ичимда надомат қиласан.
 Устимда ҳаром нарсаларни ейсан, ичимда куртлар сени ейди.
 Устимда ўзингни катта олиб юрасан, ичимда хор бўласан.
 Устимда шод-хуррам юрибсан, ичимда ғам-ғусса ила бўласан.
 Устимда ёруғлик ила юрибсан, ичимда зулматда бўласан.
 Устимда жамоат ила юрибсан, ичимда якка ўзинг бўласан.

١٩٢ - وَقِيلَ: مَنْ كَثَرَ ضِحْكُهُ عَوْقِبَ عَشْرِ عُقُوبَاتٍ، أَوْلَهَا يَمُوتُ قَلْبُهُ، وَيَذْهَبُ الْمَاءُ عَنْ وَجْهِهِ، وَيَشْمَتُ بِهِ الشَّيْطَانُ، وَيَعْضِبُ عَلَيْهِ الرَّحْمَنُ، وَيُنَاقِشُ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَيُعْرَضُ عَنْهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَتَلْعَنُهُ الْمَلَائِكَةُ، وَيَبْعَثُهُ أَهْلُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِينَ، وَيَنْسَى كُلَّ شَيْءٍ، وَيَقْتَضِحُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

192. Айтиладики:

«Кимнинг кулгиси кўпайса, ўнта нарса ила уқубатланади:

1. Қалби ўлади.
2. Юзидан суви қочади, яъни нури кетади.
3. Шайтон ундан хурсанд бўлади.
4. Раҳмон унга ғазаб қилади.
5. Қиёмат куни у муҳокама қилинади.
6. Қиёмат куни Набий (с.а.в.) ундан юз ўгирадилар.
7. Фаришталар уни лаънатлайди.
8. Осмонлар ва ерлар аҳли ундан ғазабланади.
9. Ҳар бир нарсани унутиб юборади.
10. Қиёмат куни айблари очилиб, шарманда қилинади.

١٩٣ - وَقَالَ حَسَنُ الْبَصْرِيِّ رَحِمَهُ اللَّهُ يَوْمًا: بَيْنَمَا أَنَا أَطُوفُ فِي أَرْقَةِ الْبَصْرَةِ وَفِي أَسْوَاقِهَا مَعَ شَابٍّ عَابِدٍ، فَإِذَا أَنَا بَلَعْنَا بَطِيبٌ وَهُوَ جَالِسٌ عَلَى الْكُرْسِيِّ، بَيْنَ يَدَيْهِ رِجَالٌ وَنِسَاءٌ وَصَبِيَّانٌ، بِأَيْدِيهِمْ قَوَارِيرٌ فِيهَا مَاءٌ، وَكُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ يَسْتَوْصِفُ دَوَاءً لِدَائِهِ، فَقَالَ: فَتَقَدَّمَ الشَّابُّ إِلَى الطَّبِيبِ فَقَالَ، أَيُّهَا الطَّبِيبُ! هَلْ عِنْدَكَ دَوَاءٌ يَغْسِلُ الدُّنُوبَ وَيَشْفِي مَرَضَ الْقُلُوبِ، فَقَالَ نَعَمْ، فَقَالَ هَاتِ، فَقَالَ خُذْ مِنِّْي عَشْرَةَ أَشْيَاءَ، قَالَ خُذْ عُرُوقَ شَجَرَةِ الْفَقْرِ مَعَ عُرُوقِ شَجَرَةِ التَّوَّاضِعِ، وَاجْعَلْ فِيهَا هَلِيلِجَ التَّوْبَةِ وَاطْرَحْهُ فِي هَاوِنِ الرِّضَاءِ وَاسْحَقْهُ بِمِنْجَارِ الْقَنَاعَةِ وَاجْعَلْهُ فِي قِدْرِ التَّقَى وَصَبَّ عَلَيْهِ مَاءَ الْحَيَاءِ وَأَغْلِهِ بِنَارِ الْمَحَبَّةِ، وَاجْعَلْهُ فِي قَدْحِ الشُّكْرِ وَرَوِّحْهُ بِمَرْوَحَةِ الرَّجَاءِ وَاشْرَبْهُ بِمِلْعَقَةِ الْحَمْدِ، فَإِنَّكَ إِنْ فَعَلْتَ ذَلِكَ فَإِنَّهُ يَنْفَعُكَ مِنْ كُلِّ دَاءٍ وَبَلَاءٍ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ.

193. Ҳасан ал-Басрий айтдилар:

«Кунларнинг бирида бир обид йигит билан Басра тор кўчаларидаги бозорда, оломон орасида айланиб юриб бир табибни учратдик. Табиб курси устида ўтирар, ҳузурида эркаклар, аёллар, ёш болалар туришар эди. Уларнинг қўлларида шиша идиш бўлиб, ичида сув бор эди. Ҳар бир киши касалига қандай шифо топишни сўраяпти. Шунда халиги йигит табибга яқин бориб: «Эй табиб! Сизда гуноҳларни ювиб, қалб касалига шифо берувчи дори борми?» деди. Табиб эса шундай деди: «Бор, бунинг учун қуйидаги ўнта нарсани олгин:

1. Тавозеъ ва камбағаллик дарахтининг илдизини олгин.
2. Уни тавба ўсимлигига аралаштиргин.
3. Ризо ҳовончасига солгин.
4. Қаноат рандасида майдалагин.
5. Тақво қозонига ташлагин.
6. Ҳаё сувини қуйгин.
7. Муҳаббат олови ила қайнатгин.
8. Шукр қадаҳига қуйгин.
9. Умид совутгичи ила совутгин.
10. Ҳамд қошиғи ила ичгин.

Албатта ана шуларга амал қилсанг, ҳар касалликка ва дунё-охиратдаги балоларга фойда беради.

۱۹۴ - وَقِيلَ: جَمَعَ بَعْضُ الْمُلُوكِ خَمْسَةَ مِنَ الْعُلَمَاءِ وَالْحُمْكَاءِ، فَأَمَرَهُمْ أَنْ يَتَكَلَّمَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ بِحِكْمَةٍ، فَتَكَلَّمَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ بِحِكْمَتَيْنِ فَصَارَتْ عَشْرَةً، فَقَالَ الْأَوَّلُ: خَوْفُ الْخَالِقِ أَمْنٌ وَأَمْنُهُ كُفْرٌ، وَأَمْنُ الْمَخْلُوقِ عِتْقٌ وَخَوْفُهُ رِقٌّ، وَقَالَ الثَّانِي: الرَّجَاءُ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى غِنَى لَا يَضُرُّهُ فَقْرٌ، وَالْيَأْسُ عَنْهُ فَقْرٌ لَا يَنْفَعُ مَعَهُ غِنَى، وَقَالَ الثَّلَاثُ: لَا يَضُرُّ مَعَ غِنَى الْقَلْبِ فَقْرُ الْكَيْسِ، وَلَا يَنْفَعُ مَعَ فَقْرِ الْقَلْبِ غِنَى الْكَيْسِ، وَقَالَ الرَّابِعُ: لَا يَزِيدَادُ غِنَى الْقَلْبِ مَعَ الْجُودِ إِلَّا غِنَى، وَلَا يَزِيدَادُ فَقْرُ الْقَلْبِ مَعَ الْكَيْسِ إِلَّا فَقْرًا، وَقَالَ الْخَامِسُ: أَخَذَ الْقَلِيلُ مِنَ الْخَيْرِ خَيْرٌ مِنْ تَرَكَ الْكَثِيرُ مِنَ الشَّرِّ، وَتَرَكَ الْجَمِيعَ مِنَ الشَّرِّ خَيْرٌ مِنْ أَخَذَ الْقَلِيلَ مِنَ الْخَيْرِ.

194. Айтиладики:

Подшоҳлардан бири беш нафар уламо ва ҳакимни жамлаб, уларга биттадан ҳикматли сўз айтишни буюрди. Олимларнинг ҳар бири иккитадан ҳикмат айтиб, уларни ўнтага етказишди:

Биринчиси: «Холиқдан хавф қилиш омонликдир, Ундан омонда бўлиш куфрликдир. Махлуқдан омонда бўлиш озодликдир, ундан хавфда бўлиш қулликдир».

Иккинчиси: «Аллоҳдан умид қилиш бойликдир, бунда камбағаллик ҳам зарар келтира олмайди. Ундан ноумид бўлиш эса камбағалликдир, бунда бойлик ҳам фойда келтира олмайди».

Учинчиси: «Қалб бойлиги ила чўнтак камбағаллиги зарар келтира олмайди, қалб камбағаллиги ила чўнтак бойлиги фойда келтира олмайди».

Тўртинчиси: «Қалб бойлиги сахийлик ила фақат бойликни зиёда қилади, қалб камбағаллиги чўнтак бой бўлишига қарамасдан фақат камбағалликни зиёда қилади».

Бешинчиси: «Яхшиликнинг озгинасини олишлик ёмонликнинг кўпини тарк қилишдан яхшироқдир. Ёмонликнинг барчасини тарк қилишлик яхшиликнинг озини олишдан яхшироқдир.

۱۹۵ - وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا: عَشْرَةَ أَصْنَافٍ لَا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ تَابَ، أَوْ لَيْسَ الْقَلْبُ وَالْجُودُ وَالْقَتَاتُ وَالذُّبُوبُ وَالذُّبُوثُ وَصَاحِبُ الْعَرْطَبَةِ وَصَاحِبُ الْكُوبَةِ وَالْعُتْلُ وَالزَّيْنِمُ وَالْعَاقُ لِوَالِدَيْهِ. قِيلَ مَا الْقَلْبُ؟ قَالَ: الَّذِي يَمْشِي

بَيْنَ يَدَيِ الْأُمْرَاءِ، وَقِيلَ مَا الْجُيُوفُ؟ قَالَ التَّبَاشُ، وَقِيلَ: مَا الْفَتَاتُ قَالَ التَّمَامُ، وَقِيلَ مَا الدَّبُوبُ؟ قَالَ الَّذِي يَجْمَعُ فِي بَيْتِهِ الْفَتَيَاتِ لِلْفُجُورِ، وَقِيلَ مَا الدِّيُوثُ؟ قَالَ الَّذِي لَا يَغَارُ عَلَى أَهْلِهِ، وَقِيلَ مَا صَاحِبُ الْعَرْطَبَةِ؟ قَالَ الَّذِي يَضْرِبُ بِالطَّبْلِ، وَقِيلَ مَا صَاحِبُ الْكُوبَةِ؟ قَالَ الَّذِي يَضْرِبُ الطَّنْبُورَ، وَقِيلَ مَا الْعُتْلُ؟ قَالَ الَّذِي لَا يَعْفُو عَنِ الذَّنْبِ وَلَا يَقْبَلُ الْعُذْرَ، وَقِيلَ مَا الزَّنِيمُ؟ قَالَ الَّذِي وُلِدَ مِنَ الزَّنَى وَيَقْعُدُ عَلَى قَارِعَةِ الطَّرِيقِ فَيَعْتَابُ النَّاسَ، وَالْعَاقُ مَشْهُورٌ.

195. *Ибн Аббос розияллоху айтдилар:*

«Ўн тоифа киши борки, улар жаннатга киришмайди. Фақат тавба қилганларигина бундан мустаснодирлар:

1. Амирлар орасида юрувчи киши.
2. Қабрларни кавлаб, ундаги бойликларни ўғирловчи киши.
3. Кўп чақимчилик қилиб юрувчи киши.
4. Уйида ёш қизларни фаҳш ниятида тўпловчи (қўшмачи).
5. Аҳли-аёлидан қизғанмайдиган даюс.
6. Ноғора чалувчи.
7. Тор чалувчи.
8. Гуноҳни авф қилмайдиган ва узрни қабул этмайдиган киши.
9. Зинокор ва йўл ўртасида ўтириб олиб инсонларни ғийбат қилувчи киши.
10. Ота-онага оқ бўлувчи киши, бу машхур нарса.

١٩٦ - قيل: عَشْرَةٌ نَفَرٍ لَنْ يَقْبَلَ اللَّهُ تَعَالَى صَلَاتَهُمْ، رَجُلٌ صَلَّى وَحِيدًا بِغَيْرِ قِرَاءَةٍ، وَرَجُلٌ لَا يُؤَدِّي الزَّكَاةَ، وَرَجُلٌ يَوْمٌ قَوْمًا وَهُمْ لَهُ كَارِهُونَ، وَرَجُلٌ مَمْلُوكٌ آبَقٌ، وَرَجُلٌ شَارِبُ الْخَمْرِ مُدْمِنٌ، وَأَمْرَأَةٌ بَاتَتْ وَزَوْجَهَا سَاحِطٌ عَلَيْهَا، وَأَمْرَأَةٌ حُرَّةٌ تُصَلِّي بِغَيْرِ حِمَارٍ، وَآكِلُ الرِّبَا، وَالْإِمَامُ الْجَائِرُ، وَرَجُلٌ لَا تَنْهَاهُ صَلَاتُهُ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ لَا يَزْدَادُ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى إِلَّا بُعْدًا.

(عن الحسن البصري، قال: سمعت أنس بن مالك يقول: كعن رسول الله صلى الله عليه وسلم ثلاثة: رجل أم قوما وهم له كارهون، وأمراة باتت وزوجها ساحتها عليها، وأمراة حرة تصلي بغير حمار، وآكل الربا، والإمام الجائر، ورجل لا تنهأه صلاته عن الفحشاء والمنكر لا يزداد من الله تعالى إلا بعدا.)

(عن أبي سعيد، عن النبي صلى الله عليه وسلم، قال: لا يدخل الجنة مدمن خمر، ولا عاق، ولا متان. أخرجه الترمذي في "الكبرى")

196. *Айтиладики:*

«Ўн нафар киши борки, Аллоҳ таоло уларнииг намозларини қабул қилмайди:

1. Намозни қироатсиз якка ўқувчи.
2. Закотни адо этмайдиган киши.
3. Имомни агар қавми қарих кўрса.
4. Ҳожасидан қочиб кетган қул.
5. Доимий ароқ ичувчи киши.
6. Бир аёлнинг эри ундан ғабланган бўлса.
7. Рўмолсиз намоз ўқувчи ҳур аёл.
8. Судхўрлик орқасидан кун кечирувчи.
9. Золим имом.
10. Бир кишининг намози фаҳш ва мункар ишлардан қайтармасдан, фақат Аллоҳдан узоқлашишини зиёда қилса.

١٩٧ - وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَنْبَغِي لِلدَّخِيلِ فِي الْمَسْجِدِ عَشْرُ خِصَالٍ، أَوَّلُهَا أَنْ يَتَعَاهَدَ خُفْيَهُ أَوْ نَعْلَيْهِ، وَأَنْ يَبْدَأَ بِرِجْلِهِ الْيُمْنَى، وَأَنْ يَقُولَ إِذَا دَخَلَ بِسْمِ اللَّهِ وَسَلَامٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ وَعَلَى مَلَائِكَةِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ افْتَحْ لَنَا أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ، وَأَنْ يُسَلِّمَ عَلَى أَهْلِ الْمَسْجِدِ، وَأَنْ يَقُولَ إِذَا لَمْ يَكُنْ فِيهِ أَحَدٌ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ، وَأَنْ يَقُولَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَلَا يَمُرُّ بَيْنَ يَدَيْ الْمُصَلِّي، وَأَنْ لَا يَعْمَلَ بِعَمَلِ الدُّنْيَا، وَلَا يَتَكَلَّمَ بِكَلَامِ الدُّنْيَا، وَأَنْ لَا يَخْرُجَ حَتَّى يُصَلِّيَ رَكَعَتَيْنِ وَأَنْ لَا يَدْخُلَ إِلَّا بِوُضوءٍ، وَأَنْ يَقُولَ إِذَا قَامَ سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

197. Набий (с.а.в.) айтдилар:

Масжидга кирувчи киши ўнта хислатга амал қилмоғи лозимдир:

1. Оёқ кийимини ечиб, ўнг оёқ билан кириш.
2. Кираётганида “Бисмиллаҳи ва саломун ғала Росулиллаҳ ва ғала малаикатиллаҳ. Аллоҳумма ифтах лана абваба роҳматика иннака антал ваҳҳаб”, деб айтиш. (Яъни: Аллоҳнинг исми билан бошлайман. Аллоҳнинг расули ва фаришталарига саломлар бўлсин. Аллоҳим раҳмат эшикларини очгин. Албатта Сен бергувчи зотсан.)
3. Масжид аҳлига салом бериш. Агар ҳеч ким бўлмаса, “Ассалому ғалайна ва ғала ғабдиллаҳис солиҳийн”, деб айтиш. (Яъни: Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига саломлар бўлсин.)
4. “Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадур росулуллоҳ”, деб айтиш. (Яъни: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад Унинг расулидир.)
5. Намоз ўқувчининг олдидан ўтмаслик.
6. Дунё амалини қилмаслик.
7. Дунё сўзини сўзламаслик.
8. Икки ракат намоз ўқимагунча масжиддан чиқиб кетмаслик.
9. Таҳорат билан кириш.
10. Тураётганида “Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ашҳаду анла илаҳа илла анта астағфирука ва атувбу илайка”, деб айтиш. (Яъни: Аллоҳим, Сенга ҳамд айтиш ила Сени поклаб ёд этурман. Сендан бошқа илоҳ йўқ, деб гувоҳлик бераман. Сенга истиғфор айтиб, Сенга тавба қиламан.)

١٩٨ - قِيلَ: الصَّلَاةُ عِمَادُ الدِّينِ وَفِيهَا عَشْرُ خِصَالٍ، زَيْنُ الْوَجْهِ، وَنُورُ الْقَلْبِ، وَرَاحَةُ الْبَدَنِ، وَأُنْسٌ فِي الْقَبْرِ، وَمَنْزِلُ الرَّحْمَةِ، وَمِفْتَاحُ السَّمَاءِ، وَثَقُلُ الْمِيزَانِ، وَمَرْضَاةُ الرَّبِّ، وَتَمَنُّ الْجَنَّةِ، وَحِجَابٌ مِنَ النَّارِ، وَمَنْ أَقَامَهَا فَقَدْ أَقَامَ الدِّينَ وَمَنْ تَرَكَهَا فَقَدْ هَدَمَ الدِّينَ.

(الصلاة عماد الدين فمن تركها فقد هدم الدين. قال البيهقي ضعيف، وكذا قال السخاوي، وقال النووي في التنقيح: منكر باطل، والله تعالى أعلم)

198. Айтиладики:

Намоз диннинг устунидир. Унда ўнта хислат бор:

1. Юзни зийнатлайди.

2. Қалбни нурлантиради.
3. Баданни роҳатлантиради.
4. Қабрда йўлдош бўлади.
5. Раҳмат туширади.
6. Осмонга калит бўлади.
7. Мейзон (қиёматдаги амаллар тарозуси)ни оғирлаштиради.
8. Робни рози этади.
9. Жаннатнинг қийматини қўлга киритади.
10. Дўзахдан тўсиқ бўлади.

Ким намозни қоим қилса, динни қоим қилибди. Ким намозни тарк қилса, динни бузибди.

۱۹۹ - قيل: إِذَا أَرَادَ اللَّهُ تَعَالَى أَنْ يُدْخِلَ أَهْلَ الْجَنَّةِ فِي الْجَنَّةِ بَعَثَ إِلَيْهِمْ مَلَكًا وَمَعَهُ هَدِيَّةٌ وَكِسْوَةٌ مِنَ الْجَنَّةِ، فَإِذَا أَرَادُوا أَنْ يَدْخُلُوهَا قَالَ لَهُمُ الْمَلَكُ: قِفُوا إِنَّ مَعِيَ هَدِيَّةً مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ، قَالُوا: وَمَا تِلْكَ الْهَدِيَّةُ؟ فَيَقُولُ الْمَلَكُ: هِيَ عَشْرَةُ خَوَاتِمٍ، مَكْتُوبٌ عَلَى أَحَدِهَا {سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ} (الزمر-۷۳)، وَفِي الثَّانِي مَكْتُوبٌ رَفَعَتْ عَنْكُمْ الْأَحْزَانُ وَالْهُمُومُ، وَفِي الثَّلَاثِ مَكْتُوبٌ {وَتِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي أُورِثْتُمُوهَا بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ} (الزخرف-۷۲)، وَفِي الرَّابِعِ مَكْتُوبٌ أَلْبَسْنَاكُمْ الْحُلُلَ وَالْحُلِيَّ، وَفِي الْخَامِسِ مَكْتُوبٌ {وَزَوَّجْنَاهُمْ بِحُورٍ عِينٍ} (الطور - ۲۰) {إِنِّي جَزَيْتُهُمُ الْيَوْمَ بِمَا صَبَرُوا أَنَّهُمْ هُمُ الْفَائِزُونَ} (المؤمنون - ۱۱۱) وَفِي السَّادِسِ مَكْتُوبٌ هَذَا جَزَاؤُكُمْ الْيَوْمَ بِمَا فَعَلْتُمْ مِنَ الطَّاعَةِ، وَفِي السَّابِعِ مَكْتُوبٌ صِرْتُمْ شَبَابًا لَا تَهْرَمُونَ أَبَدًا، وَفِي الثَّامِنِ مَكْتُوبٌ صِرْتُمْ آمِنِينَ وَلَا تَخَافُونَ أَبَدًا، وَفِي التَّاسِعِ مَكْتُوبٌ رَأَفْتُمُ الْأَنْبِيَاءَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءَ وَالصَّالِحِينَ، وَفِي الْعَاشِرِ مَكْتُوبٌ سَكَنْتُمْ فِي جِوَارِ الرَّحْمَنِ ذِي الْعَرْشِ الْكَرِيمِ، ثُمَّ يَقُولُ الْمَلَكُ: {أَدْخُلُوهَا بِسَلَامٍ آمِنِينَ} (الحجر - ۴۶) فَيَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَيَقُولُونَ {الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَذْهَبَ عَنَّا الْحَزْنَ إِنَّ رَبَّنَا لَغَفُورٌ شَكُورٌ} (الفاطر - ۳۴) {الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي صَدَقْنَا وَعَدَهُ وَأَوْرَثَنَا الْأَرْضَ نَتَبَوُّهُ مِنَ الْجَنَّةِ حَيْثُ نَشَاءُ فَنِعْمَ أَجْرُ الْعَامِلِينَ} (الزمر - ۷۴).

وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ أَنْ يُدْخِلَ أَهْلَ النَّارِ فِي النَّارِ بَعَثَ إِلَيْهِمْ مَلَكًا وَمَعَهُ عَشْرَةُ خَوَاتِمٍ، فِي أَوَّلِهَا مَكْتُوبٌ أَدْخُلُوهَا لَا تَمُوتُونَ فِيهَا أَبَدًا وَلَا تَحْيُونَ وَلَا تَخْرُجُونَ، وَفِي الثَّانِي مَكْتُوبٌ خُوضُوا فِي الْعَذَابِ لَا رَاحَةَ لَكُمْ، وَفِي الثَّلَاثِ مَكْتُوبٌ يَنْسُوا مِنْ رَحْمَتِي، وَفِي الرَّابِعِ مَكْتُوبٌ أَدْخُلُوهَا فِي الْهَمِّ وَالْعَمِّ وَالْحُزْنِ أَبَدًا، وَفِي الْخَامِسِ مَكْتُوبٌ لِبَاسِكُمُ النَّارُ وَطَعَامُكُمْ الرِّقُومُ وَشَرَابُكُمْ الْحَمِيمُ وَمِهَادُكُمْ النَّارُ وَعَوَاشِنُكُمْ النَّارُ، وَفِي السَّادِسِ مَكْتُوبٌ هَذَا جَزَاؤُكُمْ الْيَوْمَ بِمَا فَعَلْتُمْ مِنْ مَعْصِيَتِي، وَفِي السَّابِعِ مَكْتُوبٌ سَخَطِي عَلَيْكُمْ فِي النَّارِ أَبَدًا، وَفِي الثَّامِنِ مَكْتُوبٌ عَلَيْكُمْ اللَّعْنَةُ بِمَا تَعَمَّدْتُمْ مِنَ الذُّنُوبِ الْكَبَائِرِ وَلَمْ تَتُوبُوا وَلَمْ تَنْدُمُوا، وَفِي التَّاسِعِ مَكْتُوبٌ قُرْنَاؤُكُمْ الشَّيَاطِينُ فِي النَّارِ أَبَدًا، وَفِي الْعَاشِرِ مَكْتُوبٌ اتَّبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ وَأَرَدْتُمُ الدُّنْيَا وَتَرَكْتُمُ الْآخِرَةَ فَهَذَا جَزَاؤُكُمْ.

199. Айтиладики:

Аллоҳ таоло жаннат аҳлини жаннатга киритишни хоҳласа, бир фариштани жаннатдаги ҳадя ва кийимлар билан юборади. Ўша кишилар жаннатга киришни хоҳлашса, фаришта уларга: «Тўхтаб туринглар, менда оламлар Рабби томонидан ҳадя бордир», дейди. Жаннат аҳллари: «У қандай ҳадя?» деб сўрашганида, фаришта шундай дейди: «Ўнта муҳр урилган мактуб бордир. Мактубда:

1. «Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолгувчи ҳолларингизда кирингиз».

2. «Ғам-ғуссалар сизлардан кўтарилган».
3. «Қилиб ўтган амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир».
4. «Сизларга кийимлар ва зийнатларни кийдирамиз».
5. «Биз уларни ҳурларни жуфти ҳалол қилиб қўйгандирмиз. Албатта, Мен бугун уларни сабр қилганлари учун мукофотладим. Албатта, улар ўзлари ютуққа эришгучилардир».
6. «Бугунги мукофотларингиз қилган тоатларингиз сабабидандир».
7. «Ёш йигитга айландинглар, абадий қаримайсизлар».
8. «Омонликда бўлдинглар, сизларга абадий хавф етмайди».
9. «Набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар билан бирга бўлинглар».
10. «Арш соҳиби Карим ва Раҳмон сифатли Аллоҳнинг ёнидан макон топдинглар», деб ёзиб қўйилган.

Сўнгра фаришта: «Тинч-омонликда жаннатга кирилинглар», деб айтади. Улар жаннатга кириб:

Улар: «Биздан ғам-қайғуни кетказган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Албатта, Роббимиз ўта мағфиратли ва ўта шуқр қилгучидир».

Улар: «Бизларга берган ваъдасини рост қилган ва бизга бу ерни мерос қилиб берган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Энди ундан хоҳлаган жойимизни оламиз», дедилар. Бас, амал қилувчиларнинг ажри қандай ҳам яхши бўлди».

Агар Аллоҳ дўзах аҳлини дўзахга киритишни хоҳласа, уларга бир фариштани юборади. Унда ҳам муҳр урилган ўнта мактуб бордир. Унда:

1. «Дўзахга кирилинглар, у ерда абадий ўлмайсизлар ҳам, тирилмайсизлар ҳам, чиқмайсизлар ҳам».
2. «Азобга шўнғинглар, сизларга роҳат йўқдир».
3. «Раҳматимдан ноумид бўлдинглар».
4. Абадий ғам-ғусса билан хафаликка кирилинглар».
5. «Кийимларингиз олов, овқатларингиз заққум, ичимликларингиз қайноқ сув, ётадиган нарсаларингиз ва ўранадиганларингиз ҳам ўтдандир».
6. «Бугунги жазоларингиз менга қилган гуноҳларингиз сабабидандир».
7. «Ғазабим сизларга дўзахда абадий бўлсин».
8. «Тавба ва надомат қилмасдан, катта гуноҳларга қасд этганингиз учун сизларга лаънат бўлсин».
9. «Дўзахдаги яқинларингиз абадий шайтонлардир».
10. «Шайтонга эргашиглар, дунёни хоҳлаб, охиратни тарк қилганинглар учун мана шу (дўзах) мукофотдир», деб ёзиб қўйилган.

٢٠٠ - وَعَنْ بَعْضِ الْحُكَمَاءِ: طَلَبْتُ عَشْرَةَ فِي عَشْرَةِ مَوَاطِنَ فَوَجَدْتُهَا فِي عَشْرَةِ أُخْرَى، طَلَبْتُ الرِّفْعَةَ فِي التَّكْبِيرِ فَوَجَدْتُهَا فِي التَّوَضُّعِ، وَطَلَبْتُ الْعِبَادَةَ فِي الصَّلَاةِ فَوَجَدْتُهَا فِي الْوَرَعِ، وَطَلَبْتُ الرَّاحَةَ فِي الْحَرِّ فِي الْجُرْحِ فَوَجَدْتُهَا فِي الرُّهْدِ، وَطَلَبْتُ نُورَ الْقَلْبِ فِي صَلَاةِ النَّهَارِ جَهْرًا فَوَجَدْتُهَا فِي صَلَاةِ اللَّيْلِ سِرًّا، وَطَلَبْتُ نُورَ الْقِيَامَةِ فِي الْجُودِ وَالسَّخَاوَةِ فَوَجَدْتُهَا فِي الْعَطَشِ فِي الصَّوْمِ، وَطَلَبْتُ الْجَوَازَ عَلَى الصَّرَاطِ فِي الْأَضْحَى فَوَجَدْتُهَا فِي الصَّدَقَةِ، وَطَلَبْتُ النَّجَاةَ مِنَ النَّارِ فِي الْمُبَاحَاةِ فَوَجَدْتُهَا فِي تَرْكِ

الشَّهَوَاتِ، وَطَلَبْتُ حُبَّ اللَّهِ تَعَالَى فِي الدُّنْيَا فَوَجَدْتُهَا فِي ذِكْرِ اللَّهِ تَعَالَى، وَطَلَبْتُ الْعَافِيَةَ فِي الْجَامِعِ فَوَجَدْتُهَا فِي الْعُرَّةِ، وَطَلَبْتُ نُورَ الْقَلْبِ فِي الْمَوَاعِظِ وَقِرَاءَةِ الْقُرْآنِ فَوَجَدْتُهَا فِي التَّفَكُّرِ وَالْبُكَاءِ.

200. Баъзи ҳукамолардан ривоят қилинади:

«Ўнта нарсани ўнта ўриндан ахтардим, лекин уни бошқа ўн нарсдан топдим:

1. Мартабани такаббурликдан ахтардим, лекин уни тавозеъликдан топдим.
2. Ибодатни намоздан ахтардим, лекин уни тақвода топдим.
3. Роҳатни ҳирс қўйишдан ахтардим, лекин уни зоҳидликда топдим.
4. Қалб нуруни кундузги жаҳрий намозлардан ахтардим, лекин уни кечасидаги сиррий намозлардан топдим.
5. Қиёматдаги нурни сахийлик ва қўли очиқликдан ахтардим, лекин уни рўзадорликдаги чанқоқликдан топдим.
6. Сирот кўпригидан ўтишни қурбонликдан ахтардим, лекин уни садақада топдим.
7. Дўзахдан бўладиган нажотни мубоҳлардан ахтардим, лекин уни шаҳватларни тарк қилишда топдим.
8. Аллоҳнинг муҳаббатини мол-дунёдан ахтардим, лекин уни зикруллоҳда топдим.
9. Офийатни кўпчиликдан ахтардим, лекин уни узлатда топдим.
10. Қалб нуруни мавъизалар ва Қуръон тиловатидан ахтардим, лекин уни тафаккур ва йиғида топдим.

٢٠١ - وَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فِي قَوْلِهِ تَعَالَى: {وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ} (البقرة - ١٢٤)
قَالَ عَشْرُ خِصَالٍ مِنَ السُّنَّةِ، خَمْسٌ فِي الرَّأْسِ وَخَمْسٌ فِي الْبَدَنِ، فَأَمَّا الْخَمْسُ الَّتِي فِي الرَّأْسِ السُّوَالُكُ، وَالْمُضْمَضَةُ، وَالْإِسْتِنْشَاقُ، وَقَصُّ الشَّارِبِ، وَالْحَلْقُ، وَأَمَّا فِي الْبَدَنِ تَنْفُ الْإِبْطِ، وَتَقْلِيمُ الْأَطْفَارِ، وَحَلْقُ الْعَانَةِ، وَالْحِتَانُ، وَالْإِسْتِنْجَاءُ.

201. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Аллоҳнинг сўзидаги:

“Иброҳимни Роббиси калималар ила синаб кўрганда, у уларни батамом адо этди” (Ўша батамом қилган нарса) ўнта хислат суннатдандир, деб тамомлади.

Буларнинг бештаси бошда, бештаси баданда.

Бошдагиси:

1. Мисвок ишлатиш.
2. Оғизни чайиш.
3. Бурунни чайиш.
4. Мўйлабни қисқартириш.
5. Соқолни қисқартириш.

Бадандагиси:

1. Қўлтиқ остидаги тукларни юлиш.
2. Тирноқларни қисқартириш.
3. Жинсий аъзолардаги тукларни олиш.

4. Хатна қилдириш.

5. Истинжо қилиш.

٢٠٢ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاحِدَةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ عَشْرَةً، وَمَنْ سَبَّهُ مَرَّةً سَبَّ اللَّهُ عَلَيْهِ عَشْرَ مَرَّاتٍ، أَلَا تَرَى لِقَوْلِهِ تَعَالَى لِلْوَلِيدِ بْنِ مُعِيرَةَ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَيْهِ حِينَ سَبَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّةً وَاحِدَةً سَبَّهُ اللَّهُ عَشْرَ مَرَّاتٍ، فَقَالَ: {وَلَا تُطْعَمُ كُلَّ حَلَّافٍ مَهِينٍ، هَمَّازٍ مَشَاءٍ بِنَمِيمٍ، مَنَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ، عُتْلٌ بَعْدَ ذَلِكَ زَنِيمٍ، أَنْ كَانَ ذَا مَالٍ وَبَيْنَ، إِذَا تُثْلَى عَلَيْهِ آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ} (القلم - ١٠ - ١٥) يَعْني يُكَذِّبُ بِالْقُرْآنِ.

202. *Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

У киши айтдилар:

«Ким Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга битта саловот айтса, Аллоҳ таоло у кишига ўнта саловот айтади. Ким у зотни бир марта сўкса, Аллоҳ таоло у кишини ўн марта сўкади. Валид ибн Муғйра (Унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин)га қарамайсизми? Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни бир марта сўкканида Аллоҳ таоло уни ўн марта лаънатлаб сўкди:

«Сиз ҳар бир тубан, қасамхўр, ғийбатчи, гап ташувчи, яхшилиқни ман қилгувчи, бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва бундан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг. У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун (ўзидан кетиб) қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса, булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!» дер, яъни Қуръонни ёлғонга чиқарар эди».

٢٠٣ - وَقَالَ إِبْرَاهِيمُ ابْنُ آدَهَمَ رَحِمَهُ اللَّهُ حِينَ سَأَلُوهُ عَنْ قَوْلِهِ تَعَالَى: {أَدْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ} (الغافر - ٦٠) وَإِنَّا نَدْعُوا فَلَمْ يَسْتَجِبْ لَنَا، فَقَالَ: مَاتَتْ قُلُوبُكُمْ مِنْ عَشْرَةِ أَشْيَاءَ، أَوَّلُهَا أَنَّكُمْ عَرَفْتُمْ اللَّهَ وَلَمْ تُؤَدُّوا حَقَّهُ، وَقَرَأْتُمْ كِتَابَ اللَّهِ وَلَمْ تَعْمَلُوا بِهِ، وَأَدْعَيْتُمْ عِدَاوَةَ إِبْلِيسَ وَالْيَتِيمُوهُ، وَأَدْعَيْتُمْ حُبَّ الرَّسُولِ وَتَرَكْتُمْ أَثَرَهُ وَسُنَّتَهُ، وَأَدْعَيْتُمْ حُبَّ الْجَنَّةِ وَلَمْ تَعْمَلُوا لَهَا، وَأَدْعَيْتُمْ خَوْفَ النَّارِ وَلَمْ تَنْتَهُوا عَنِ الذُّنُوبِ، وَأَدْعَيْتُمْ أَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ وَلَمْ تَسْتَعِدُّوا لَهُ، وَاشْتَعَلْتُمْ بِعُيُوبِ غَيْرِكُمْ وَتَرَكْتُمْ عُيُوبَ أَنْفُسِكُمْ، وَتَأْكُلُونَ رِزْقَ اللَّهِ وَلَا تَشْكُرُونَهُ، وَتَدْفِنُونَ مَوْتَاكُمْ وَلَا تَعْتَبِرُونَ.

203. *Иброҳим ибн Адҳам роҳимахуллоҳдан:*

Аллоҳнинг каломидаги «**Менга дуо қилинглар, ижобат қиламан**» ояти хусусида «Биз дуо қиламиз-у, ижобат бўлмайди», деб сўралганида у зот айтдилар: «Қалбларингиз ўнта нарсадан ўлгандир:

1. Аллоҳни танийсизлар-у, Унинг ҳаққини адо қилмайсизлар.

2. Аллоҳнинг китобини ўқийсизлар-у, лекин унга амал қилмайсизлар.

3. Иблисни душман, деб даъво қиласизлар, лекин уни дўст қилиб оласизлар.

4. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни яхши кўришни даъво қиласизлар, лекин у зотнинг йўллари ва суннатларини тарк қиласизлар.

5. Жаннатни яхши кўришни даъво қиласизлар, аммо унинг учун амал қилмайсизлар.

6. Дўзахдан кўрқишни даъво қиласизлар, лекин гуноҳлардан тўхтамайсизлар.
7. Ўлим ҳақ, деб даъво қиласизлар, аммо унга тайёргарлик кўрмайсизлар.
8. Бошқаларнинг айби билан машғул бўласизлар, аммо ўзингизнинг айбингизни тарк қиласизлар.
9. Аллоҳнинг ризқини ейсизлар-да, Унга шукр қилмайсизлар.
10. Ўликларингизни дафн қиласизлар-да, ундан ибрат олмайсизлар.

٢٠٤ - وَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا مِنْ عَبْدٍ دَعَا بِهَذَا الدُّعَاءِ فِي لَيْلَةٍ عَرَفَهُ أَلْفَ مَرَّةٍ وَهِيَ عَشْرُ كَلِمَاتٍ، لَمْ يَسْتَلِ اللَّهُ شَيْئًا إِلَّا أَعْطَاهُ مَا لَمْ يَدْعُ بِقَطِيعَةٍ رَحِمٍ أَوْ مَائِمٍ، أَوْلَاهَا سُبْحَانَ الَّذِي فِي السَّمَاءِ عَرْشُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْأَرْضِ مُلْكُهُ وَقُدْرَتُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْبَرِّ سَبِيلُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْهَوَى رُوحُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي النَّارِ سُلْطَانُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْأَرْحَامِ عِلْمُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي فِي الْقُبُورِ قَضَاؤُهُ، سُبْحَانَ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاءَ بِلاَ عَمَدٍ، سُبْحَانَ الَّذِي وَضَعَ الْأَرْضَ، سُبْحَانَ الَّذِي لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنَاجَى مِنْهُ إِلَّا إِلَيْهِ.

(رواه العقيلي عن ابن مسعود مرفوعا وفي إسناده عزرة بن قيس اليمحمدي قال العقيلي ضعيف ولا يتابع عليه قال في الآلئ
هذا لا يقتضي الوضع وقد أخرجه الطبراني والبيهقي في الدعوات)

204. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Бирор банда ёки чўри арафа кечасида, қариндошлиқдан узилишни ёки бирор гуноҳни ирода этмасдан кўйидаги ўн калимани минг марта ўқиб Аллоҳдан бирор нарсани сўраса, Аллоҳ таоло унга сўраган нарсасини беради:

1. Субҳаналлазий фиссамои ʻаршуҳу - Арши осмонда бўлган Зот покдир.
2. Субҳаналлазий фил арзи мулкуҳу ва қудратуҳу - Мулки ва қудрати ерда бўлган Зот покдир.
3. Субҳаналлазий фил барри сабийлуҳу - Йўли қуруқликда бўлган Зот покдир.
4. Субҳаналлазий фил ҳаво рувҳуҳу - Руҳи ҳавода бўлган Зот покдир.
5. Субҳаналлазий фин нари султонуҳу - Ўтда султонлиги бор Зот покдир.
6. Субҳаналлазий фил арҳами илмуҳу - Бачадондаги нарсадан хабари бор Зот покдир.
7. Субҳаналлазий фил қубури қазоуҳу - Қабрларда ҳукми бор Зот покдир.
8. Субҳаналлазий рафаъас самоа била ʻамадин - Осмонни устунсиз кўтариб турган Зот покдир.
9. Субҳаналлазий вазаъал арза - Ерни қўйган Зот покдир.
10. Субҳаналлазий ла малжаа вала манжаа минҳу илла илайҳи - Ундан бошқа қочиладиган, нажот топиладиган йўқдир. Фақат У зот бордир. У зот покдир.

٢٠٥ - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ: قِيلَ ذَاتَ يَوْمٍ لِإِبْلِيسَ عَلَيْهِ اللَّعْنَةُ: كَمْ أَحْبَابًاؤُكَ؟ قَالَ: عَشْرٌ نَفَرٍ، أَوْلَاهُمْ الْإِمَامُ الْجَائِزُ، وَالْمُتَكَبِّرُ، وَالْغَنِيُّ الَّذِي لَا يُبَالِي مِنْ أَيْنَ يَكْتَسِبُ الْمَالَ وَفِي مَاذَا يُنْفِقُ، وَالْعَالِمُ الَّذِي صَدَّقَ الْأَمِيرَ عَلَى جَوْرِهِ،

وَالتَّاجِرُ الْخَائِنُ، وَالْمُحْتَكِرُ، وَالرَّانِي، وَآكِلُ الرِّبَا، وَالْبَحِيلُ الَّذِي لَا يُبَالِي مِنْ أَيْنَ يَجْمَعُ الْمَالَ، وَشَارِبُ الْخَمْرِ مُدْمِنٌ عَلَيْهَا، ثُمَّ قِيلَ: فَكَمْ أَعْدَاؤُكُمْ؟ قَالَ عَشْرُونَ نَفْرًا، أَوْلَهُمْ مُحَمَّدٌ فَإِنِّي أَبْغَضُهُ، وَالْعَالِمُ الْعَامِلُ بِالْعِلْمِ، وَحَامِلُ الْقُرْآنِ إِذَا عَمِلَ بِمَا فِيهِ، وَالْمُؤَذِّنُ لِلَّهِ خَمْسَ صَلَوَاتٍ، وَمُحِبُّ الْفُقَرَاءِ وَالْمَسَاكِينَ وَالْيَتَامَى، وَذُو قَلْبٍ رَحِيمٍ، وَالْمُتَوَاضِعُ لِلْحَقِّ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي طَاعَةِ اللَّهِ تَعَالَى، وَآكِلُ الْحَلَالِ، وَالشَّابَّانِ الْمُتَحَابِّانِ فِي اللَّهِ، وَالْحَرِيصُ عَلَى الصَّلَاةِ فِي الْجَمَاعَةِ، وَالَّذِي يُصَلِّي بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامٌ، وَالَّذِي يُمَسِّكُ نَفْسَهُ عَنِ الْحَرَامِ، وَالَّذِي يَنْصَحُ (وَفِي رِوَايَةٍ) يَدْعُو لِلْإِحْوَانِ وَلَيْسَ فِي قَلْبِهِ شَيْءٌ، وَالَّذِي يَكُونُ أَبَدًا عَلَى وُضوءٍ، وَسَخِيًّا، وَحَسَنُ الْخُلُقِ، وَالْمُصَدِّقُ رَبَّهُ بِمَا ضَمِنَ اللَّهُ لَهُ، وَالْمُحْسِنُ إِلَى مَسْتُورَاتِ الْأَرَامِلِ، وَالْمُسْتَعِدُّ لِلْمَوْتِ.

205. *Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

“Кунларнинг бирида лаънати шайтондан «Дўстларинг қанча?» деб сўралганида, шайтон: “Ўн нафардир. Улар:

1. Золим имом.
2. Мутакаббир киши.
3. Молни қаердан топаётгани ва қаерга сарф қилаётганига эътибор бермайдиган бой.
4. Амирнинг зулмини тасдиқловчи олим.
5. Хиёнатчи савдогар.
6. Молни арзонлигида олиб, қимматлашганида сотувчи киши.
7. Зинокор одам.
8. Судхўрликдан ейдиган киши.
9. Молни қаерга жамлаётганига аҳамият бермайдиган бахил киши.
10. Доимий ароқ ичувчи», деди.

Сўнгра лаънати шайтонга: «Душманларинг қанча?» дейилганида, шайтон шундай жавоб берди: «Улар қуйидаги йигирма нафардир:

Уларнинг биринчиси – Муҳаммад пайғамбар, чунки ундан ғазабланаман.

2. Илмига амал қилувчи олим.
3. Қуръонни тўла ёд олиб, унинг ичидагиларга амал қилувчи.
4. Беш вақт намозга азон айтувчи.
5. Камбағал, мискин, етимларни яхши кўрувчи.
6. Раҳмдил қалб эгаси.
7. Ҳақ учун тавозеъ қилувчи.
8. Аллоҳнинг тоатида ўсувчи йигит.
9. Ҳалол еувчи.
10. Аллоҳ йўлида бир-бирига дўст бўлувчи икки йигит.
11. Намозларини жамоат билан ўқишга интилувчи киши.
12. Кечаси одамлар ухлаётганида намоз ўқувчи киши.
13. Ҳаромдан нафсини тиювчи киши.
14. Дўстига нисбатан қалбида бирор нарса бўлмасдан насихат ёки даъват қилувчи киши.
15. Доим таҳоратда юрувчи киши.
16. Сахий одам.
17. Чиройли хулқли киши.
18. Аллоҳ кафил бўлган нарсаларга Раббини тасдиқ қилувчи киши.

19. Бева қолган мастура аёлларга яхшилик қилувчи киши.

20. Ўлимга тайёр бўлиб юрувчи киши

٢٠٦ - وَقَالَ وَهَبُ بْنُ مُنْبَهٍ: مَكْتُوبٌ فِي التَّوْرَاتِ، مَنْ تَزَوَّدَ فِي الدُّنْيَا صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَسِيبَ اللَّهِ، وَمَنْ تَرَكَ الْغَضَبَ صَارَ فِي جَوَارِ اللَّهِ، وَمَنْ تَرَكَ حُبَّ الْعَيْشِ فِي الدُّنْيَا صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ آمِنًا مِنْ عَذَابِ اللَّهِ، وَمَنْ تَرَكَ الْحَسَدَ صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَحْمُودًا عَلَى رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ، وَمَنْ تَرَكَ حُبَّ الرِّيَاسَةِ صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَزِيزًا عِنْدَ الْمَلِكِ الْجَبَّارِ، وَمَنْ تَرَكَ الْفُضُولَ فِي الدُّنْيَا صَارَ نَاعِمًا فِي الْأَبْرَارِ، وَمَنْ تَرَكَ الْخُصُومَةَ فِي الدُّنْيَا صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنَ الْفَائِزِينَ، وَمَنْ تَرَكَ الْبُخْلَ فِي الدُّنْيَا صَارَ مَذْكُورًا عِنْدَ رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ، وَمَنْ تَرَكَ الرَّاحَةَ فِي الدُّنْيَا صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَسْرُورًا، وَمَنْ تَرَكَ الْحَرَامَ فِي الدُّنْيَا صَارَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي جَوَارِ الْأَنْبِيَاءِ، وَمَنْ تَرَكَ النَّظَرَ فِي الْحَرَامِ فِي الدُّنْيَا أَفْرَحَ اللَّهُ عَيْنَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي الْجَنَّةِ، وَمَنْ تَرَكَ الْغِنَى فِي الدُّنْيَا وَاخْتَارَ الْفَقْرَ بَعَثَهُ اللَّهُ تَعَالَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ مَعَ الرَّسُولِ وَالنَّبِيِّينَ، وَمَنْ قَامَ بِحَوَائِجِ النَّاسِ فِي الدُّنْيَا قَضَى اللَّهُ تَعَالَى حَوَائِجَهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ فِي قَبْرِهِ مُونِسٌ فَلْيَقُمْ فِي ظُلْمَةِ اللَّيْلِ وَلْيُصَلِّ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ فِي ظِلِّ عَرْشِ الرَّحْمَنِ فَلْيَكُنْ زَاهِدًا، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ حِسَابُهُ يَسِيرًا فَلْيَكُنْ نَاصِحًا لِنَفْسِهِ وَإِخْوَانِهِ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ الْمَلَائِكَةُ زَائِرِينَ فَلْيَكُنْ وَرَعًا، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَسْكُنَ فِي بُحْبُوحَةِ الْجَنَّةِ فَلْيَكُنْ ذَاكِرًا لِلَّهِ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَدْخُلَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ فَلْيَتَّسِبْ إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ غَنِيًّا فَلْيَكُنْ رَاضِيًّا بِمَا قَسَمَ اللَّهُ تَعَالَى، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ مَعَ اللَّهِ فَلْيَكُنْ خَاشِعًا، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ حَكِيمًا فَلْيَكُنْ عَالِمًا، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ سَالِمًا مِنَ النَّاسِ فَلَا يَذْكُرْ أَحَدًا إِلَّا بِخَيْرٍ وَلْيَعْتَبِرْ فِيهَا مِنْ أَيِّ شَيْءٍ خُلِقَتْ، وَمَنْ أَرَادَ الشَّرْفَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيُخْتَرِ الْآخِرَةَ عَلَى الدُّنْيَا، وَمَنْ أَرَادَ الْفِرْدَوْسَ وَالنَّعِيمَ الَّذِي لَا يَمُنَى لَا يُضِيعُ عُمُرَهُ فِي فَسَادِ الدُّنْيَا، وَمَنْ أَرَادَ الْجَنَّةَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيَعْلِهِ بِالسَّخَاوَةِ لِأَنَّ السَّخِيَّ قَرِيبٌ إِلَى الْجَنَّةِ وَبَعِيدٌ مِنَ النَّارِ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَوِّرَ قَلْبَهُ بِالنُّورِ النَّامِ فَلْيَعْلِهِ بِالتَّفَكُّرِ وَالْإِعْتِبَارِ، وَمَنْ أَرَادَ أَنْ يَكُونَ لَهُ بَدَنٌ صَابِرٌ وَلِسَانٌ ذَاكِرٌ وَقَلْبٌ خَاشِعٌ فَلْيَعْلِهِ بِكَثْرَةِ الْإِسْتِغْفَارِ لِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ.

206. Ваҳб ибн Мунаббах айтдилар:

“Тавротда қуйидагилар ёзилган: «Ким дунёда зоди роҳилани тайёрласа, қиёмат куни Аллоҳнинг дўсти бўлади. Ким ғазабини тарк қилса, Аллоҳнинг ёнида бўлади. Ким дунёда чиройли яшашни тарк қилса, қиёмат куни Аллоҳнинг азобидан омонда бўлади. Ким ҳасадни тарк қилса, қиёмат куни халойиқ олдида мақтовга сазовор бўлади. Ким риёсатни тарк қилса, қиёмат куни Жаббор, Молик сифатли Зот ҳузурда азиз бўлади. Ким дунёда ортиқча нарсаларни тарк қилса, яхшилар орасида неъматланади. Ким дунёда хусуматни тарк қилса, қиёмат куни нажот топганлардан бўлади. Ким дунёда бахилликни тарк қилса, қиёмат куни халойиқнинг бошида зикр қилинади. Ким дунёда роҳатни тарк қилса, қиёмат куни шод бўлади. Ким дунёда харомни тарк қилса, қиёмат куни набийлар қўшниси бўлади. Ким дунёда ҳаром нарсаларга қарашни тарк қилса, қиёмат куни Аллоҳ унинг кўзини жаннатда шодлантиради. Ким дунёда бойликни тарк қилиб камбағалликни ихтиёр қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло валийлар ва набийлар билан бирга қайта тирилтиради. Ким дунёда инсонларнинг ҳожатларини чиқарувчи бўлса, Аллоҳ таоло дунё ва охирада унинг ҳожатларини чиқаради. Ким қабрида йўлдош бўлишини хоҳласа, кечаси қоронғуда туриб намоз ўқисин. Ким Раҳмон Аршининг соясида бўлишни

хоҳласа, зоҳид бўлсин. Ким ҳисоби енгил бўлишини хоҳласа, ўзига ва биродарига насиҳатда бўлсин. Ким фаришталар зиёрат қилишини хоҳласа, тақводор бўлсин. Ким жаннатда хурсанд бўлишни хоҳласа, кечаси ва кундузи Аллоҳни зикр қилсин. Ким жаннатга ҳисоб-китобсиз киришни хоҳласа, Аллоҳга насух тавбасини қилсин. Ким бой бўлишни хоҳласа, Аллоҳ тақсимаб қўйган нарсага рози бўлсин. Ким фақиҳ бўлишни хоҳласа, Аллоҳдан қўрқувда бўлсин. Ким ҳаким бўлишни хоҳласа, олим бўлсин. Ким инсонлардан омонда бўлишни хоҳласа, инсонларни фақат яхшилик билан зикр қилсин. «Нимадан халқ қилиндим ва нимага халқ қилиндим?» деб ибратлансин. Ким дунё ва охиратда шарафни хоҳласа, дунёнинг устига охиратни ихтиёр қилсин. Ким Фирдавсни ва фоний бўлмайдиган неъматни хоҳласа, умрини дунё фасодларида зое қилмасин. Ким дунё ва охиратда жаннатни хоҳласа, сахийликни лозим тутсин, чунки сахийлик жаннатга яқин ва дўзахдан узоқ қилади. Ким қалби мукамал нур билан мунаввар бўлишини хоҳласа, тафаккур ва ибратланишни лозим тутсин. Ким, бадани сабрли, тили зокир, қалби хушуъли бўлишини хоҳласа, мўмин-мўминалар, муслим-муслималар ҳаққига кўп истиғфор айтишни лозим тутсин!

(Изоҳ: «Насух» лугатда «халис, жазм, содиқ, насиҳат» маъноларини билдиради. Истилоҳда халис қилинган тавба, содиқ тавба «Насух тавба» деб аталади. Насух тавбага Ҳазрати Умар «Кичининг ёмон ишдан қайтиб, сўнг уни абадий такрорламаслигидир», деб таъриф берганлар.

Ҳажга бориб-келгунча етадиган озиқ-овқат ва эҳтиёжлари учун керакли бошқа сарф-харажатлар «зод» дейилади. Ҳажга бориб келгунча етадиган йўл харажатлари «роҳила» деб аталади. Кенгроқ маънода охират йўлининг озиғи, яъни савоб, хайрли, олижаноб ишлар, гўзал хулқлар ҳам «зоди роҳила»дир.)

* * *